



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



**1 июнь = Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Сахифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 25.06.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1950.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ЖАМИЯТ

4

БОЛАЛАР ҲАЁТИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

5

"БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ..."

6

КОРРУПЦИЯ - ИСЛОҲОТЛАР ЙўЛИДАГИ ТўСИҚ

7

ОДОБ КОДЕКСИ - МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

МУШОҲАДА

8

МАЪМУРИЙ ДАЪВО ИНСТИТУТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

10

“INTEGRATED CRIMINAL CASE FILING AND MANAGEMENT
SYSTEM” (ICMS) ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АҲАМИЯТИ

ТАҲЛИЛ

12

СУДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИК: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

14

ТАЛҚИН

СУД ҲОКИМИЯТИГА НИСБАТАН ИШОНЧНИ ОШИРИШДА
СУДЬЯЛАР МАЛАКА ҲАЙЪАТИНИНГ РОЛИ

РАҚАМЛИ ДУНЁ

16

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЁРДАМИДА БОЖХОНА
ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

18

ЖАРАЁН

БЛОГЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУРАТИ

МУЛОҲАЗА

20

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИНИНГ ТАРИХИЙ ТАДРИЖИ ВА
МУСТАҚИЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (XIX–XX АСРЛАР)

22

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

МАЪМУРИЙ АКТЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

24

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

26

НУҚТАИ НАЗАР

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИҚ ВА МАЖБУРЛАШ
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ	28
ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИДА СЕНАТ ВАКОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ	
29	СУДЬЯ МИНБАРИ
ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИ: НАТИЖА ВА САМАРАДОРЛИК	
	30
АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ	
32	
БОЛА БИЛАН КЎРИШИШГА ОИД ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	
	33
ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР	
34	
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
	36
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ГАРОВИ	
38	
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҚОНУН ВА СУД ҲИМОЯСИДА	
	40
КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ: ГЛОБАЛ ТАЖРИБА ВА МАҲАЛЛИЙ МУАММОЛАР	
41	ТАДҚИҚОТ
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
42	
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ	44
“ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕНГИЛЛАШТИРДИ?	
45	
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	

	46
МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРДА ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ	
47	
ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ	
	48
ЁЛФОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ – ЖИНОЯТ	
49	
МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ТУШУНАРЛИЛИК ТАМОЙИЛИНИ ҚўЛЛАШ АСОСЛАРИ	
	50
СУДНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАМОЙИЛИ ВА УНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ	
51	
ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	
	52
ҚОНУНЧИЛИК БЎЙИЧА УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ	
53	ТЕМА ДНЯ
ВОЗВРАТ ИЗЛИШНЕ УПЛАЧЕННЫХ И ВЗЫСКАННЫХ НАЛОГОВ ИЗ БЮДЖЕТНОЙ СИСТЕМЫ	
АДМИНИСТРАТИВНАЯ РЕФОРМА	54
ОСОБЕННОСТИ ПРИОСТАНОВЛЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА В АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДАХ: ОПЫТ СОСЕДНИХ СТРАН	
55	ЖИЗНЬ И ЗАКОН
ОСОБЕННОСТИ ЮРИДИЧЕСКОГО ФАКТА В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВООТНОШЕНИИ	
ВАЖНАЯ ТЕМА	56
ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ПРАВА НА ЗДОРОВЬЕ В СОВРЕМЕННОМ МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ	
58	ПРОЦЕСС
ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ ИНТЕРНЕТА	
IMPORTANT TOPIC	61
DIGITALIZATION AS A FACTOR IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF JUDICIAL PROCEEDINGS IN UZBEKISTAN	
62	ANALYSIS
CHALLENGES OF DETERMINING THE TRUTH IN MEDICAL LAW	



БОЛАЛАР ҲАЁТИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

Бола – жамиятнинг энг нозик, беғубор ва муҳим аъзосидир. Унинг соғлом ва эркин ўсиши, тўлиқ камол топиши учун шарт-шароит яратиш ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат инсонпарварлик, балки келажакка бўлган масъулиятли ёндашув сифатида қаралади.

Болалар ҳуқуқлари — бу ҳар бир боланинг ҳаёти, соғлиги, таълим олиши, меҳр ва ғамхўрлик кўриши, зўравонликдан ҳимояланиши, ўз фикрини эркин ифода этиш, она тили ва миллий қадриятлар асосида ривожланиши каби асосий ҳуқуқларидир. Бу ҳуқуқлар БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”сида аниқ ва равшан баён қилинган. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни 1992 йилда ратификация қилган ва шундан бери болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қатор қонунчилик ва амалий чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш дейилганда аввало, уларни зўравонлик ва меҳнат эксплуатациясидан, эрта никоҳлардан, таълимдан маҳрум бўлишдан ҳимоя қилиш назарда тутилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мактабгача таълим ва умумий мажбурий таълим тизими ривожлантирилмоқда, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи таъминланмоқда.

Жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва кафолатлаш янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланиши бу масала давлат даражасида эканлигининг яққол исботидир. Жумладан, Бош қомусимизнинг 44-моддасига асосан, болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, ҳавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига ҳавф солувчи, шу жумладан таълим олишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланган.

Шунингдек, Конституциянинг 50-моддасида таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив

таълим ва тарбия таъминланиши алоҳида мустаҳкамланган. Энг муҳими, янги Конституцияга оила, болалар, ёшлар деб номланган янги боблар киритилиб, унда болаларнинг мақоми янада кучайтирилган.

Бош қомусимизнинг 77-моддасига кўра ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши ҳусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Мазкур моддада давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши, уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаши ҳам белгилаб қўйилган.

78-моддада эса боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки болаларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва орзу интилишларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилса, уларда олдинга интилиш, ҳаракат бўлади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат давлатнинг вазифаси эмас. Ота-она, мактаб, маҳалла ва бутун жамият бу жараёнда фаол иштирок этиши керак. Ҳар бир болага меҳр-оқибат, эътибор ва ҳимоя зарур. Унинг фикрини эшитиш, эҳтиёжларини тушуниш ва унинг шахсиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш — бу ҳуқуқий ҳимоянинг энг муҳим пойдеворидир.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бу болаларни нафақат бугунги кунида, балки уларнинг эртанги келажакда ҳам муваффақиятли, фаровон ва бахтли ҳаётга тайёрлаш демакдир. Ҳар бир бола ўз ҳуқуқларини билиши, уларни амалга оширишга ишониши ва жамият эса бу ҳуқуқларни таъминлашда масъулиятли бўлиши керак. Чунки болалар – келажак пойдеворидир.



Фазлиддин ЁДГОРОВ,

Тошкент шаҳар иқтисодий судлов ҳайъати судьяси.

"БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ..."

UNICEF ва Статистика агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, охириги икки йилда 14 ёшгача бўлган болаларнинг 69 фоизи тарбиявий жараёнда зўравонликка дуч келган, улардан 29 фоизи жисмоний зўравонлик қурбони бўлган. Глобал миқёсда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар уч боладан иккитаси шафқатсиз тарбия усулларида азият чекади, ҳар тўртинчи бола эса мактабда буллинг (камситиш ва зулм ўтказиш) қурбонига айланади.

ЖССТ томонидан тақдим этилган маълумотларда ҳар йили дунё болаларининг ярмидан кўпи зўравонликка учраши, 25 фоиздан 50 фоизгача болалар таҳқирлаш қурбонига айланиши, ўғил болалар ўртасида зўравонлик кўпинча ўқотар ёки бошқа қурол ишлатилган ҳолда содир бўлиши ва бу ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланиши қайд этилган.

Хўш, Ўзбекистонда болаларни зўравонлик ва тазйикдан асраш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

Мамлакатимизда эртанги келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод камолоти, таълим ва тарбияси, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, ўсиб келаётган фарзандларимизни маънан етук ва жисмонан соғлом шахслар сифатида улғайтиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мазмун ва моҳияти, аҳамияти ва кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига кўра, боланинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлигига, шаъни, қадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган, жисмоний ёки руҳий азоб етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган ҳамда асосий эҳтиёжларига зид бўлган, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, қасддан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни болаларга нисбатан зўравонликнинг қуйидаги 6 та шаклини белгилайди ҳамда уларни содир этишни тақиқлайди. Хусусан:

жисмоний зўравонлик – уриш, тан жароҳати етказиш, болани жисмоний азобга дучор қилиш;

руҳий зўравонлик – ҳақоратлаш, таҳқирлаш, таҳдид қилиш, болани камситиш;

жинсий зўравонлик – болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш, барча шахвоний хатти-ҳаракатлар киради;

эксплуатация – болаларни мажбуран ишлатиш, одам савдоси, меҳнатга ёки никоҳга мажбурлаш;

ғамхўрлик кўрсатмаслик – болани эътиборсиз қолдириш, унинг асосий эҳтиёжларини қондирмаслик;



таъқиб этиш – болаларни мактаб ёки жамиятда камситиш, руҳий босим ўтказиш, ижтимоий тармоқларда таҳқирлаш ҳам шулар жумласидандир.

Эндиликда болаларга ҳам ҳимоя ордери бериш таклиф қилинмоқда. Ордер ваколатли орган томонидан зўравонликдан жабрланувчининг қонуний вакилига ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахсга ҳамда зўравонликдан жабрланувчининг ўзига берилади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳолат юзасидан маълумотлар келиб тушган пайтдан бошлаб 24 соат ичида вазиятни баҳолаб, натижасига кўра ҳимоя ордерини беради ёки рад этади. Шу билан бирга, зўравонлик содир этган оилалар билан ишлаш институти ҳам жорий этилмоқда.

Соғлом бола муқаддас Ислом динимизнинг муддаоси бўлган. Ҳадис илмининг султони, ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад" китобининг бир бобида "Бола соғлом туғилса, худога шукур қилиш ҳақида" таъкидланиб: "Ойша (р.а) бирор оилада фарзанд туғилса, ўғил ё кизлигини сўрамас эдилар. Балки, "Соғломми?" – деб сўрар, "Ҳа" дейилса, "оламларнинг Парвардигори Аллоҳга шукур" дердилар", дейилган.

Ҳа, давлатнинг қудратини белгилайдиган қатор омилардан бири, шубҳасиз, маънан етук, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдир. Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш нақадар муҳим, масъулиятли вазифа экани барчамизга аён. Ёшларга, болаларга эътибор, дарҳақиқат, келажакка қўйилган сармоядир. Ваҳоланки, кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий-демократик, ижтимоий давлат қуриш фарзандларимизнинг фаол иштироки, қўллаб-қувватлаши орқалигина тўлақонли амалга ошар экан, маънавияти юксак, чуқур билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш буюк келажакимизни ҳам таъминлашига шубҳа йўқ.

Бахтиёр КИЛИЧОВ,

жиноят ишлари бўйича Қўдала туман суди тергов судьяси.

КОРРУПЦИЯ - ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚ

Коррупция – бу давлат ёки жамоатчилик манфаатларини шахсий фойда учун суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятдир. У ижтимоий адолат, иқтисодий ўсиш ва демократик институтлар ривожига жиддий таҳдид солади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда коррупция туфайли миллиардлаб долларлар йўқотилади. Шу сабабли, коррупцияга қарши кураш нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий масала ҳамдир.

Коррупцияни илмий нуқтаи назардан ўрганишда турли ёндашувлар мавжуд.

Институционал ёндашув: коррупция давлат идораларининг самарасизлиги ва шаффофликнинг етишмаслиги натижасида пайдо бўлади.

Иқтисодий ёндашув: коррупция иқтисодий мувозанатнинг бузилиши, иш ҳақининг пастлиги ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ.

Социологик ёндашув: жамиятда коррупция "норма" сифатида шаклланган бўлса, ундан қутулиш мураккаблашади.

Коррупция — бу фақат миллий эмас, балки глобал муаммодир. Унинг олдини олиш ва камайтириш учун дунёда турли мамлакатлар ўз ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий ёндашувларини амалиётга жорий этишган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда коррупцияга қарши кураш кучайиб бораётган бир пайтда, халқаро тажриба билан танишиш ва ундан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада дунё давлатларининг ўзига хос тажрибалари бор. Қуйида ана шулардан айримларини санаб ўтамыз.

Сингапур: қатъийлик ва тизимли ислоҳотлар

Сингапур дунёдаги энг кам коррупциялашган давлатлардан бири ҳисобланади. Бу натижага эришишда:

коррупцияга қарши мустақкам қонунчилик базаси;

ижро ҳокимиятининг мустақиллиги;

юқори маошли давлат хизматчилари;

ҳар бир иш учун жавобгарлик ва ҳисобот тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Сингапурда коррупцияга қарши курашувчи идора мустақил фаолият юритади ва у ҳатто юқори лавозимдаги амалдорларни ҳам тергов қилиш ваколатига эга.

Швеция ва Финляндия: очиқлик ва жамоатчилик назорати

Бу мамлакатларда коррупция даражаси жуда паст. Уларда:

очиқ давлат маълумотлари портали;

оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги;

сиёсий тизимда шаффоф молиялаштириш;

фуқароларнинг фаол иштироки муҳим ўрин тутди.

Бу орқали жамоатчилик ҳар қандай давлат сарф-ҳаражати-ни назорат қила олади.

Грузия: тезкор ислоҳотлар ва рақамли трансформация

2003 йилдаги "Роза инқилоби"дан сўнг Грузияда коррупцияга қарши жиддий чоралар кўрилди:

бутун полиция тизими қайта шакллантирилди;

давлат хизматлари рақамлаштирилди;

давлат харидлари очиқ тендерлар орқали амалга оширила бошлади.

Бу орқали жамиятда ишонч ортди ва хорижий инвестициялар кўпайди.

АҚШ: миллий ва халқаро механизмлар

АҚШда коррупцияга қарши кураш учун:

Федерал қонунлар (масалан, Foreign Corrupt Practices Act – FCPA);

FBI ва Department of Justice (Адлия вазирлиги)нинг фаол иштироки;

Whistleblower (фош этувчи) дастурлари жорий қилинган.

Бу тизимда фуқаролар коррупцияни фош қилгани учун мукофот олишлари мумкин.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши самарали кураш учун қуйидаги омиллар жуда муҳим:

1. Мустақкам ва мустақил антикоррупция институтлари;

2. Очиқ ва шаффоф давлат бошқаруви;

3. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

4. Фуқароларнинг фаол иштироки ва ҳуқуқий онгини ошириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. "Коррупцияга қарши курашиш агентлиги" агентлиги давлат идораларида шаффофликни таъминлаш, коррупция ҳолатларини фош этиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича фаолият юритмоқда.

"2023-2024 йилларга мўлжалланган Миллий антикоррупция стратегияси" қабул қилинди. Давлат харидлари, лицензиялаш ва имтиҳон жараёнлари рақамлаштирилди.

Бундан ташқари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, рақамли технологияларни жорий қилиш, очиқ маълумотлар базаларини шакллантириш каби чоралар ҳам самара бермоқда.

Коррупцияга қарши самарали курашда фақат давлат органларининг саъй-ҳаракатлари етарли эмас. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёшлар ўртасида ҳалоллик ва адолат тушунчаларини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва унга амал қилган ҳолда, коррупция ҳолатларига нисбатан муросасиз бўлиши керак.

Коррупцияга қарши кураш — бу фақатгина жазо эмас, балки кенг қамровли тарбиявий, институционал ва ҳуқуқий чоралар мажмуасидир. Адолатли, шаффоф ва тараққий этган жамият барпо этиш учун ҳар бир фуқаро бу жараёнда фаол иштирок этиши шарт. Чунки коррупцияга қарши кураш — бу келажак учун масъулият демакдир.

Хулоса сифатида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамыз:

1. Коррупцияга қарши курашиш учун ягона ҳуқуқий ёндашув етарли эмас, ижтимоий-тарбиявий чоралар ҳам зарур.

2. Фуқароларни ҳуқуқий онгини ошириш — коррупциянинг профилактикасида муҳим омилдир.

3. Антикоррупцион сиёсатни баҳолаш учун илмий индикаторлар (масалан, рақамлашган жараёнлар улуши, фуқаро мурожаатлари кўлами) ишлаб чиқиши керак.

4. Олий таълим муассасаларида "Антикоррупцион маданият" фанини жорий этиш тавсия этилади.

Низомжон МАҲМУДОВ,

жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди тергов судьяси.

ОДОБ КОДЕКСИ – МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштириш мақсадида бир қанча миллий маданий марказлар, диний конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бу муҳитни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаро учун муқаддас бурч бўлса, судьялар учун эса икки қарра масъулиятдир. Судлов жараёнида судья барча томонларга бир хил муносабатда бўлиши, инсонларни миллатидан, тилидан, динидан қатъи назар, фақат ва фақат қонун доирасида баҳолаши лозим. Бундай ёндашув фақат адолатни қарор топтирибгина қолмай, балки миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айнан шунинг учун ҳам Судьялар одоби кодекси “Судьянинг ҳуққ-атворида доир умумий талаблар” номли 2-моддасининг 5-бандида ушбу масалага тўхталиб ўтилган.

Унга кўра, Ўзбекистонда ҳар бир миллат ўз миллий урф-одатлари, тили ва маданиятини асраб-авайлаш ҳуқуқига эга. Судья, жамиятдаги муҳим шахс сифатида, бу қадриятларга ҳурмат билан ёндашиши зарур. Масалан, турли жамоалардаги никоҳ анъаналари, оилавий муносабатлар ёки мерос ҳуқуқи каби масалаларда миллий қадриятлар инobatга олиниши, улар қонунга зид келмаса, бу ҳурматнинг ёрқин кўринишидир.

Конституциямизнинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Ўз навбатида суд мажлисларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бирга бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, ирқи, этники, тили, миллати жиҳатидан турли фуқаролар иштирок этади.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири саналади. Бағрикенглик фуқаролар орасида тотувликни таъминлайди, жамиятда табиий равишда учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашувига, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Бугун нафақат юртимизда, балки бутун Ер юзида диний бағрикенглик, диний конфессиялараро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда.

Судья фаолиятида бетарафлик, холислик ва инсоф асосий мезонлардан саналади. Бироқ у жамиятда юз бераётган маданий ва ижтимоий жараёнларга ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим. У инсонларнинг дилидаги дардни ҳис қилиб, уларнинг урф-одатларини теран англаб, ҳукм чиқаришда ана шу нарсаларни инobatга олса, у ҳолда судлов фаолияти фақат ҳуқуқий эмас, балки маънавий асосларга ҳам суянади.

Замонавий давлатнинг мақсади жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Зеро, мамлакатимизнинг тараққий этиши авваломбор, ундаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитининг сақланишига боғлиқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” муқаддимасида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали

ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур деб белгиланган.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида суд мамлакат Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган бўлиб, суднинг асосий фаолияти қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро тотувликни қадрлаш орқали миллий урф-одат ва қадриятларга, анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш, уларни тинч-осуда ҳаётига кафолат бўлиб хизмат қилишдан иборатдир, шунинг учун Асосий қонунимизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилишини ўз зиммасига олган.

Шу сабабли ҳар қандай вазиятда судья Ўзбекистон Республикаси ва бошқа халқларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш каби талабларга риоя қилиши лозим.

Суд тизими нафақат адолатни тикловчи, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширувчи институт ҳамдир. Бу нуқтаи назардан қаралганда, судьялар фуқаролар ўртасида миллатлараро бағрикенглик, тинчлик ва ўзаро ҳурмат ғояларини тарғиб этувчи маънавий етакчи сифатида ҳам фаолият юритиши мумкин. Жамиятдаги ҳар бир адолатли ҳукм, ҳар бир холис қарор — бу нафақат бир иш юзасидан чиқарилган ҳукм, балки келажак авлод учун ибрат ҳамдир.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, судьянинг фаолияти нафақат қонун устуворлигини таъминлашга, балки жамиятда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни эъозлашга ҳам хизмат қилиши даркор. Миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитида адолат қарор топади. Ана шундагина судьялар фаолияти ҳақиқий маънода юрт тинчлиги ва тараққиётига хизмат қилади.

Норқувват ЯНГИБОЕВ,

Термиз давлат университети доценти.

МАЪМУРИЙ ДАЪВО ИНСТИТУТИНИНГ ЗАРУРИЯТИ

2017 йилда мамлакатимиз тарихида илк мартаба маъмурий судлар ташиқ қилинганлиги фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Ўтган даврда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган 120 мингга яқин ариза ва шикоятларнинг 57 фоизи қаноатлантирилиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги ҳам маъмурий судларнинг қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим институт сифатида шакллانганлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали ҳимоя воситасидир.

Шу билан бирга, шикоят шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклашнинг ҳуқуқий воситаси сифатида муҳимлигига қарамай, ҳозирги вақтда айрим турдаги шикоятларнинг ҳуқуқий мазмуни ва мақсади етарли даражада ўрганилмаган. Буларга, биринчи навбатда, маъмурий шикоят ва маъмурий даъво киришти мумкин. Ушбу турдаги шикоятларнинг ҳуқуқий моҳиятини батафсил ва тўлиқ тушуниш учун уларни тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ишларда даъво ишларини юритиш – бу маъмурий процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган суднинг маъмурий ёки бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган субъектив оммавий ҳуқуқ ёки қонуний манфаатлар тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибидир. Ушбу процесснинг моҳияти шундан иборатки, суд маъмурий низо ноқонуний бошқарув ҳаракати билан келиб чиққан ноаниқлик, эътироз ёки бузилиш туфайли субъектив ҳуқуқнинг мавжудлигини ёки йўқлигини текширади.

Даъво шаклидаги маъмурий суд процесси маъмурий даъво билан олдиндан белгиланади: маъмурий даъво ушбу жараёнинг боришини, йўналишини, чегараларини, ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулини ва якуний суд қарорининг предметини белгилайди. Шунга асосланиб, маъмурий процесснинг даъво шаклига куйидаги хусусиятлар хосдир:

- 1) маъмурий ҳуқуқий муносабатлар тарафининг бузилган ёки баҳсли ҳуқуқидан келиб чиқадиган ва қонун асосида суд томонидан муайян процессуал тартибда кўриб чиқиладиган даъвонинг мавжудлиги;
- 2) шахснинг бузилган субъектив оммавий ҳуқуқи ва маъмурий органлар қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нинг қонунийлиги тўғрисида низонинг мавжудлиги;
- 3) судда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонун билан тенг ҳуқуқларга эга бўлган қарама-қарши моддий ва қонуний манфаатларга эга бўлган икки томоннинг мавжудлиги;
- 4) маъмурий даъво бўйича кўзга тутилган ҳуқуқий даъво кўриб чиқиш жараёнининг низолашадиган тарафлар ва низо натижасидан манфаатдор бўлмаган учинчи шахс мавжудлиги.

Даъво шаклининг аҳамияти шундаки, у маъмурий низонинг натижасидан манфаатдор томонларга уни ҳал қилишнинг тўғрилиги, томонларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тенглиги тўғрисида маълум ҳуқуқий қоидалар беради. Даъво жараёнини тартибга солувчи процессуал қоидалар барча маъмурий процесслар учун умумий қоидалар характериға эга.

Маъмурий даъво фуқаролик даъвосидан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятлар мавжуд:

- 1) баҳсли маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади ва ҳуқуқий ҳимоя талаби сифатида ҳар доим маъмурий-ҳуқуқий низога боғлиқдир;
- 2) қарама-қарши қонуний манфаатларга эга бўлган томонлар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлишидан далолат беради, улардан камида биттаси давлат ҳокимияти субъекти ҳисобланади;
- 3) давлат бошқарувида бузилган ҳуқуқни тиклаш, мажбуриятларни юклаш, маъмурий актни ҳақиқий эмас деб тан олиш каби усулларда ҳимоя қилишдир;
- 4) даъво предмети субъектив оммавий қонун, маъмурий акт ёки жамоат тартибининг қонунийлиги бўлиб, судга мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқи бузилган деб ҳисобланади;
- 5) маъмурий даъво билан берилган низони ҳал қилишда суд томонидан махсус процессуал воситалар ва механизмлардан фойдаланилади. Ушбу белгиларга асосланиб, маъмурий даъво аризачи томонидан кўрсатилган мунозарали оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, манфаатдор шахснинг судга субъектив оммавий ҳуқуқларини ва қонунийликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвоси сифатида белгиланиши мумкин.

Маъмурий даъво предмети субъектив оммавий ҳуқуқ ёки қонуний манфаатни ноқонуний маъмурий қарорлар ва ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан) ҳимоя қилиш усулидир.

Маъмурий даъво икки элементдан иборат бўлади:

1. Даъво предмети;
2. Даъво асоси.

Даъво предмети даъвогарнинг талаби билан боғлиқдир. Масалан, қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳаракатни қонунга ҳилоф деб топиш тўғрисида.

Маъмурий даъвонинг асоси даъвогар бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъвосини асослайдиган ва бу даъво кичик қарадиган юридик фактлардир. Даъво аризасида маъмурий даъвогар ўз даъволарини асослайдиган асослар ва далиллар, шунингдек судга мурожаат қилган шахснинг қайси ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Маъмурий даъво “нима асосида?” деган саволга жавоб бериши лозим. Бунда даъвогар ўзи ёки бошқа шахснинг ҳуқуқини (манфаатини) ҳимоя қилиш тўғрисида даъво қилади. Маъмурий даъво фактик ва қонуний асосларни ўз ичига қамраб олади. Даъвонинг қонуний асосига бузилган (баҳсли) ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларнинг пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши шартларини, шунингдек уни ҳимоя қилиш усулларини назарда тутадиган моддий ҳуқуқ нормалари киради. Маъмурий органнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун даъво аризасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг қоидалари кўрсатилиши керак,

уларга мувофиқлиги учун ушбу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) текширилиши керак.

Маъмурий даъволар даъво предметига кўра қуйидагича тавсифланади:

- тан олиш учун маъмурий даъволар;
- мажбурият юклаш тўғрисидаги маъмурий даъволар;

Тан олиш тўғрисидаги маъмурий даъво – бу даъвогарнинг суд томонидан муайян оммавий ҳуқуқий муносабатларининг мавжудлиги ёки йўқлигини тасдиқлашга, баҳсли оммавий ҳуқуқни тан олишга, маъмурий қарорлар ёки ҳаракатларнинг қонунийлигини (ноқонунийлигини) билдиришга қаратилган даъвоси. Ушбу даъволар бўйича маъмурий ишлар бўйича суднинг асосий вазифаси баҳсли оммавий низонинг мавжудлигини ёки йўқлигини аниқлашдир. Бундай даъво аризасини беришда ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд томонидан у ёки бу мазмундаги баҳсли ҳуқуқий муносабатлар аслида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тан олиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мажбурият юклаш тўғрисида маъмурий даъволарда даъвогар ўзининг субъектив оммавий ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, нафақат ўзи учун баҳсли ҳуқуқни тан олишни, балки жавобгарни унинг фойдасига муайян қарорлар қабул қилишни ёки муайян ҳаракатлар қилишни ёки уларни содир этишдан тийилишни талаб қилади. Бундай даъволар ижро этувчи ҳаракатлар деб ҳам аталади, чунки уларнинг якуний мақсади жавобгарни ўз вазифаларини бажаришга ва бузилган оммавий ҳуқуқларини тиклашга мажбур қилишдир.

Хорижий мамлакатлар (Германия, Озарбайжон¹, Қозғистон²) тажрибасида маъмурий даъвонинг қуйидаги 4 та тури кўп кузатилади:

1. Низолашиш тўғрисидаги маъмурий даъво;
2. Мажбурият юклаш тўғрисидаги маъмурий даъво;
3. Ҳаракатларни содир этиш тўғрисидаги маъмурий даъво;
4. Тан олиш тўғрисидаги маъмурий даъво.

1. Низолашиш тўғрисидаги маъмурий даъво. Мазкур даъво орқали маъмурий орган томонидан даъвогар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган маъмурий акт қабул қилган бўлса, даъвогар уни тўлиқ ёки қисман бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Мазкур даъвонинг муҳим шарт амалдаги маъмурий актнинг мавжудлиги ва маъмурий акт билан даъвогар ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда ушбу даъво энг кенг тарқалган бўлиб, маъмурий суд томонидан ҳуқуқий вазиятни зудлик билан тиклашга қаратилган ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш бўйича процессуал жараёндир. Шу сабабли, даъво аризасини ижро этиш тўғрисида суд қарорини чиқариш шарт эмас.

Германияда ушбу даъволар ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш тўғрисидаги даъволар (Gestaltungsklagen) деб номланиб, ноқонуний маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар ва низолашиш тўғрисидаги даъволар деб ҳам аталади.

Мазкур даъво тури бўйича қуйидаги мисолни келтириб ўтиш мумкин. Солиқ органи тадбиркорга қўшимча солиқ солиш тўғрисида қарор қабул қилди. Тадбиркор мазкур қарорни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Агарда даъво қаноатлантирилган тақдирда, суд маъмурий актни бекор қилади ва шу билан даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклайди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилигида мазкур даъво билан боғлиқ талаб билан маъмурий судга шикоят қилиш назарда тутилмаган. Яъни, маъмурий судга маъмурий актни бекор қилиш талаби билан мурожаат қилиб бўлмайд.

2. Мажбурият юклаш тўғрисидаги маъмурий даъво. Мазкур даъвони кўзгатиш учун икки асос бўлиши керак: биринчидан, маъмурий орган маъмурий актни қабул қилишдан бош тортганда; иккинчидан, маъмурий орган ҳаракатсизлиги туфайли даъвогар учун қулай ҳаракат амалга оширилмаса.

Мажбурият юклаш тўғрисидаги даъвони қабул қилишнинг махсус шарт қулай маъмурий актни қабул қилишни рад этиш ёки маъмурий органнинг ҳаракатсизлиги орқали маъмурий актни қабул қилмаслик ва даъвогарнинг маъмурий актни қабул қилишни талаб қилиш ҳуқуқининг мавжудлигидир.

Германияда мазкур даъволар мажбуриятни юклаш тўғрисидаги даъволар (Leistungsklagen) деб номланиб, даъвогар манфаатдор бўлган ҳаракатни амалга ошириш талабини ўз ичига олади.

Мазкур даъво тури бўйича қуйидаги мисолни келтириб ўтиш мумкин. Шахс маъмурий органга қурилиш учун рухсат олиш мақсадида мурожаат қилди, аммо маъмурий орган бундан рад этди. Мазкур вазиятда шахс ушбу ҳаракат устидан судга ўзи учун қулай маъмурий акт қабул қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво аризаси билан шикоят қилиши мумкин. Агар даъво қаноатлантирилса, суд маъмурий органга ушбу рухсатномани бериш мажбуриятини юклайди.

3. Ҳаракатни содир этиш тўғрисидаги маъмурий даъво. Ушбу даъво билан даъвогар муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки маъмурий актни қабул қилишга қаратилган бундай ҳаракатлардан воз кечишни талаб қилиши мумкин.

Ҳаракатни содир этиш тўғрисидаги даъвони қабул қилишнинг махсус шарт даъвогарнинг ҳаракатни амалга ошириш ёки ҳаракат қилишдан бош тортиш (тийилиш) талаби ҳисобланади.

Мазкур даъво тури бўйича қуйидаги мисолни келтириб ўтиш мумкин. Тадбиркор давлат маъмурий бўлмаган ҳаракатни содир этишга мажбурлаш учун даъво аризаси билан мурожаат қилади. Масалан, унинг заводига йўл қуриш, агар даъво қондирилса, суд давлатни йўл қуришга мажбур қилади.

4. Тан олиш тўғрисидаги маъмурий даъво³. Мазкур даъво орқали даъвогар бирон-бир ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини тан олишни талаб қилиши мумкин.

Тан олиш тўғрисидаги даъвони қабул қилишнинг муҳим шарт даъво муайян, мунозарали ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга ёки ҳаракатнинг ҳақиқий эмаслигини тасдиқлашга қаратилиши ва бошқа маъмурий даъволарни кўзгатишнинг мумкин эмаслигидир.

Маъмурий суд томонидан қабул қилинадиган қарор юқоридаги даъво турларига боғлиқ. Суд томонидан даъвонинг қабул қилиниши ҳар доим аризагининг талабига алоқадор. Шунинг учун, биринчи навбатда, ариза берувчининг нимани хоҳлашини аниқлаш керак. Мисол учун, маълумот бериш ёки қурилиш учун рухсат олиш, савдо тақикини бекор қилиш ёки нормани қайта кўриб чиқиш кабилар.

Дилмурод АРТИКОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси,
ю.ф.ф.д.(PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Административно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30573000
2. Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан // https://adilet.zan.kz/rus/docs/k200000_0350
3. Изох. Германияда мазкур даъволар маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш тўғрисидаги даъволар (Feststellungsklagen) деб номланади.

“INTEGRATED CRIMINAL CASE FILING AND MANAGEMENT SYSTEM” (ICMS) ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақола Сингапурнинг “Integrated Criminal Case Filing and Management System” (ICMS) тизимининг судга қадар иш юритишдаги ўрни ва ишлаш механизмига бағишланган. Тизимнинг асосий компонентлари – ягона маълумотлар базаси, электрон ҳужжат айланиши, процессуал муддатларни назорат қилиш ва сунъий интеллект асосидаги таҳлил воситалари батафсил таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: судга қадар иш юритиш, ахборот технологиялари, ICMS тизими, ягона маълумотлар базаси, электрон ҳужжат айланиши, процессуал ҳатолар, маълумотлар хавфсизлиги, Сингапур тажрибаси, рақамли платформа, Жиноят-процессуал кодекси.

Сингапурда “Integrated Criminal Case Filing and Management System” (ICMS) тизими судга қадар иш юритиш жараёнида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотлар базаларини бирлаштириб, маълумот алмашинувини содда-лаштиради. Бу тизим маълумотлар такрорланишининг олдини олади ва процессуал ҳатоларни камайтиради. Сингапурда бу тизим 2019 йилда жорий этилгандан сўнг, судга қадар иш юритиш вақти 20% га қисқарган¹. Ушбу тизим судга қадар иш юритишнинг самарадорлигини оширишда муҳим инновация бўлиб, Ўзбекистонда техник инфратузилма муаммоларини ҳал қилишда муҳим намуна бўла олади.

ICMS тизими Сингапурнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари (полиция, прокуратура, судлар) ўртасида ягона рақамли платформа сифатида ишлайди. Ушбу тизим судга қадар иш юритиш жара-

ёнини автоматлаштириш, маълумот алмашинувини тезлаштириш ва процессуал ҳатоларни камайтириш учун ишлаб чиқилган. Тизимнинг асосий компонентлари ва ишлаш тартиби куйидагича:

1. Ягона маълумотлар базаси ва интеграция

ICMS тизими барча муҳим органларнинг маълумотлар базаларини бирлаштиради. Масалан:

- **Полиция:** Жиноят тўғрисидаги аризалар, далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари.
- **Прокуратура:** Айблов хулосалари ва тергов материаллари.
- **Судлар:** Иш бўйича қарорлар ва процессуал ҳужжатлар.

Тизим “Role-Based Access Control” принциплари асосида ишлайди, яъни ҳар бир фойдаланувчи (масалан, терговчи ёки прокурор) фақат ўзига тегишли маълумотларга кириш ҳуқуқига эга. Бу маълумотлар махфийлигини таъминлайди ва ноқонуний киришнинг олдини олади.

Мисол учун, агар полиция ходими жиноят тўғрисида ариза киритса, бу маълумот ICMS тизими орқали автомат равишда терговчига ва зарурат бўлса, прокуратурага узатилади. Бу такрорланувчи қоғозбозликни йўқ қилади ва маълумот алмашинувини тезлаштиради.

2. Электрон ҳужжат айланиши

ICMS тизими электрон ҳужжатларни бошқаришнинг тўлиқ автоматлаштирилган тизимини таъминлайди. Барча ҳужжатлар (аризалар, далиллар рўйхати, тергов хулосалари) рақамли форматда сақланади ва уларнинг ҳақиқийлиги рақамли имзолар орқали тасдиқланади. Бу қоғоз ҳужжатларга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва ҳатолар (масалан, ҳужжатларнинг йўқолиши ёки нотўғри тўлдирилиши) хавфини минималлаштиради.

Унга кўра терговчи ICMS тизимида далилларни юклайди ва улар автомат равишда судья ёки про-

*Аёлларнинг қу-
чига ишонмаган
кишининг онасиз
ўтадиган болалик-
ка қайтиб қоли-
шини жуда-жуда
хоҳлардим.*

**Нажиб
МАҲФУЗ**

курорга кўриш учун тақдим этилади. Бу жараён Сингапурда судга қадар иш юритиш вақтини 20% га қисқартиришга ёрдам берган².

3. Процессуал муддатларни назорат қилиш

ICMS тизими процессуал муддатларни автомат равишда кузатиб боради. Масалан, Жиноят-процессуал кодексида кўрсатилган муддатлар (тергов муддатлари, айблов хулосасини тақдим этиш вақти) тизим томонидан назорат қилинади. Агар муддат яқинлашса, тизим фойдаланувчиларга (терговчи ёки прокурор) огоҳлантириш юбориб, хатоларнинг олдини олади.

Агар терговчи 30 кун ичида айблов хулосасини тақдим этиши керак бўлса, ICMS тизими муддат яқинлашганда электрон хабарнома юбориб, жараён кечикишининг олдини олади.

4. Маълумотлар таҳлили ва башорат қилиш

ICMS тизими сунъий интеллект (AI) ва маълумотлар таҳлили воситаларидан фойдаланиб, тергов жараёнларини оптималлаштиради. Масалан, тизим жиноятларнинг эҳтимолий хусусиятларини таҳлил қилиш, далилларнинг мувофиқлигини текшириш ва терговчиларга қарор қабул қилишда ёрдам бериш имкониятларига эга.

Тизим далиллар рўйхатини таҳлил қилиб, уларнинг ЖПК талабларига мувофиқлигини текширади ва терговчига камчиликларни тузатиш бўйича тавсиялар беради. Бу процессуал хатоларни камайтиришга хизмат қилади.

5. Шаффофлик ва жамоатчилик ишончи

ICMS тизими шаффофликни таъминлаш мақсадида жамоатчилик учун очиқ статистик маълумотларни эълон қилиш имконини беради. Масалан, судга қадар иш юритиш бўйича умумий статистика (ишлар сони, муддатлар, хатолар) тизим орқали оммавий ахборот воситаларига тақдим этилади. Бу фуқароларнинг суд тизимига ишончини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда судга қадар иш юритишда техник инфратузилма муаммолари (замонавий компьютер тизимлари, юқори тезликдаги интернет ва хавфсиз серверларнинг етишмаслиги) мавжуд бўлиб, ICMS тизими ушбу муаммоларни ҳал қилишда муҳим намуна бўла олади. 2023 йилда Ўзбекистон Олий суди ҳисоботларига кўра, судга қадар йўл қўйилган процессуал хатолар сони (2,655 та хусусий ажрим) қисман техник инфратузилманинг етарли эмаслиги билан боғлиқ³. ICMS тизимининг Ўзбекистонда қўлланиши учун қуйидаги жиҳатлар муҳим:

1. Ягона рақамли платформа яратиш

Ўзбекистонда Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура ва суд органлари ўртасида маълумот алмашинуви соддалаштириш учун ICMS каби ягона платформа яратиш зарур. Бу платформа электрон

ҳужжат айланишини таъминлаб, қоғозбозликни йўқ қилади ва маълумотлар такрорланишининг олдини олади.

2. Хавфсизлик чораларини кучайтириш

ICMS тизимида қўлланиладиган шифрлаш ва ролларга асосланган кириш назорати Ўзбекистонда маълумотлар хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлади. Ҳозирги кунда вилоятлардаги тергов органларида маълумотлар локал компьютерларда сақланади, бу хавфсизлик хавфини оширади.

3. Кадрларни тайёрлаш

ICMS тизимидан самарали фойдаланиш учун терговчилар, суриштирувчилар ва прокурорларни махсус тренинглар орқали тайёрлаш зарур. Сингапурда тизим жорий этилгандан сўнг ходимлар учун онлайн ўқув курслари ташкил қилинган, бу тизимнинг тез қабул қилинишига ёрдам берган.

4. Қонуний асосларни такомиллаштириш

Ўзбекистонда Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) рақамли ҳужжатлар ва далилларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш бўйича етарли нормаларга эга эмас. ICMS тизимини жорий этиш учун электрон ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканлигини белгилаш зарур.

Сингапурнинг "Integrated Criminal Case Filing and Management System" (ICMS) тизими судга қадар иш юритишда маълумот алмашинувини соддалаштириш, процессуал хатоларни камайтириш ва жараён вақтини қисқартиришда муҳим инновациядир. Тизим ягона маълумотлар базаси, электрон ҳужжат айланиши, процессуал муддатларни назорат қилиш ва AI асосидаги таҳлил воситалари орқали самарадорликни оширади. Ўзбекистонда техник инфратузилма муаммолари (2023 йилда 2,655 та хусусий ажрим билан кўринган процессуал хатолар) мавжуд бўлиб, ICMS тизими ушбу муаммоларни ҳал қилишда муҳим намуна бўла олади. Ягона рақамли платформа яратиш, хавфсизлик чораларини кучайтириш, кадрларни тайёрлаш ва қонуний асосларни такомиллаштириш орқали Ўзбекистон судга қадар иш юритишнинг самарадорлигини ошириши мумкин. Сингапур тажрибаси Ўзбекистонда адолатли судлов тизимини мустаҳкамлаш учун муҳим йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади.

Даврон ТУРСУНОВ,

*Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар прокуратураси
прокурор ўринбосари.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сингапур ICMS тизими маълумотлари, 2019. // Сингапур Адлия вазирлиги, <https://www.judiciary.gov.sg>.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2023 йил статистика ҳисоботи. // Олий суд расмий сайти, <https://supcourt.uz>.

СУДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИЛИК: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” 20.10.2023 йилдаги 550-сон қарори¹ билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”га биноан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳудудий адлия органлари тизимига киради ва уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

ФХДЁ органларининг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишдир.

Мазкур тузилма ўзларига юклатилган вазифага мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг ҳисобини юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини ва қонунда белгиланган бошқа ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди;

фуқароларга (ўзларига нисбатан тузилган далолатнома ёзувлари бўйича) фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар ва маълумотномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, иш юритувида мавжуд бўлган ишлар муносабати билан нотариуслар, шунингдек, ФХДЁ органлари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги консуллик муассасаларининг ёзма сўровномаларига биноан далолатнома ёзувларидан нусхалар ёки улардан кўчирмалар ва маълумотномалар беради;

зарур ҳолларда мудофаа ишлари бўлимлари, соғлиқни сақлаш органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимлари ва бошқа ваколатли идораларнинг сўровларига асосан йиғиш, умумлаштириш ёки таққослаш мақсадларида далолатнома ёзувларидан алоҳида маълумотлар беради;

гербли гувоҳнома бланкаларини ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлашнинг ҳисобини юритади ва бу ҳақда белгиланган муддатларда ҳисоботлар топширади;

белгиланган шакллар бўйича статистик ҳисоботларни юритади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг электрон маълумотлар базасини юритади;

муружаатларни белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқади;

оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд қилиш масалалари юзасидан ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.

Юқоридагилардан ташқари, ФХДЁ органлари фуқаролик ҳолати далолатномалари (туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш ва ўлим) ни қайд этади, шунингдек оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳаракатларини амалга оширади;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклайди ва бекор қилади;

шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини раисларининг ўлимни қайд этишдаги ишларини мувофиқлаштиради ва уларга амалий ёрдам кўрсатади, гербли гувоҳномаларнинг талаб даражасида сақланиши ва сарфланишини назорат қилади;

никоҳни ва туғилганликни тантанали равишда қайд этади (фуқароларнинг хоҳишига кўра).

ФХДЁ органлари ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда амалга оширади.

Бошқа маъмурий органлар (маҳаллий давлат ҳокимияти, солиқ, божхона органлари)дан фарқли равишда, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи фуқаролик ҳолатларига оид фактларни ҳуқуқий асослар етарли бўлганда ва низо мавжуд бўлмаганда қайд этувчи орган ҳисобланади. Унда дискрецион ваколат йўқ.

Демак, ФХДЁ органи кадастр идораси сингари қонунда қайд этиш лозим бўлган конкрет ҳолатлар кўрсатилган бўлса, айнан уларни қайд этади, агар уларни қайд этишга асос етарли бўлмаса – рад этади. Шу иккита йўлдан бирини танлайди. Ундан ташқари (ўзи текширув ўтказиш, ҳолатни аниқлаш, мажлислар ўтказиш йўли билан; бошқа шахсларни чақириш, уларни сўроқ қилиш ва ҳ.к.) ваколатларга эга эмас. Шунинг учун ҳам у фақатгина техник характердаги ҳаракатларни амалга оширади ҳамда асослар етарли бўлмаган ва ваколати бўлмаган ҳолатда масалани суд тартибиде ҳал этиш лозимлигини тушунтиради.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа, ҳолат ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади.

ФХДЁ органлари томонидан рад этилган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), мансабдор шахснинг қарори устидан келиб чиқадиган низо-лар 2018 йил 1 апрелгача фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган. Бунинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг олдин амалда бўлган Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)²нинг 274, 275, 283 (6 ва 10-бандлари) моддаларида белгиланган.

2017 йил 1 июндан бошлаб маъмурий судлар ўз фаолиятини бошладилар. 2018 йил 1 апрелдан эътиборан эса Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси³ (ФПК) кучга кирди.

Бугунги кунда амалдаги ФПКда юридик аҳамиятга эга бўлган актларни аниқлашга оид нормалар сақланиб қолган (295 модда 6 пункти ва 2 қисми).

Унга кўра 28-боб юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш масаласига бағишланган бўлиб, 295-модда “Суд томонидан кўриб чиқиладиган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар”, деб номланиб унинг 6-банди шахснинг ҳуқуқини белгилловчи ҳужжатларда (бундан жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалар мустасно) кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми унинг паспортидаги ёки идентификацияловчи ID-картасидаги

ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёхуд тегишли эмаслиги масаласига бағишланган.

Ҳозирги даврда бу борадаги асосий муаммо янги ФПКга олдин амалда бўлган ФПКнинг 274 моддасида белгиланган “Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғриликлар устидан шикоят бериш” деган норманинг кирмаганлигидир.

Бу ҳолат маъмурий судлар ўз фаолиятларини бошлаганлиги билан боғланади.

Демак, қонуний асос янги ФПКга киритилмаган, натижада ушбу тоифадаги ишларни фуқаролик судлари қабул қилишни рад этган. Бундан ташқари бу борада низолар айнан қайси суд томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилмаганлиги турли хил суд амалиётини келтириб чиқарди ва фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигига олиб келди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 138-бандига кўра, вафот этган шахсларнинг туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш ва қўшимчалар суд қарорига асосан ФХДЁ органи томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13.11.1992 йилдаги қарори⁴ 1,8-бандлари мазмунига кўра – жиддий тафовутлар бўлган ҳолатларда далолатнома ёзувидаги хатоларни тузатиш ҳақидаги масала “фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатolikларни белгилаш тўғрисида”ги аризалар асосида фуқаролик иши сифатида алоҳида иш юритиш тартибиде, низо бўлганда эса даъво тартибиде кўрилиши белгиланган.

Шунингдек, ФХДЁ органлари ҳам ўз ваколатига кирмайдиган, фақатгина суд қарорига асосан амалга ошириладиган ҳаракатлар (вафот этган шахсларнинг туғилиш, никоҳ, ажралиш далолатнома ёзувларига тузатиш киритиш, жиддий тафовут бўлганда далолатнома ёзувини бекор қилиш, ота ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш) борасида фуқароларга айнан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирган.

Ушбу тоифадаги ишларни кўришда маъмурий судларда икки хил амалиёт шаклланган.

Биринчи амалиёт бўйича маъмурий судлар ФХДЁ бўлими марҳумнинг туғилиш, никоҳ, ажрашганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш киритиш ваколатига эга эмаслиги муносабати билан берган рад жавобини қонунга хилоф деб топган ҳолда ФХДЁ бўлимига мажбурият юклаб келинган.

Иккинчи амалиёт бўйича эса ФХДЁ бўлими марҳумнинг туғилиш, никоҳ, ажрашганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш киритиш ваколатига эга эмаслиги, тузатиш киритишни рад этишдан иборат ҳаракатлари қонунчиликка мувофиқлиги, қонуний ҳаракат қилган мансабдор шахснинг ҳаракатларини қонунга мувофиқ эмас деб топиш мумкин эмаслиги, маъмурий орган мансабдор шахси томонидан аризачи фуқаронинг субъектив ҳуқуқлари бузилмаганлиги ва тарафлар ўртасида маъмурий низо йўқлигидан келиб чиқиб ҳамда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13.11.1992 йилдаги 5-сонли қарорига асосланган ҳолда аризани қаноатлантиришни рад этган.

Бизнинг фикримизча, иккинчи амалиёт тўғри. Лекин, юқорида айтганимиздек, биринчи амалиёт ҳам кенг тарқалган. Буни сабаблари нимада?

Биринчи сабаб. Фуқаролик судлари ушбу тоифадаги ишларни рад этишган. Бунга ҳам формал асос бўлган - яъни бу борадаги ишларда маъмурий суд фаолиятини бошлаб юборганлиги ва янги ФПКда олдин амалда бўлган ФПКдаги 274-моддада бириктирилган “Фуқаролик

ҳолати актларини қайд этишдаги нотўғриликлар устидан шикоят бериш” нормаси акс этмаганлиги.

Иккинчи сабаб – шу вақтдан бери фуқаролик судлари ушбу тоифадаги ишларни рад этишни бошладиларми, маъмурий суд иш юритиш судьялари, фуқаролар сарсон бўлмасин деб, ишни кўриб чиқиб, юқорида таъкидланганидек, биринчи амалиётни қўллаганлар – мақсад олийжаноб бўлган, фуқаронинг иши ҳал бўлган. Лекин, ФХДЁ мудирини ёки ходими ҳам қонун меъёри асосида тўғри ҳаракатни амалга оширганку!

Аслида ушбу мажбуриятни юклашга маъмурий суднинг ваколати ҳам йўқ ва бу иш унинг функцияси доирасида ҳам эмас. Бундай ишлар характери бўйича айнан фуқаролик судига тааллуқли. Уни атрофлича ўрганиш керак эди, кейин эса у мажбуриятни юклаш эмас, балки уни қарори асосида ФХДЁ органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш керак эди. Бу қонунчиликда бириктирилган талаб эди.

Булар етмагандай, ФХДЁ мудирини, ходими (улар қонунга мувофиқ ҳаракатни амалга оширган бўлсалар ҳам) судда ноҳақ деб топилганлиги туфайли давлат божини тўлаш мажбурияти ҳам юкланиб келинган ва айрим ҳолатларда уларга нисбатан асоссиз равишда хусусий ажрим ҳам чиқарилган.

Маъмурий судлар республикада фаолиятини бошлаганлиги, албатта, ижобий ҳолат. Шу билан бирга, биз кўрсатган вазият уларнинг фаолияти бошланишида жуда ҳам салбий ҳолат деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда ушбу йўналишда ижобий амалиёт шаклланаёпти, яъни далолатнома ёзувларида жиддий тафовутлар бўлса, ФХДЁ органи далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимча киритиш, ёзувларни бекор қилиш ва тиклашни асосли равишда рад этган ҳолларда ариза фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ФПКнинг 295-моддаси талаби бўйича кўриб чиқилаёпти, яъни юқоридаги ҳолатларга оид юзага келган низолар фуқаролик судларида кўриляпти.

ФХДЁ органининг хатти-ҳаракатлари, мансабдор шахснинг рад этганликда ифодаланган қарори билан боғлиқ низолар эса маъмурий судларга тааллуқли ҳисобланаёпти.

Бу борадаги кейинги навбат - масалани тўлақонли ва охиргача ҳал этишдир. Бунинг учун биз қонуний асосни, яъни амалдаги ФПКга муҳим нормани қайтаришимиз лозим. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси киритилмокда, унда амалдаги ФПКга 28-1 боб “Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларининг нотўғрилигини аниқлаш бўйича иш юритиш” тақлифи ҳам киритилаёпти.

ФХДЁ билан боғлиқ масала бўйича биз мавжуд муаммоларни кўрсатдик. Шу билан бирга, “маъмурий судларда фуқаролик ишлари судларига нисбатан иш ҳажми камроқ – шунинг учун бу тоифадаги ишлар маъмурий судларда кўриб чиқилиши амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқроқдир”, деган фикрлар ҳам йўқ эмас.

Лекин, биз “маъмурий судлар уларга тааллуқли соф маъмурий ишларни кўришлари ва ҳал этишлари лозим” деган фикр тарафдоримиз.

Ботир САМАРХОДЖАЕВ,

Судьялар олий мактаби Маъмурий ҳуқуқ кафедраси мудирини, ю.ф.д., проф.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2023 й., 09/23/550/0793-сон; 05.03.2024 й.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1997 йил, 9-сонга илова.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 26 январь
4. <https://lex.uz>.

СУД ҲОКИМИЯТИГА НИСБАТАН ИШОНЧНИ ОШИРИШДА СУДЬЯЛАР МАЛАКА ҲАЙЪАТИНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикасида судьялар малака ҳайъатлари суд ҳокимияти тизимида муҳим ўрин тутadi. Судьялар малака ҳайъатлари судьялар ҳамжамиятининг органларидан бири ҳисобланиб, уларнинг асосий вазифаси судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этиш, судьянинг дахлсизлигини таъминлаш, судьяга малака даражаси бериш, уларнинг интизомий жавобгарлиги, халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ишларини ташкил қилиш, судьялик қасамёди ҳамда судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш масалаларини кўриб чиқишдан иборат. Бу, бир томондан, судьялар малака ҳайъатларининг суд ҳокимияти тизимидаги ўрнини белгиласа, бошқа томондан, бу органларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашда баъзи ноаниқликларга олиб келади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдики, судьялар малака ҳайъатларининг ҳуқуқий мақоми “Судлар тўғрисида”ги Қонунда ва “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомда маълум даражада мустаҳкамланган бўлса-да, бу органларнинг институционал мустақиллиги ва судьялар ҳамжамиятини ифодаловчи орган сифатидаги мақоми етарли даражада аниқ белгиланмаган. Айниқса, судьялар малака ҳайъатлари Судьялар олий кенгашининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришида унга кўмаклашиши ҳолатларининг аниқ механизмлари белгилаб берилмаган.

Шунингдек, Қонун ва Низомда судьялар малака ҳайъатлари фаолиятининг айрим жиҳатлари, масалан, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг юридик кучи ва судьялар малака ҳайъатларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлиги масалалари етарли даражада тартибга солинмаган. Бу эса, ўз навбатида, судьялар малака ҳайъатларининг суд ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ролини аниқ белгилашга тўсқинлик қилади.

Ўрганишларимизга биноан, Ўзбекистон судьялар малака ҳайъатларининг таркибий тузилишида сезиларли номуносивликлар ва ўзига хос йўналишлар кузатилмоқда. 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, қуйидаги муҳим тенденциялар аниқланди, хусусан:

гендер тенглик масаласи судьялар корпусининг энг кучли муаммоларидан бири эканлиги яққол кўринади. Мамлакат бўйлаб жами 138 нафар ҳайъат аъзоларидан атиги 10 нафари (7%) аёллардан иборат. Бу ҳолат гендер тенгсизлик суд тизимининг барча босқичларида тизимли муаммо эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, олтита вилоят (Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳар ва Ҳарбий судлар) судьялар малака ҳайъатларида аёллар умуман йўқ. Бошқа вилоятларда ҳам ушбу кўрсаткич жуда паст (11-22% ораллиқда);

аъзолар орасида вилоят даражасидаги судьялар (89 нафар, 69%) туман даражасидаги судьяларга (40 нафар, 31%) нисбатан икки баробар кўп. Бу ҳолат марказлашган қарор қабул қилиш амалиёти устунлигини кўрсатади. Хоразм вилоятида эса аксинча, туман даражасидаги судьялар (56%) устунлик қилади, бу ҳудудий ўзига хосликни намоён этиди;

ёшга оид таҳлил шуни кўрсатадики, ҳайъат аъзоларининг ўртача ёши 44 ёшни ташкил этади, бироқ Сурхондарё вилоятида 48 ёш билан энг юқори, Самарқанд вилоятида эса 41 ёш билан энг паст кўрсаткични кўрамыз;

тажриба нуқтаи назаридан, ҳайъат аъзолари етарли даражада тажрибага эга – ўртача 10 йиллик судьялик стаж ва 20 йиллик умумий иш стаж мавжуд. Бироқ, бу кўрсаткичлар ҳам сезиларли равишда фарқланади. Сирдарё вилоятида аъзоларнинг судьялик стаж ўртача 12 йилни ташкил этса, Тошкент шаҳар ва Тошкент ҳамда

Хоразм вилоятларида мазкур кўрсаткич 7-8 йилга тенг. Бу тажриба ва янги қарашлар ўртасидаги мувозанат масаласини кўтаради;

академик потенциал жиҳатидан судьялар малака ҳайъатлари сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга. Мамлакат бўйлаб жами 138 аъзодан фақат 3 нафари PhD (фан номзоди) даражасига эга, DSc (фан доктори) даражасига эга аъзо эса фақатгина биттани ташкил этади. Шунингдек, илмий унвонлар ҳам кам – фақат 1 нафар доцент. Бу ҳолат суд тизимида илмий-тадқиқот фаолияти ва амалиёт интеграцияси даражаси пастлигини кўрсатмоқда;

судьялик даврлари бўйича таҳлил низоҳатда қизиқарли натижаларни кўрсатади. Аъзолар орасида 5 нафар илк бор судьялик даврига тайинланган судьялар бўлса, 10 йиллик судьялик даврга тайинланган аъзолар сони 129 нафар ва муддатсиз даврга тайинланган судьялар сони 4 нафарни ташкил этади.

Умумий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистон судьялар малака ҳайъатлари асосан тажрибали, ўрта ёшдаги эркак судьялардан иборат бўлиб, илмий салоҳият даражаси паст, вилоят миқёсидаги судьялар устунлик қилади ва аксарият судьялар бир хил муддатга (10 йил) тайинланган. Бу эса суд тизимида ислохотларни давом эттириш, хусусан гендер тенглик, илмий салоҳиятни ошириш, ёшлар улушини кўпайтириш ва малака ҳайъатларида туман даражасидаги судьялар иштироки каби йўналишларда ишларни кучайтиришни талаб этади.

Ўзбекистонда судьялар малака ҳайъатлари фаолиятининг 2020-2024 йиллар давомидаги кўрсаткичлари чуқур таҳлил қилинганда, бир қатор муҳим тенденциялар ва ўзгаришлар аниқланди. Бу даврда кўриб чиқилган масалалар сони сезиларли даражада ошганини кузатиш мумкин. 2020 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда кўриб чиқилган масалалар сони барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Агар 2020 йилда малака ҳайъатлари атиги 943 та масалани кўриб чиққан бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 1 352 тага етган, яъни 43.4 фоизга ошган. Кейинги йилда, яъни 2022 йилда, масалалар сони яна 40.8 фоизга ошиб, 1 903 тани ташкил қилган. Ўсиш тенденцияси 2023 йилда ҳам давом этиб, кўриб чиқилган масалалар сони 2 338 тага етган, бу эса 2022 йилга нисбатан 22.9 фоизлик ўсишни англатади. Бироқ 2024 йилда биринчи марта пайсано қузилган ва кўриб чиқилган масалалар сони 2 112 тага тушган, яъни 2023 йилга нисбатан 9.7 фоизга камайган.

Умуман олганда, 2020-2024 йиллар давомида судьялар малака ҳайъатлари жами 8 648 та масалани кўриб чиққан. Уларда энг кўп улушни (39.6 фоиз) судьяларга малака даражалари беришга оид масалалар ташкил этган. Интизомий жавобгарликка оид масалалар эса 23.2 фоизни, янги ваколат муддатига кўрсатиш масалалари 22.8 фоизни ва бошқа масалалар 11.1 фоизни ташкил этган. Қолган барча категориялар эса атиги 3.3 фоизни ташкил этган.

Бу статистик маълумотлар суд тизимида фаол ислохотлар олиб борилаётганини, судьяларнинг малакаси ва интизомига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Айниқса, интизомий жавобгарликка тортиш ҳолатларининг сезиларли даражада ошгани суд тизимидаги назоратнинг кучайганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, 2024 йилда кўриб чиқилган масалалар сонининг пасайиши ва интизомий жавобгарликка оид масалалар сонининг камайиши тизимда маълум барқарорлик юзага келаётганидан далолат бериши мумкин.

Қиёсий таҳлилларга кўра, Россия, Франция, Италия, Қозғистон ва бошқа ривожланган давлатларда судьялар малака ҳайъатлари ёки уларга ўхшаш органлар таркибига нафақат судьялар, балки парламент вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, хорижий экспертлар ва фуқаролик жамияти вакиллари ҳам киритилган. Бу эса, бир томондан, бундай органлар фаолиятининг шаффофлигини таъминласа, бошқа томондан, суд ҳокимиятининг мустақиллигига хавф туғдириши мумкин.

Малака ҳайъатлари ишида жамоатчилик вакиллариининг иштироки катта аҳамиятга эга, улар "ҳалқ овози" бўлиб, ўз фикр ва баҳоларини эркин билдиради. Жамоатчилик вакилларига қонун махсус талаблар қўяди: улар бошқа фуқаролиги ёки бошқа давлатда яшаш учун рухсатномаси бўлмаган Россия Федерацияси фуқаролари бўлиши, 35 ёшга тўлган, юридик маълумотга ва беназир обрўга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, қонун касбий мақом билан боғлиқ чекловлар рўйхатини ўз ичига олади. Давлат ёки муниципал хизматчилар, юридик шахслар раҳбарлари (ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар), шунингдек адвокатлар ва нотариуслар жамоатчилик вакиллари бўла олмайдилар¹.

Судьялар малака ҳайъатларининг мустақиллиги масаласи ҳам муҳокама талаб қиладиган масалалардан бири ҳисобланади. Ўрганишларимиз давомида аниқланган айрим фактлар, масалан, судьялар малака ҳайъатларининг молиявий таъминоти масаласи бу органларнинг мустақиллигига таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади.

Амалдаги Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга кўра, судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, шунингдек ҳарбий судларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бироқ, Д.Ариповнинг фикрича, суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасини батамом тугатиш, судлар ва судьялар фаолиятини молиялаштиришни тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш тартибини жорий қилиш ҳамда судьялар малака ҳайъатлари фаолиятини бевосита давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ².

Муаллифнинг фикрича, судьялар малака ҳайъатларини молиялаштириш масаласида Д.Ариповнинг давлат бюджети ҳисобидан бевосита молиялаштириш тартибини жорий этиш таклифи судлар мустақиллигини таъминлаш, малака ҳайъатлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларнинг ҳолислигини таъминлаш нуктаи назаридан мақсадга мувофиқдир. Бу суд тизими ислохотларининг замонавий талабларига ҳам тўла мос келади. Бундай ёндашув халқаро стандартларга мувофиқ бўлиб, БМТ, Венеция комиссияси ва Европа Кенгашининг тавсияларида ҳам суд тизимининг молиявий мустақиллигини таъминлаш учун давлат бюджети орқали молиялаштириш энг мақбул механизм сифатида қайд этилган.

Таҳлилларимиз натижаларига кўра, судьялар малака ҳайъатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бироқ, ўрганишларимиз давомида аниқланган фактлар шуни кўрсатадики, амалиётда судьялар малака ҳайъатларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги роли баъзан чекланади. Масалан, судьялик лавозимларига номзодларни саралаб олишда малака ҳайъатлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар тавсиявий характерга эга. Якуний қарор бошқа органлар (Судьялар олий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сенати) томонидан қабул қилинади. Бу эса суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Малака ҳайъатларининг суд ҳокимияти обрўсини таъминлашдаги роли ҳақидаги масалани яқунлар эканмиз, ҳайъатларнинг ўз фаолиятига яна бир бор эътибор қаратиш лозим. Бу коллегиял орган бўлиб, унда масалалар кўпчилик овоз билан ҳал қилинади ва ҳайъатнинг ҳар бир аъзоси, худди судда ишларни коллегиял кўриб чиқишдаги каби, қабул қилинган қарорни тан олиши керак. Ҳамма вақт ҳам етарлича асосланган қарорлар қабул қилинмайди, шубҳа туғдирадиган фактлар бўйича қўшимча текширувлар ўтказилмайди, бу эса, табиийки, суд ҳокимияти обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди³.

Хулоса ўрнида, судьялар малака ҳайъатларининг ҳуқуқий мақоми, суд ҳокимияти тизимидаги ўрни ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ўрганишга қаратилган қўйидаги хулосаларни келтириб ўтаемиз:

Ўзбекистон Республикасида судьялар малака ҳайъатлари суд ҳокимияти тизимида муҳим ўрин тутди ва судьялар ҳамжамиятининг ўзини-ўзи бошқариш органлари сифатида фаолият юритади;

судьялар малака ҳайъатларининг ҳуқуқий мақоми "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомда мустаҳкамланган бўлса-да, бу органларнинг институционал мустақиллиги, бошқа суд органлари билан муносабатлари ва қарорларининг юридик кучи масалалари етарли даражада аниқ белгиланмаган;

судьялар малака ҳайъатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бироқ, уларнинг ваколатлари баъзан чекланган, масалан, судьялик лавозимларига номзодларни танлашда якуний қарор бошқа органлар томонидан қабул қилинади;

судьялар малака ҳайъатлари фаолиятининг шаффофлиги ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг асослан-тирилганлиги фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бу масалада ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Азизжон ЖАМОЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошлиғи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туманова Л.В. Роль квалификационных коллегий судей в обеспечении авторитета судебной власти // Вестник ТвГУ. Серия: Право. 2020. № 4 (64). С. 84–92;
2. Aripov D. Sud hokimiyati mustaqilligini tashkiliy-huquqiy takomillashtirishning zamonaviy tendensiyalari: yuridik fanlar doktori (DSc) dissertatsiyasi. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi akademiyasi, 2022. – 255-bet;
3. Туманова Л.В. Роль квалификационных коллегий судей в обеспечении авторитета судебной власти // Вестник ТвГУ. Серия: Право. 2020. № 4 (64). С. 84–92.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЁРДАМИДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада киберкоррупция, божхонада унга қарши курашишнинг бугунги ҳолати ва ушбу вазифани амалга оширишда сунъий интеллектни қўллашнинг долзарблиги хорижий тажриба ва миллий қонунчилик таҳлили орқали ўрганилган. Шунингдек, божхона органларининг кадрлар таъминоти вазифасини бажарувчи Божхона институтида айнан рақамли маълумотлар таҳлилини ўргатувчи ўқув йўналишларининг мавжуд эмаслиги келгусида тизимда рақамли коррупция ёки киберкоррупциянинг авж олишига имкон яратиши борасида мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: киберкоррупция, киберхавфсизлик, божхона, сунъий интеллект, таҳлил, коррупциявий омил, коррупциявий хавф-хатар, ҳалоллик вакцинаси, е-транзит.

Коррупцияга қарши дунё давлатларида ўтказилаётган тадқиқотлар ва ўрганишлар унинг кўлами жаҳон ЯИМининг 5% ни ташкил этиб, 2,6 трлн. АҚШ доллариға тенг эканлиги бўйича хулоса берган. Бу олинган пораларинг ҳажми 1 трлн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, ривожланаётган давлатларнинг 37,6% қисмида ушбу ҳолат доимий жараён ҳисобланади. Шунингдек, дунё аҳолисининг энг камида 20% қисми умрида ҳеч бўлмаса бир маротаба бўлса ҳам пора берган ёки олган.

Ҳозирда киберкоррупция тушунчаси илмий давралар учун янгилик эмас. Ушбу тушунчага анъанавий коррупция ва рақамли технологиялар кесишмасида пайдо бўлган нисбатан янги ҳодиса сифатида таъриф ҳам ишлаб чиқилган. Киберкоррупция асосан электрон тўловлар, онлайн тендерлардаги фирибгарликлар, компьютер тармоқларидан фойдаланилган ҳолда содир этилади. Анъанавий коррупцияга боғлиқлик жиҳати шундаки, коррупциявий жараён кибер оламда содир этилгани билан манфаатдорлик моддиятга бориб тақалади.

Коррупцияга қарши курашиш миллий тизимининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор, фармонлари, ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунчилик асосида яратилган. Ушбу ҳужжатлар 2017 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, доимий равишда такомиллаштирилиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда. Лекин, қабул қилинганига кўп бўлмаган Қонун ҳам ҳозирда янгиланишга муҳтож.

Жумладан, ушбу қонун ҳужжатларининг аксариятида рақамли маконда коррупцияга қарши курашиш, сунъий интеллект ва ундан коррупцияга қарши курашиш бўйича қонуний асослар назарда тутилмаган.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган анъанавий усуллар киберкоррупцияга қарши курашишда етарлича самара бермаётгани ҳам сир эмас. Аслида умумбашарий миқёсда коррупцияга қарши курашиш янги методологияга муҳтож эмас, балки қабул қилинган қонунчиликка риоя қилиш етарли ҳолос. Лекин, киберкоррупцияга қарши курашиш учун восита айнан кибермаконда ҳаракатланадиган, уни кузата оладиган бўлиши керак. Айнан ушбу вазифани сунъий интеллект бажара олади.

Сунъий интеллект улкан ҳажмдаги маълумотларни сониялар ичида қайта ишлаш ва таҳлил қила олиш имкониятига эга. Шунингдек, у белгиланган тартиб қоидалар асосида ҳеч ким билан тил бириктирмаган ҳолда ишлайди. Айнан, кибермаконда

содир этилаётган коррупциявий жиноятларга оид бўлган миллионлаб транзакциялар, ҳужжатлар, шартномаларни таҳлил қилиб, инсон пайқамаслиги мумкин бўлган ғайриоддий ҳолатларни сунъий интеллект сониялар ичида таҳлил қилиб бериш имконига эга.

Сунъий интеллект маълумотлари бевосита давлат даражасида тан олинган ҳолда фойдаланиладиган мамлакатлар саноклигина бўлиб, уларни “рақамли давлатлар” ҳам деб аташ мумкин. Чунки, ушбу давлатларда барча маълумотлар ва жараёнлар бевосита кибермаконда амалга оширилади. Қуйида номлари зикр этилган давлатлар энг рақамлаштирилган ва сунъий интеллектдан коррупцияга қарши курашишда унумли фойдаланаётган мамлакатлардир.

Эстонияда хусусий сектор ва давлат идоралари ўртасида маълумот алмашиш тизими X-Road платформаси асосида жорий этилган. Ушбу тизимдан дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида 542 млн. аҳоли фойдаланмоқда. Мазкур тизимда давлат харидлари ва солиқ текширувларида шубҳали фаолиятни аниқлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланилиш жорий этилган.

Бразилияда эса Alice ва Rosie номли сунъий интеллект базали мониторинг тизимлари жорий этилган. Давлат органлари ва мулозимларининг харажатлари, тендерлар ва молиявий фаолиятларини таҳлил қилиш, номуносиб харажатлар ва фаолиятларни олдиндан аниқлаш имконияти яратилган.

Бу каби тажрибани Ҳиндистонда ҳам учратиш мумкин. Ушбу давлатда фуқароларнинг 12 рақамли шахсий идентификация рақамларини жамловчи Aadhaar тизими ва AI-Powered Analytics сунъий интеллект тизими бирлаштирилган бўлиб, унинг ёрдамида моддий ёрдам ва субсидияларни тақсимлашда автоматик текширув ва аудиторлик фаолияти юритилади.

Дунёнинг энг кўп аҳолисига эга бўлган ушбу давлатда моддий ёрдам ва субсидияларнинг суиистеъмол қилиниши ҳолатлари кўп учрагани сабабли, мазкур тизим ёрдамида “Қоғоздаги одамлар” (ghost beneficiaries) камайиши, маблағлар тўғри инсонларга етказилишига эришилган.

Коррупцияга қарши курашишда халқаро майдонда Сингапур тажрибаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу давлатда Corrupt Practices Investigation Bureau (CPIB) барча маълумотларни сунъий интеллект асосида таҳлил қилиш орқали коррупция фактларини аниқлайди. Хусусан, Бюро томонидан давлат хизматчиларининг молиявий фаолиятини кузатиш, ҳужжатлардаги нозозликларни аниқлаш каби текширувлар амалга оширилади.

Энди ҳар бир мамлакатнинг бош дарвозаси бўлган божхона органларида киберкоррупцияга қарши кураш ва унда сунъий

интеллектадан фойдаланиш ҳолатига назар соладиган бўл-сак, мамлакатимиз божхона органларида барча тартиботлар, божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш, товарлар ҳаракатини кузатиш, тадбиркорлар фаолиятини на-зорат қилиш, аудит ва текширувларнинг ўтказилиши, фуқаро-ларга оид маълумотларнинг барчаси рақамлаштирилган бўлиб, тизимда 60 дан ортиқ дастурларни бирлаштирган Ягона авто-матлаштирилган ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилган. Аҳо-лига хизмат кўрсатиш тартиби ҳам рақамлаштирилиб, 30 дан ортиқ интерактив хизматлар жорий этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2022 йилдаги "Божхона маъмуриятчилигини янада та-комиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"- ги ПФ-122-сон фармони билан коррупцияга қарши курашиш мақсадида 2022 йил 1 июнга қадар кадрларни очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида танлаш ҳамда танлов жа-раёнларининг натижалари Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида эълон қилиб борилишини таъминлаш, 2022 йил 1 июлдан бир божхона постида уч йилдан ортиқ хизмат ўтаган ходимларни ротация қилиш тартибини жорий этиш каби қатор тартиблар жорий қилинди ва шунингдек, божхона органларини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш дастури ҳамда божхо-на органлари ходимларини коррупцияга қарши курашиш, ман-фаатлар тўқнашувининг олдини олиш, одоб-ахлоқ қоидалари ва IT-технологиялар, телекоммуникациялар бўйича ўқув курс-ларда ўқитиш режа-жадвали тасдиқланган.

Мавжуд тизим таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, божхона ор-ганларида худди Сингапур ва Жанубий Корея тажрибаларида бўлганидек коррупцион хавфларни бошқариш автоматлашти-рилган тизими жорий қилинган. Мазкур тизим конфеденциал тартибга эга бўлиб, божхона ходимларига оид барча шахсий маълумотлар ҳамда хизмат фаолияти натижаларининг таҳлили асосида коррупция ҳолатларини аниқлайди.

Ушбу фармонда ҳам божхона органларини рақамлашти-риш орқали коррупцияга қарши курашиш мақсад қилинган бўлсада, унда сунъий интеллектдан фойдаланиш назарда ту-тилмаган. Тизимда барча жараёнларни онлайн форматда назо-рат қилиш имкони яратилиб, рақамлаштирилишига эришилган бўлсада коррупциявий ҳолатларга қарши курашда кўзланган натижага эришилмади. Шу боис ушбу тизимни ислоҳ қилиш зарурати юзага келганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.03.2025 йилдаги "Давлат божхона хизма-ти органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъ-муриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чо-ра-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-122-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан божхона органлари ходимларининг вазифаларига қаторига коррупцияга қарши курашиш ва бошқа мансабдорлик жиноятлари содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириши киритилди.

Қарорнинг асосий мақсадларидан бири соҳага сунъий ин-теллект технологияларини жорий этиб, рақамли технология-лардан кенг фойдаланилишига эришиш ҳисобланади.

Божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш, расмий-лаштирув ва назорат олиб бориш вазифаларини шаффоф-лаштиришдан кўзланган асосий мақсад коррупцияга қарши курашиш ҳисоблансада, юқорида тадқиқотлар кўрсатганидек анъанавий усуллар орқали ушбу иллатни жамиятдан қуритиш имконсиз ҳисобланади. Коррупциянинг ўзгарувчан табиати

келгусида уни рақамли маълумотлар ортига яширинишига им-кон яратиб беради.

Масалан, ҳозирда мавжуд божхона тартиб-тао-милларига кўра чегара божхона пости орқали кириб келаётган товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар олдиндан электрон тарзда тадбиркорлик субъектлари томонидан "Е-транзит" дастури орқали маълум қилинади ҳамда ушбу маълумотлар асосида токи эркин муомалага чиқарилгунга қадар уларнинг ҳар бир ҳаракатини онлайн назорат қилиниши имкони мавжуд. Тизимда коррупцион ҳолатларга барҳам бе-риш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- божхона органларидаги коррупцияга қарши курашиш жараёнларида сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳамда унинг таҳлилларини тан олиш бўйича ички бўйруқ ёки ҳу-кумат қарори лойиҳасини тайёрлаш ҳамда қабул қилиш;

- рақамли маълумотларни таҳлил қилиш билан боғ-лиқ дастурий таъминотларни замонавий стандартлар асосида доимий такомиллаштириб бориш;

- Божхона қўмитасининг Таҳлил департаментини тузиш орқали божхонага оид маълумотларни сунъий интеллект асосида қайта ишлаш ва коррупциявий омил-ларни бартараф этиш имконини берувчи тизим яратиш.

Мақсуд ЮЛДАШЕВ,

Божхона қўмитаси Шахсий хавфсизлик бошқармаси ходими, мустақил тадқиқотчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – 13-б.
2. Абдурашулова Қ.Р. Коррупцияга қарши кураш // Ҳаёт ва қонун. – 2003. – №3. – 17-б.
3. Ўлмасов А. Коррупция: кўриниши, шакллари ва турлари // Постад. – 2016.
4. Қобилов Ш.Р. Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши кура-шишнинг жаҳон тажрибаси // Илмий-оммабоп нашр. – Т., 2011. – 64-б.
5. Мамадалиев Ш.О. Коррупцияга қарши курашишнинг назарий масалала-ри // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – Махсус сон. – 65-б.
6. Алимбаев С.А. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар айирбошланишнинг ташкилий ҳуқуқий муаммолари: ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.:2003. –Б.181.
7. Арипов С. Ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солишни такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.:2009. –Б.24.
8. Боймуратов Ш.Н. Божхона соҳасида давлат бошқарувиининг ташкилий ҳуқуқий шакллари: ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.:2006. –Б.161.
9. Турапов Р.А. Ўзбекистон Республикаси божхона фаолияти самарадорли-гини оширишнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2006. –Б.283.
10. Carl J. Friedrich. constitutional government and democracy. Ginn and Company, Boston. 1950. Pp. xvi, 688.
11. Susan Rose-Akerman, Bonnie J.Palifka. Corruption: causes, consequences and reform. Second edition. New York. Cambridge University Press. 2016. 617 pp.
12. Немирова Г. И, Виниченко А.А. Механизм повышения качества государ-ственных услуг в области таможенного дела в условиях цифровой трансфор-мации // –М.: РИО РТА, 2017. – С. 130.
13. Афонин П.Н., Гамидуллаев С.Н., Краснова А.И. Таможенные услуги цен-тра электронного декларирования: проблема подготовки кадров // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской та-моженной академии. 2018. № 2 (66). –С. 20–23.
14. Борисова Е.М., Мазун З.В. К вопросу совершенствования информацион-ного обеспечения электронного декларирования таможенной службы Россий-ской Федерации // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. 2018. № 4 (68). –С. 32–36.

БЛОГЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУРАТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда сўз эркинлиги барқарорлашуви, ОАВга берилган имконият ва шароитлар ҳосиласи сабаб, ушбу соҳада маълум масалалар муҳокама марказига тушиб қолди. Жумладан, сўнгги кунларда ахборот ҳақида гап кетганда, журналистлар қатори блогерлар ҳам тез-тез тилга олинadиган бўлди. Расмий ва норасмий тадбирларга оммавий ахборот воситалари ходимлари қатори блогерлар ҳам таклиф этилмоқда.

Шу ўринда статистик маълумотларга юзланadиган бўлсак, *gazeta.uz* нинг маълумотларига кўра 2016-2024- йиллар оралиғида ОАВлар сони 1 514 тадан 2 349 тага, шундан журналлар 309 тадан 866 тага, телеканаллар 65 тадан 89 тага, интернет нашрлари 395 тадан 738 тага кўпайди. Энг қизиғи ушбу статистикани таҳлил қилишганда газеталар 691 тадан 600 тага, радиолар 35 тадан 29 тага камайган бўлиб, блогерлар сони 50 тадан 1 200 нафардан ошган. Албатта, бу очик жамиятда сўз эркинлиги барқарорлашадигани, чинакам демократик принципларнинг амал қилаётганидан далolat беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай имкониятларнинг кенгайиши ахборот бериш ва қабул қилишда шаффофлик, холислик, ҳаққонийлик, очиклик ва дахлсизлик устуворлигини таъминлаш масалаларида айрим ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши эҳтимолини кўпайтиради. Тўғри, ҳар ким ахборот бериш ё тарқатиш каби конституциявий ҳуқуққа эга. Лекин бу ушбу ҳуқуқни чексиз тарзда амалга оширишни аниқлатмайди. Зеро, барча шахслар жамиятда ахборот тарқатувчи шахс ё уюшма сифатида иштирок этганда ахборот бераётган маълумотларнинг ҳар қандай таъйик, манфаат, субъектив фикрлар ё маълум бир гуруҳларнинг манфаатларидан холи равишда ҳаққоний, холис, ишончли эканлигини аниқлаш ва маълумотларни тарқатиш меъёрларига қатъий амал қилиш масъулиятини юклайди.

Ушбу қоидалар журналистлар қатори блогерларнинг жамиятда фаоллашуви билан янада муҳимроқ бўлиб қолди. Сўнгги вақтларда блогерлар ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш борасида ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2003 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига 2014 йилда “блогер” тушунчаси киритилди, яъни ушбу қонунга кўра блогер — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс. Ушбу таърифнинг келтирилиши жамиятда шаклланган блогерларни журналистларга тенглаштиришдек нотўғри ёндашувдан чекинишга хизмат қилди. Чунки, шахс журналист бўлиши учун “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан, улар оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишда меҳнатта оид ёки бошқа шартномавий муносабат асос бўлиши керак. Аниқроқ қилиб айтadиган бўлсак, журналист профессионал фаолият бўлиб, ҳар ким ушбу фаолият билан шуғуллана олмайди, аксинча блогерлик билан барча, ҳаттоки вояга етмаган шахслар ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин ва бунинг учун интернет жаҳон тармоғидан фойдаланиш учун керак бўладиган қурилмадан бошқа ҳеч нарса талаб этилмайди.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, блогерликнинг асосий манбаси бўлган блоглар оммавий ахборот воситалари эмас. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунига асосан, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфир-

га берилadиган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Блог очиш учун эса оммавий ахборот воситалари сингари маълум бир шаклга эга бўлиш ёки рўйхатдан ўтиш талаби йўқ. Блогларни ҳар ким эркин тарзда юритиши мумкин.

Блогерлик фаолияти соҳасини тартибга солиш давом этиб, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунига блогерлар қандай маълумотлар жойлаши мумкинлиги, қайсиларини эса тарқатиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди. Хусусан, қонуннинг 121-моддасига асосан, блогерлар ўз веб-сайтидан ёки веб-сайт саҳифасидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш; оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказилadиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш; жамоат тартибига ёки ҳавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш; уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм гояларини тарғиб қилиш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқлanaдиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашушга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш; жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш; гийҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш; порнографияни, зўравонлиқни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш; ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш; фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи гайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш; қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш каби мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас. Агар ушбу тақиқланган маълумотлар ва бошқа нотўғри маълумотлар аниқлангудек бўлса, контентдан бундай маълумотларни дарҳол ўчириш чораларини кўриши зарур.

Бироқ, юқоридаги келтирилган қонун нормаларида блогерлар ва уларнинг фаолиятига келтирилган таъриф ҳам таҳрирталаб бўлиб, унда интернет журналистикасида фаолият олиб бораётган журналистлар кўпроқ назарда тутилгандек. Ваҳоланки юқорида айтганимиздек ахборот тарқатувчи ҳар қандай жисмоний шахс блогер ҳисобланади.

Шунингдек, блогерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ойдинлаштирилмаган. Тўғри, ушбу ҳолат блогерларнинг ҳам жамиянинг бошқа барча қатламлари амал қилиши керак бўлган умумий қоидаларга риоя қилиши кераклигини аниқлаштириши мумкин. Бироқ, уларнинг аудиторияси ва бунинг натижаси ўлароқ жамиятга таъсир этиш кучи бошқа ОАВ ва журналистлар

каби кенглиги иноватга олиниб алоҳида нормалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, "Қўшни маҳалла" телеграм канали 2019 йилда Ўзбекистонда энг кўп ўқилган блогерлар рейтингини тузиб, унда ўша даврда 169 мингдан ортиқ фойдаланувчиси бўлган ҳуқуқшунос блогер "Хушнудбек" биринчи ўринни, 51 минг фойдаланувчи билан "Тролл.уз" иккинчи ва 48 минг обуначига эга бўлган "Раис бува" учинчи ўринни эгаллашган.

Шу билан бир қаторда, ушбу масаланинг тартибга солинмаслиги блогерлар фаолиятига нотўғри амалиётни қўлланилишига олиб келади. 2024 йил 1 декабрда Нукусда россиялик блогер ва собиқ журналист Алексей Пивоваровнинг суръатта олиш гуруҳи қўлга олиниши яққол мисол бўла олади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бунга ушбу гуруҳнинг аккредитациядан ўтмагани ва бунга асос сифатида 2006 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирларининг касб фаолиятини тартибга солиш асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 33-сонли қарорни келтиришган. Лекин, ушбу норматив ҳужжатни таҳлил қиладиган бўлсак, унинг амал қилиш доираси хорижий давлатлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари (журналистлари)нинг фаолиятини Ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитация қилиш соҳасига татбиқ этилишининг гувоҳи бўламиз, яъни ушбу ҳужжатда блогерлар фаолияти ҳақида ҳеч қандай қоида йўқ.

Бундан ташқари, блогерлик учун аниқ мезон ва талаб керак. Жамоатчилик назорати остида бўлса ҳам, блогерлик фаолияти таҳлил этилиши, баҳо берилиши лозим. Сабаби айрим блогерлар ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, айтиш мумкин, маълум бир давлат органи мансабдор шахси фаолиятининг қонун талабларига мос ёки мос эмаслиги бўйича фуқароларнинг фикрини ўрганиш мақсадида ўз веб-сайти ёки веб-саҳифасига жойлаштирган ахборотида ("пости"да) фикр қолдириш ("комментария" ёки "comments")га руҳсат беришади. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунга қўра, блогерлар фуқаро сифатида жамоатчилик назорати субъекти ҳисобланади. Жамоатчилик назорати мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ 8 хил шаклда амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар жумласига жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам киритилган. Бироқ, ушбу қонунда бугунги блогерлар кўп фойдаланаётган жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик фикрини ўрганишда субъект бўла олмаслиги ҳақида шундай қоида бор:

"Жамоатчилик муҳокамаси ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш бўлиб, бу нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари томонидан ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонунчилик талабларига риоя этилишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш бўлиб, бу фаолият ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади".

Демак, фуқаролар, жумладан, блогерлар жамоатчилик фикрини ўрганиш ва жамоатчилик муҳокамасини ўтказиши "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ бўлмайди. Ушбу тартибни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган, бироқ муаммо шундаки, айнан қандай жавобгарликни олиб келиши келтирилмаган. Бошқа қонунларда, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексида келтирилмаган.

Сўз юритилаётган фаолият солиқ соҳасида ҳам тартибга солинишини талаб этади. Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ, мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижаси ёки қиймати, миқдорий ва физик хусусиятга эга бўлган бошқа

ҳолатлар солиқ солиш объекти сифатида келтирилган. Шунингдек, кодексда Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олинган барча даромадлар жами даромад эканлиги ва бу ҳам солиқ солиш объекти эканлиги келтирилган.

Маълумки, кўплаб блогерлар ўзининг блогерлик фаолияти доирасида маълум миқдордаги даромадга эга бўлишмоқда. Масалан, "Сирожиддин Медиа" канали муаллифи 2021 йилда "YouTube" дан 9 минг доллар атрофида даромад олган. 2020 йилда 468 минг обуначига эга бўлган актриса Азиза Якубова ўз Инстаграм саҳифасидаги реклама орқали ойига 2 000 долларгача даромад олишини эълон қилган. Бу даромадлар солиқ солиш объекти бўлиши мумкинлиги эса аниқлаштирилмаган. Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган "Электрон тижоратни амалга ошириш" қарори билан онлайн савдо билан шуғулланувчи блогерлар (масалан, онлайн кийим-кечак ва бошқа товарлар савдоси билан шуғулланувчилар) ушбу фаолиятни амалга ошириш орқали даромад олаётган бўлса белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3724-сонли қарорига асосан, миллий реестрга киритилади ва топган даромадидан 2 фоиз ставка бўйича айланмадан олинadиган солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Бунда блогер яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Агар фуқаронинг блогерлик фаолияти ПР-менеджер, интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (СММ), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, маркетолог, линк-менежер, таргетолог, контекст-реклама бўйича мутахассис, директолог, медиа режалаштирувчи, СМО мутахассиси, кадрлар танлаш соҳасидаги фаолият (интернет-лойиҳалар билан ишловчи менежер, фрилансерлар гуруҳи раҳбари, ХР-менежер, рекрутер, шахсий ассистент), онлайн консалтация бериш (онлайн-консультант, онлайн-тренер, молиявий маслаҳатчи, вебинар олиб борувчи) билан боғлиқ бўлса бундай шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4742-сонли қарорига асосан ўзини-ўзи банд қилган аҳоли сифатида рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Бундай ҳолатда уларга нисбатан ушбу меҳнат фаолият натижасида топган маблағлари солиқ солишга қаратилган жами даромадлар таркибига киритилмайди, фақат унда уларнинг йиллик даромади юз миллион сўмдан ошганда Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Бундан ташқари, юқоридаги фаолият турлари билан шуғулланмайдиган, бироқ улар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида ҳисобга олинган бўлса, уларнинг ушбу фаолиятдан топган даромадлари солиққа тортилмайди.

Ушбу қоидаларда блогерлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши натижасида солиқ ҳуқуқий муносабати субъекти бўлиши келтирилган. Мазкур ҳолатда улар рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиш ва унинг натижасида даромад олиши ҳолати қандай оқибатларга олиб келиши аниқ тартиботи мавжуд эмас.

Юқоридаги таҳлилларимиздан шу нарса маълум бўладики, бугунги кунда блогерлар фаолиятининг жадаллашуви, уларнинг оммага таъсири кучини ҳисобга олиш ҳамда жамиятимизнинг бундай қатламига нисбатан қонунларнинг нотўғри қўлланилиши натижасида ҳар қандай ҳуқуқ-бузарликларни олдини олиш мақсадини кўзлаган самарали ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш заруратини юзага келтирмоқда. Албатта, бунда амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ривожланган давлатлар, хусусан Франция, Германия, АҚШ, Россия тажрибасини қонунчилигимизга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Карима РАЖАБОВА,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИНИНГ ТАРИХИЙ ТАДРИЖИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (XIX–XX АСРЛАР)

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг катта қисми чор Россияси томонидан босиб олинди.

Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг суд тизими икки турли ҳуқуқий тизим – анъанавий шаръий ва одат (урф-одат)

ҳуқуқи ҳамда чор Россияси томонидан жорий этилган суд тизими таъсирида ривожланди.

Ўрта Осиёда чор Россияси мустамлакачилик ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар маҳаллий суд тизимининг муҳим бўлини бўлган қозиларнинг шариат судлари фаолият юритган. Қозиларни тайинлаш, вазифасидан четлатиш ва уларнинг сонини белгилаш олий ҳукмдор - хон ва баъзи ҳолларда бекларнинг ваколатига кирган.

Туркистон чор маъмурияти томонидан дастлабки босқичларда қозилар ва бийлар судларини чекланган ваколатлар билан сақлаб қолиш ва уларни аста-секин умумимперия суд тизимига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

1865 йил 6 августдаги Низомга кўра, ўлкада ҳарбий, қози ва бий судлари жорий этилди. Қози калон лавозими бекор қилинди, барча қози ва бийларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди. Бундан ташқари, судьяларнинг фаолияти 3 йиллик муддат ва қатъий белгиланган ваколат ҳудудлари билан чекланди. Судьялар ўлим жазоси ва бошқа оғир жазоларга ҳукм қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Кўриб чиқилган ишлар бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш ҳарбий губернаторнинг ихтиёрига ўтди.

1867 йилги Низом лойиҳасига кўра, ўлкада суд ҳокимиятининг учта институти - ҳарбий суд, Чор Россия қонунлари бўйича фаолият юритувчи рус суди ва халқ суди фаолият юрита бошлади. Ҳарбий судлар ваколатига давлатга хиёнат қилиш, почта ва ҳарбий транспортга ҳужум қилиш, мансабдор шахсларни ўлдириш ва бошқа шу каби ишлар кирган. Рус суди империя қонунларига кўра талончилик, ўғрилик, савдо қарвонларига ҳужум қилиш, қалбаки пул ясаш, қотиллик каби жиноятларни кўриб чиққан. Қозилик ва бийлик судларининг вазифасига никоҳ, оила, ер-сув билан боғлиқ ишларни кўриш кирган. Даъво суммаси миқдорига қараб у ёки бу ишни кўриб чиқиш даражаси танланган. Зарар миқдори 100 сўмдан ошмаган жиноятлар қози ёки бий томонидан яқка тартибда кўриб чиқилган. 1000 сўмгача бўлган даъволар қурултойларда кўриб чиқилган ва ниҳоят, 1000 сўмдан ортиқ зарар етказилган жиноятлар учун давқулдода қурултойлар чақирилган. "Халқ суди"нинг қароридан норози бўлган шахслар ўлка органларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган¹.

Туркистон ўлкаси генерал-губернаторининг 1877 йил 17 февралдаги фармонида кўра, ҳарбий губернаторларга 3 ойдан ортиқ қамоқ муддатини белгиланган жиноий ишлар бўйича халқ судлари ҳукмларини ўз хоҳишларига кўра бекор қилиш ҳуқуқи берилди. Бу эса "халқ суди" мавқеига жиддий зарба берди. Фақат 3 йил ичида (1880-1882 йиллар) Фарғона вилояти губернатори томонидан 39 та суд қарори бекор қилинди ёки ўзгартирилди, бу умумий қабул қилинган қарорларнинг 28 фоизини ташкил этди. Маҳаллий судлар томонидан Сибир сурғунига ҳукм қилинган 27 нафар жиноятчидан 24 нафари губернатор фармони билан озод қилинди².

1886 йилги Низом шариат судларининг ваколатларини янада чеклаб қўйди. Уларга маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасидаги битимларни қайд этувчи ҳужжатларни тасдиқлаш, қамоқ муддатини ўтаб бўлган шахсларни доимий яшаш жойига жўнатиш ҳуқуқи қолдирилди. Қозилар қурултойи қозилик судлари томонидан қабул қилинган ҳукмларни қайта кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Қозилик лавозимига тайинлаш тартиби ҳам ўзгарди: энди халқ судьялари сайланадиган бўлди. Шунингдек Низом талабига кўра, қозилар судловидаги айрим жиноят ишлари тўғридан-тўғри рус судларига ўтказилди. Улар орасида коррупция билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар ҳам бор эди. Янги низомнинг 141-моддасига мувофиқ, коррупция билан боғлиқ жиноятларга давлат ва жамоат хизматидаги жиноятлар, мулкка қарши жиноятлар, хазина даромадларига қарши жиноятлар ҳамда давлат мулкни ўғирлаш каби жиноятлар кирарди³.

1917 йил февраль революциясидан кейин ўлкада ишчи ва солдат депутатлари Советлари вужудга кела бошлади, уларга меньшевиклар ва эсерлар раҳбарлик қила бошладилар. Ўлка ташкилотлари "Шўрои Ислоҳ" ва "Шўрои Уламо" шакллана бошлади, Ёш бухороликлар фаоллашди. 1917 йил 7 (20) апрель куни Тошкентда Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси тузилиб, бутун ҳокимият унинг қўлига ўтди.

1917 йил 12-14 июн кунлари Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида вилоят мусулмон ташкилотларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда турли мусулмон ташкилотларидан жами 137 киши қатнашди. Қабул қилинган дастурий ҳужжат съездда тузилган "Турк адами марказияти" (Туркистон федералистлар) партияси Туркистон, Қозоғистон, Кавказ, ва Бошқирдистон учун миллий-худудий мухториятни, Волгабўйи Қрим татарлари ва бошқа туркий халқлар учун эса миллий маданий мухториятни белгилаб берди⁴.

Мухтор жумҳуриятнинг қонуний тизимини дастур муаллифлари қуйидагича ёритадилар: суд ва юстиция (адлия) ташкилотлари бирор кимсанинг аралашувидан холи бўлиб, фақат шариат ва қонунга бўйсунмоғи даркор⁵. Ўрни суд томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар айбланувчини ҳеч ким жазога торта олмайди. Ҳокимиятнинг ижрочи ташкилотлари судьяларнинг тайинланиши, жойини ўзгартириши ва бўшатиш каби уларнинг ишларига аралашилари мумкин эмас.

Ўлкамиз ҳудудида 1924 йилда миллий чегараланиш ўтказилиб миллий республика ва автоном ҳудудлар ташкил этилгандан сўнг суд тизимидан "кулоқ-бой унсурларга"га қарши курашишда кенг фойдаланилди. Масалан, 1926 йилда ЎзССР жиноят кодексининг 80-моддасига қўшимча киритди, унда ер майдонини яширган ёки қишлоқ ҳўжалиги асбоблари сони ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун 3 йилгача муддат билан озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилиниши назарда тутилган эди. Бу ишларнинг барчаси Адлия халқ комиссарларининг махсус расмий хатига кўра, "ниҳоятда шошилиш ва ҳеч қандай навбатсиз" кўриб чиқилар, улардан энг характерлилари намунали суд жараёнларида кўрилар эди⁶.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон суд тизимига 1938 йил 16 августда СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган "СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг суд тузилиши тўғрисида"ги қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилар эди. Ушбу қонун 1958 йил 25 декабрда СССР Олий Совети Раёсати томонидан янги таҳрирда қабул қилингунга қадар амалда бўлди.

Ўзбекистон ССР Марказий Қўмитасининг 1947 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон ССР суд органлари фаолияти тўғрисида"ги қарорида судлар фаолиятидаги камчиликлар қайд этилиб, ушбу идораларни урушдан кейинги даврга мувофиқ қайта ташкил этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди⁷. Энг аввало, суд тизимининг барча бўғинларида судьялик лавозими учун сайловлар ўтказилди. Судьялик лавозимларида бўлиш муддати уч йил этиб белгиланди.

Ўзбекистонда 1948, 1951, 1954, 1957, 1960 йилларда халқ судьяси ва маслаҳатчиси лавозими учун сайловлар бўлиб ўтди. 1948 йил 26 февралдаги Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг "Ўзбекистон ССР туман ва шаҳарлари кесимида халқ судлари сонини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан 1948 йилда Тошкент вилоятида 64 та, Самарқандда 39 та, Фарғонада 26 та, Андижонда 20 та, Бухорода 20 та,

Қашқадарёда 18 та, Наманганда 14 та, Сурхондарё ва Хоразм вилоятининг ҳар бирида 12 тадан халқ суди участкалари ташкил этилди⁸.

1953-1960 йилларда иттифокдош республикаларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги эркинлигини ошириш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 1954 йил 14 августда СССР Олий Совети Раёсати томонидан "Иттифокдош, автоном республика, ўлка, вилоят ва автоном вилоят судлари таркибида Раёсатлар тузиш тўғрисида"ги фармоннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди⁹. Ушбу фармонга асосан халқ судидан юқори турувчи суд тизимининг барча бўғинларида, яъни Ўзбекистон ССР Олий суди, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, вилоят судлари таркибида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳукм ва қарорларни назорат тартибида кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган Раёсатлар тузилди.

Бунинг натижасида 1955-1956 йилларга келиб юқори инстанция судлари томонидан халқ судларининг бекор қилинган ҳукм ва қарорлари сони анча камайди. Мисол учун, 1956 йилда Ўзбекистондаги 32 нафар халқ судьясининг жиноят ишлари бўйича ҳукми ва 30 нафар халқ судьясининг фуқаролик ишлари бўйича қарорларининг бирортаси юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинмади.

1955 йил 23 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати "Ўзбекистон ССР халқ судларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳолати тўғрисида" фармон чиқарди. 1955 йил 29 декабрда Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг ҳайъати ушбу қарорни муҳокама қилиб, халқ судларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш ҳолатини яхшилаш бўйича бир қатор раҳбарий кўрсатмалар берди¹⁰.

1950 йилнинг иккинчи ярмида СССР суд тизимида айрим либерал ислохотлар амалга оширилди. Бу борада судларга маъмурий органлар таъсирини чеклаш ва иттифокдош республикаларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги эркинлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармаларини тугатиш ва суд тизими назоратини Олий суд зиммасига юклаш жараёнлари бошланди. СССР Олий Совети Раёсатининг 1956 йил 31 майдаги фармонида биноан СССР Адлия вазирлиги тугатилди ва конституциядан вазирлик тўғрисидаги қондалар чиқариб ташланди¹¹. Ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 1956 йил 4 августда СССР Олий Совети томонидан иттифокдош республикаларда Адлия вазирлигининг вилоят бошқармаларини тугатиш ва вилоят судларига халқ судлари, нотариал идоралар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи беришни кўзда тутувчи фармон қабул қилинди. Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосан 1956 йил 7 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати "Халқ депутатлари вилоят советлари қошидаги Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармаларини тугатиш тўғрисида"ги фармонни қабул қилди.

1957 йил февралда қабул қилинган "СССР Олий суди тўғрисида Низом"га мувофиқ иттифокдош республикалар Олий судларининг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. СССР Олий суди ишларни кўриб чиқишда иттифокдош республикаларининг Олий судларини четлаб ўтиб аралашishi мумкин эмас эди. СССР Олий суди суд назорати орқали суд ҳайъатларининг ҳукмлари ва қарорлари ҳамда иттифокдош республикалар Олий судлари Раёсатлари қарорларини фақат иттифок қонунчилиги билан зиддият юзага келган ва манфаатлари бузилган тақдирда кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эди.

СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган умумий иттифок қонунларига асосланиб Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсатининг 1959 йил 23 мартдаги фармонида биноан Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги тугатилди. Вазирлиқнинг судлар устидан назорат қилиш ва бошқа ваколатлари Ўзбекистон ССР Олий суди зиммасига ўтказилди.

1959 йил 21 майда бешинчи қақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида ЎзССР Суд тузилиши тўғрисидаги қонун, ЎзССР жиноят кодекси, жиноят процессуал кодексини қабул қилди ва 1960 йилнинг 1 январидан қуча кирди¹². Мазкур қонун билан судларга совет-партия органларининг директив кўрсатмаларини бажариш бўйича ташкилий-бошқарув масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини берди.

1970-1989 йилларда судларни бўлинган ҳолда бошқариш модели шаклланиш даври бўлди десак тўғри бўлади. Чунки бу даврда яна партия раҳба-

рияти ва ижро этувчи ҳокимият мавқеининг умумий кучайиши билан боғлиқ эди. Давлат ва партия ҳокимиятининг олий органлари даражасида судларга давлат таъсирини ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши бунга ўзига хос кириш қисми бўлди. Натижада, эндиликда "суд бошқаруви" эмас, балки "судларга ташкилий раҳбарлик"ни амалга ошириши лозим бўлган адлия органлари қайта тикланди. Шундай қилиб, 1963 йилда совет судларига берилган нисбий мустақиллик йўқотилди. 1970 йилдан бошлаб Адлия вазирлиги суд бошқарувининг аввалги функцияларини амалда тиклади ва шу вақтдан бошлаб барча даражадаги судлар фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларни шакллантирди, суд фаолияти масалалари бўйича партия қарорларини етказиб ҳаётга татбиқ эта бошлади. Адлия вазирлиги тугатилишидан олдинги каби судларни тафтиш қилиш ва текширишни давом эттирди, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, кадрлар ва бошқа масалаларни ташкилий раҳбарлик доирасида ҳал қилинди. Шунга қарамай, юқори турувчи судлар суд бошқарувидан тўлиқ четлатилмади ва ўзларининг коллегиал органлари (пленум, президиум) ҳамда фақат уларга хос бўлган бошқа ташкилий шакллар (судьяларнинг ҳудудий семинарлари, уларнинг юқори турувчи судларда амалиёт ўташи ва бошқалар) орқали суд бошқарувини амалга оширишни давом эттирдилар. Шубҳасиз, буларнинг барчаси суд бошқарувининг маъмурий-буйруқбозликка нисбатан юмшоқроқ модели шаклланишидан далолат беради. Шу билан бирга, бўлинган бошқарув модели аввалги моделнинг энг муҳим жиҳати га пурт етказиб суд тизимининг ўз бошқарувидagi мустақиллиги йўқотди ва адлия органлари назорати ўтди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XIX-XX асрларда ўлкамиз суд тизими мустамакчилик ва сиёсий тузумлар таъсирида тубдан ўзгарди. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида маҳаллий қозилик ва бийлик судлари чекланиб, умумимперия суд тизимига мослаштирилди. Судьяларнинг ваколати ҳарбий ва маъмурий ҳокимият назоратига ўтди, бу эса суд мустақиллигига жиддий зарба берди.

Совет даврида суд тизими расман мустақил деб эълон қилинган бўлса-да, амалда партия ва ҳукумат сиёсатига тобе бўлиб қолди. Судьяларнинг тайинланиши, қарорлар қабул қилиш жараёни ва суд назорати марказлаштирилган бошқарув тизимига айланди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, суд ҳокимияти мустақиллигига асосий тўсиқлар маъмурий бошқарув, сиёсий таъсир ва суд тизимининг ижро ҳокимиятига бўйсундирилгани бўлди. Бу тарихий тажриба ҳозирги кунда суд мустақиллигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишда муҳим сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Азизбек АТАЖАНОВ,

юридик фанлар фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи ва назарияси" фанидан Маърузалар матни ТЕР-МИЗ-2014.
2. Тиллабаев С.Б. Системы управление и судебные дело Средней Азии "Евразийский Научный Журнал №5 2016" (май).
3. Национальный архив Республики Узбекистан. Положение "Об управлении Туркестанским краем". С. 28.
4. Ўзбекистон тарихи II – жилд (XIX аср II ярми – 1991 йил август) Тошкент 2015, 193-бет
5. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи Тошкент – 2004, 248-бет
6. "Қизил Ўзбекистон" 1926, 28 январь
7. История советского государства и права Узбекистана: 1937-1958 гг. Т.3 / Отв. ред.: Ишанов А.И., Сулайманова Х.С. - Ташкент: Фан, 1968. - 676 с. [History of the Soviet state and law of Uzbekistan: 1937-1958 T. 3 / Ed. ed.: Ishanov A.I., Sulaimanova Kh.S. - Tashkent: Fan, 1968. - 676 p.]
8. Ўзбекистон Миллий архиви Р-904-фонд, 10-руйхат, 662-иш, 39-42 варақлар.
9. История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917-1954 гг. Сборник документов. - М.: Госюриздат, 1955. - 636 с.
10. Ўзбекистон Миллий архиви Р-904-фонд, 18-руйхат, 920-иш, 182-варақ.
11. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938-1956 гг. - М.: Государственное издательство юридической литературы, 1956. - 500 с.
12. ЎзССР суд тузилиши қонуни. Т.: Ўздавнашр, 1959. - 23 б.

МАЪМУРИЙ АКТЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

Маъмурий актнинг шаклланишига нисбатан МДХ мамлакатлари ва Германия давлатларида турли ёндашувлар ва фарқли таърифлар берилган бўлиб бунинг асосий сабабларидан бири Маъмурий акт ва унинг таърифи доирасида мавжуд бўлган хилма-хиллик уларни белгилашга ягона ёндашувнинг йўқлигини кўрсатади, шунингдек, тегишли қонунчилик нормалари билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлигини билдиради.

Бу борада Россия илмий адабиётларига назар ташлайдиган бўлсак, давлат бошқаруви жараёнида қабул қилинган қарорлар учун “бошқарув акти”, “ҳуқуқий бошқарув акти”, “давлат бошқаруви акти” қўлланган. Санаб ўтилган таърифлардан ташқари “маъмурий акт”, “маъмурий ҳуқуқда ҳуқуқий акт”, “бошқарувнинг қўйи акти”, “давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий акти” тушунчалари ҳам қўлланилган.

Бундай турли хил таърифлар кўпинча ушбу хатти-ҳаракатларнинг моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келади. Гарчи кўпчилик муаллифлар ушбу тушунчалардаги бир хил ўзига хос хусусиятларни ажратиб кўрсатишса ҳам, ҳар доим бошқарув ҳаракатларининг бошқа шаклларида аниқ ажратиб кўрсатишга имкон бермайди. Бу борадаги тушунчаларни бирлаштириш аниқ бир термин қабул қилиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш зарурати пайдо бўлади. Бу борада биринчилардан бўлиб Германия Республикасининг “Маъмурий процедуралар тўғрисида” федерал қонун лойиҳасида таклиф қилинган маъмурий актнинг таърифи ушбу масалага аниқлик киритган деб айтишимиз мумкин.

Германия Республикасининг “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги федерал қонунига кўра маъмурий акт - “Маъмурий ишни кўриб чиқиш пайтида юзага келадиган айрим масалаларни коллегиял орган (мансабдор шахс) томонидан ҳал қилишнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш шакли” сифатида тушунилади. Ушбу қонун асосида “Маъмурий акт” атамасини кўриб чиқилаётган ҳаракатларнинг ҳуқуқий таърифи сифатида бирлаштириш мумкинлиги тўғрисида дастлабки хулосалар чиқариш мумкин, бу инқилобгача бўлган адабиётларда ишлаб чиқилганига қарамай, замонавий илмий адабиётларда яқин вақтгача кенг тарқалмаган эди, аммо энг тўлиқ таърифлардан фойдаланишга имкон беради ва ушбу институтнинг моҳиятини аниқ очиб беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қонунчилигига назар соладиган бўлсак, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун маъмурий ҳужжатларнинг муҳим хусусиятларини аниқ тушунишга йўл қўймайди, уларнинг моҳиятини аниқ очиб бера олмайди ва уларни бошқа тоифалардан ажратиб туришга имкон беради. Шу сабабли ушбу қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши кутилмоқда. Бу борада Фарбий Европа фани ва қонунчилиги узок вақтдан бери “Маъмурий акт” тушунчасидан фойдаланган ҳолда, мазкур турдаги актларни аниқлашда жуда кенг назарий ва меъёрий базани ишлаб чиққан.

Масалан, Германия қонунчилигида маъмурий Актнинг таърифи “давлат ҳуқуқи соҳасида бошқарув органи томонидан маълум бир ишни тартибга солиш ва ташқи томонга йўналтирилган ҳар қандай буйруқ, қарор ёки “бошқа куч чоралари” сифатида белгиланади.

Рус ва немис фанларини қиёсий ўрганиш маъмурий ҳужжатларнинг (актларнинг) моҳиятини тушунишда баъзи бир му-

аммоларни очиб беради; масалан, рус олимларининг фикрига кўра, ушбу ҳужжатлар яъни маъмурий актлар норматив ва индивидуал бўлиши мумкин. Немис ҳуқуқшунос олимларининг фикрига кўра — фақат маълум бир, ягона ишни тартибга солишга қаратилган нормалар бошқарувнинг ташқи қаратилган, маълум бир ваколат натижасида чиқариладиган ҳужжат, ҳаракат, ҳаракатсизлик, белги ва сигнал сифатида намоён бўлиши мумкин.

Маъмурий актнинг мазмунини тўлиқ англашимиз учун илмий жиҳатдан ўрганиб таҳлил олиб боришимиз талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисидаги” қонун лойиҳасига юзланадиган бўлсак, маъмурий акт – бу маъмурий органнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний юридик шахслар учун ёхуд муайян индивидуал белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси ҳисобланади. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, маъмурий акт маълум бир оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳуқуқий таъсир чораси экан. Ҳўш, бу ҳуқуқий таъсир чорасининг белгилари қандай бўлиши мумкин.

Германия қонунчилигига қарайдиган бўлсак, маъмурий актнинг белгиларини изчил ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, ҳуқуқий таърифда “куч ўлчови” сифатида белгиланган элементга, яъни бир томонлама ва мақсадли ҳаракатга, бошқариш мақсадида амалга ошириладиган тўғридан-тўғри ёки билвосита инсон фаолиятига эътибор қаратиш лозим. Ушбу чора ҳақида бундай кенг тушунча маъмурий фаолиятнинг кўплаб соҳаларида автоматлаштирилган маъмурий ҳужжатларни яратадиган техник воситалардан фойдаланилганлиги сабабли қабул қилинди. Жумладан, шахсий компьютер ёрдамида чиқарилган солиқ ёки тўлов қарори ҳам маъмурий орган иродасининг куч ифодасидир, яъни маъмурий актдир. Бунда автоматлаштирилган ечим келиб чиқади, бу турдаги ечимларнинг мавжудлиги бутунлай маъмурий органнинг иродасига боғлиқ бўлиши муҳимдир. Муайян адресатларга йўналтирилган ваколатли чорани тан олишнинг муҳим мезони - бу ваколатли чорани қабул қилиш вақтида унинг аниқ манзилини белгилаш имконияти. Шу билан бирга, куч ўлчови бир аниқ шахсга ёки бир нечтасига қаратилганлиги муҳим эмас, тартибга солинадиган вазиятнинг ўзига хослиги белгисини ўрнатиш учун маълум бир шахслар доирасини индивидуаллаштириш кифоя.

Иккинчи белгиси “Ҳақиқий ҳаракатлар”, масалан, маъмурий орган томонидан амалга оширилган бинони бузиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлаш ҳақиқий ҳаракат эмас, чунки, бу ҳолда биз ваколатли идоранинг — бузиш буйруғини

амалда бажариш ҳақида гапирмоқдамиз, яъни ушбу ҳолатда бузиш тўғрисидаги қарорнинг ўзигина маъмурий акт ҳисобланади, ижрони таъминлаш эса бундан мустасно. Ушбу ҳолатда ҳаракатсизлик ҳам маъмурий акт бўлиши мумкин эмас, чунки куч ўлчови ҳар доим ирода жараёни билан боғлиқ фаол ҳаракатни таъминлайди. Ироданинг шаклланиши содир бўлган, лекин у "ташқи" ифодаланмаган бўлса, ироданинг ифодаси бўлмаган тақдирда ҳам маъмурий акт чиқариш мумкин эмас. Яъни, бу ерда фиктив маъмурий акт мавжуд деб ҳисоблай олмаимиз. Демак, бу ерда сукут ирода ифодаси эмас, бироқ, ушбу қоидадан истиснолар махсус қонунчилик таърифи билан белгиланиши мумкин. Ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи, масалан, махсус шаклни талаб қилмайдиган даромад декларациясини қабул қилишни келтирсак бўлади. Ироданинг аниқ ифодаси давлат бошқаруви субъектининг сукутидан ажралиб туриши керак, қачонки ироданинг ифодаси маъмурий орган иродасининг мазмуни аниқ бўлган оғзаки ёки ёзма баёнотни алмаштирадиган тегишли хатти-ҳаракатлар билан аниқлансагина маъмурий акт бўлиши мумкин. Масалан, муайян полиция ходимининг тўхташ жойини тарк этиш ёки бахтсиз ҳодиса жойидан ўтиб кетиш буйруғини билдирган имо-ишораси. Агар қонунда махсус шакл назарда тутилган бўлса, иродани ифода этишининг аниқ шакли чиқариб ташланади.

Маъмурий актнинг кейинги хусусияти маъмурий орган (ҳокимият)ни кўрсатиш билан ифодаланади. Бу хусусият маъмурий акт сифатида квалификация қилинган куч ўлчовининг манбасини аниқлаштириш функциясини бажаради. Германия федерал маъмурий тартиб тўғрисидаги қонунига биноан маъмурий орган давлат бошқаруви (давлат бошқаруви) вазибаларини амалга оширувчи ҳар қандай таркибий шахс (орган, муассаса, уларнинг бўлинмаси) сифатида аниқланди. Ушбу таъриф билан у давлат бошқаруви жараёнида иштирок этадиган жуда кўп органлар ва муассасаларни қамраб олади.

Қонунчилигимизга назар ташлайдиган бўлсак, маъмурий органлар — бу маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳисобланади. Қонун лойиҳасида эса маъмурий органлар — бу маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган махсус тузилган комиссиялар ва бошқа шахслар дея келтирилган. Демак, Германия қонунчилигида келтирилган маъмурий актнинг белгилари сифатида маъмурий орган қаторида берилган ҳар қандай таркибий шахс қонунчилигимизда ҳам мустаҳкамланиши тавсия этилади.

Германия қонунчилигига мувофиқ маъмурий органлар қаторига барча федерал ҳокимиятлар, федерал штатлар ва шаҳар ҳокимиятлари, шунингдек, давлат корпорациялари, институтлари, фондлари ҳам кирилади. Давлат лавозимларини эгаллаган шахслар ҳам бир вақтнинг ўзида монократик бўлсада, бир кишилик бутун бир органи ифодаловчи маъмурий органлар

ҳисобланади. Маъмурий органларнинг алоҳида гуруҳини "эркин касблар" яъни, хусусий соҳа вакиллари деб аталадиган ташкилотларнинг палаталари ва бўлимлари раҳбарлари (адвокатлар, нотариуслар, шифокорлар, архитекторлар)нинг қарорлари ҳам маъмурий акт ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шунини таъкидлаш керакки, Германия қонунчилигида мустаҳкамланган ва маъмурий актларни давлат бошқарувининг бошқа шаклларида аниқ ажратиб олишга имкон берадиган маъмурий актнинг барча кўриб чиқилган хусусиятлари ҳар доим ҳам давлат бошқарувининг ҳаракати ёки қарорини маъмурий акт сифатида белгилаш учун аниқ мезон эмас. Бироқ, улар маъмурий актларни аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш нуқтаи назаридан Россия қонунчилигини такомиллаштириш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу давлат бошқарувини яхшилашга, жисмоний ва юридик шахсларни ноқонуний ҳаракатлардан ёки давлат бошқаруви қарорларидан ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса қиладиган бўлсак:

биринчидан, маъмурий акт маъмурий орган ёки ваколат берилган органлар томонидан чиқарилган қарорлар бўлиши мумкин. Бу борада Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-қарори 5-бандига кўра, "Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегиял тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади. Бунда шунинг назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин";

иккинчидан, маъмурий акт муайян ҳужжатни бериш йўли билан қабул қилинади. Масалан, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ҳайдовчилик гувоҳномаси;

учинчидан, маъмурий акт фақат қоғоз (ҳужжат) кўринишида бўлмайди, чунки унинг оғзаки, электрон, белгили каби шакллари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, маъмурий акт маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан чиқарилиши, жазолаш ва норматив хусусиятга эга бўлмаслиги, тартибга солиш хусусиятига эга бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, йўл белгилари, Ички ишлар ходимининг ҳаракат йўналишини кўрсатувчи белгилари ва бошқаларни келтириб ўтсак бўлади.

Юсуф САИДАЗИМОВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Allgemeines Verwaltungsrecht/von Jörn Ipsen. Berlin, 2000. (General administrative law / by Jörn Ipsen. Berlin, 2000).
2. Bundesverfassungsgericht//Neue Juristische Wochenschrift. 1987. 2501(Bundesverfassungsgericht // Neue Juristische Wochenschrift. 1987. 2501).
3. Maurer H. Allgemeines Verwaltungsrecht. 15. Auflage. München, 2008. (Maurer H. General administrative Law. 15th Edition. Munich, 2008).
4. Peine F.-J. Allgemeines Verwaltungsrecht, 9. Auflage. Verlag C. F. Mueller, 2008. (Peine F.-J. General Administrative Law, 9th edition. Verlag C. F. Mueller, 2008).
5. Wolff H. J., Bachof O., Stober R. Verwaltungsrecht I. 6. Auflage. München, 2000. (Wolff H. J., Bachof O., Stober R. Administrative Law I. 6th edition. Munich, 2000).

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЧЕКЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида, хорижий давлатлар конституцияларида ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чегараларини аниқлашга, бундай чекловлар тўғрисидаги нормаларни белгилашга турлича ёндашувлар мавжуд. Ушбу ҳужжатларда мақсад ва асослар кўрсатилмаган ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чегаралари кўрсатилиши мумкин, чекловлар муайян ҳуқуқ ҳамда эркинликларга нисбатан ёки умумий қоидада белгиланиши мумкин. Англо-саксон ҳуқуқий анъаналари мавжуд мамлакатларда ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чегаралари қонун ҳужжатлари ва суд қарорлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашнинг конституциявий модели бу нарсага аралаш ёндашувни назарда тутди. Бир томондан, Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси биринчи марта шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш имкониятини назарда тутувчи умумий қоида билан тўлдирилди (21 ва 33-моддаларининг 3-қисмлари)¹.

Конституциявий тузум асосларини қонунга мувофиқ ҳимоя қилиш учун шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш халқаро ҳуқуқий актларида учрамайди, Ўзбекистон Республикасининг янги конституциявий-ҳуқуқий моделида эса ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш мақсадлари орасида биринчи ўринда туради. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 моддаси 3-қ).

Ҳозирги вақтда адабиётларда конституциявий тузум асослари тўғрисида ягона тушунча мавжуд эмас, бу эса шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асослари ва мақсадларини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Бироқ, конституциявий ҳуқуқнинг бир қатор таниқли экспертлари конституциявий тузум асосларига инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида тан олиш каби элементларни киритиш тўғрисида фикр билдирганлар (масалан, МДҲ мамлакатларининг бир қатор олимлари С. А. Авакян², М. В. Баглай³, Е.И.Козлова, О. Е. Кутафин⁴). Шундай қилиб, конституциявий тузум асослари тоифасига хусусий, ижтимоий ва давлат манфаатлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари, "конституциявий тузум" тоифаси 1949 йилги ГФР асосий Қонунида ҳам қўлланилади, бу ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга табақалаштирилган ёндашувни намоиш этади, яъни маълум бир ҳуқуқ ёки эркинликка нисбатан ҳар қандай чекловни шакллантиради.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан "конституциявий тузум" атамаси Германия Федератив Республикасининг асосий Қонунида икки марта учрайди: умумий характердаги 2-моддада "ҳар бир инсон конституциявий тузумга тажовуз қилмайдиган даражада ўз шахсиятини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга". Ва 9-модда, "мақсадлари ёки фаолият

ти конституциявий тузумга қарши қаратилган уюшмаларни.. таъқиқлаш..."⁵.

Шуни таъкидлаш керакки, Германиянинг асосий Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидагидек, конституциявий тузумга бағишланган алоҳида боб ёки бўлим мавжуд эмас. Германия Федератив Республикасининг конституциявий тузumi концепциясига нималар киритилганлиги тўғрисида хулоса 20, 28-моддалар ва Германия Федератив Республикаси асосий Қонунининг барча моддалари асосида амалга оширилиши мумкин. Германия асосий Қонунининг 28-моддасига (республика бошқарув шакли, демократия, ижтимоий қонун устуворлиги, федерализм, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг кафолатлари) киради.

АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўзгартиришларга ҳамда судларнинг, шу жумладан АҚШ Олий судининг қарорлари билан сўз эркинлигини чеклашни таъқиқловчи ўзгартиришга қарамай, сўз эркинлиги мутлақ эмас ва чекловларга дуч келиши мумкин. АҚШ қонунчилиги чекланган, аммо таъқиқланмаган порнографик асарларни ва суд қарорлари ёки қонун билан таъқиқланиши мумкин бўлган одобсиз асарларни ажратади. Бундан ташқари, "номақбул дастурлар, эшиттиришлар" тушунчаси ишлатилади, яъни, АҚШ Олий суди фикрига кўра, "қабул қилинган ижтимоий ахлоқ стандартлари" га риоя қилмайдиган масалан, ҳақоратли сўзлар ёрдамида ифодалайдиган дастурлар ва эшиттиришларга айтилади⁶.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш мумкин бўлган мақсадлардан биридир. Фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш инсоннинг ажралмас бойлиги сифатида нафақат инсоний масъулият, балки давлатнинг ҳам муҳим вазифасидир. Шу билан бирга, давлат ва жамият нафақат ҳар бир шахснинг, балки бутун аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаши кераклигини ёдда тутиш керак.

Шундай қилиб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда шахс ва давлатнинг ўзаро эркинлиги ва ўзаро жавобгарлиги ўлчови, шахсий ва жамоат манфаатларини мувофиқлаштириш аниқ намоён бўлади⁷.

Жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш (қўриқлаш ва ҳимоя қилиш) – бу давлат органлари томонидан ҳар доим ҳам ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишини ва инсоннинг индивидуал эркинлигига аралашини, кўпинча ҳокимият органлари, ўз ваколатларини ҳаддан ташқари, суиистеъмол қилиш билан, кейин эса қонунларнинг мазмунини нотўғри тасарруф этган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини шафқатсиз чеклаб қўйиши ёки инкор этиши мумкин.

Бу ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш зарурати ҳокимият учун курашда, сепаратистик ҳаракатларда ва давлатлараро келишмовчиликларда ифодаланган давлат ичидаги низоларда ҳам давлатнинг ўзини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш истаги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 33-моддаси 3-қисмига биноан, “ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”⁸.

Англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатларининг давлат мудофааси ва хавфсизлигига оид қонунчилигига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш тўғрисидаги нормалар киритилган. Масалан, Бирлашган Қиролликнинг 2004 йилдаги “Фавқулодда вазиятлар тўғрисида” ги Қонуни Буюк Британияда инсон фаровонлигига жиддий зарар етказиш билан таҳдид қиладиган ҳар қандай ҳолат, фавқулодда ҳодиса ёки вазият сифатида тан олинади. Бирлашган Қироллик атроф-муҳитига зарар етказиш билан таҳдид қиладиган воқеа ёки Буюк Британия хавфсизлигига жиддий зарар етказиш билан таҳдид қиладиган уруш ёки терроризм (1-модда, 1-банди) ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бир қатор чекловларни назарда тутди (3-банд, 22-модда, 12-модда)⁹.

Франция қонунчилиги ҳам худди шундай йўлдан бормоқда. Хусусан, 2008 йилдаги “Франция мудофааси тўғрисидаги оқ китоб” Франция хавфсизлигига қуйидаги янги таҳдидларни ҳисобга олади: киберҳужумлар, терроризм, эпидемиялар, иқлим офатлари. Оқ китоб миллий хавфсизлик ва мудофаа тушунчаларини бирлаштиради, мудофаа, ташқи сиёсат ва ички хавфсизлик сиёсатини миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари деб атайди, одамлар ва уларнинг мол-мулкнинг шахсий хавфсизлиги, қонун ва тартибни бузиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган масалалар бундан мустасно¹⁰.

Чекловларни фақат қонун билан белгилаш шахсларни ижро этувчи ҳокимият томонидан қўлланилиши

мумкин бўлган ўзбошимчалик ва суиистеъмолчилик чораларидан ҳимоя қилиши керак. Бундай кафолат фақат демократик давлатда муҳим аҳамиятга эга, чунки демократик бўлмаган мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил эмас.

Кўриниб турибдики, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш зарурати турлича сиёсий ва ҳуқуқий режимларга эга бўлган давлатларда мавжуд. Бундай чекловлар баъзи ҳолларда фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши билан, бошқаларида жамият ва давлат билан алоҳида муносабатлари туфайли субъектларнинг алоҳида мақоми билан боғлиқ. Буларнинг барчаси фуқаролар ва ҳокимият органларининг ижтимоий аҳамиятга эга манфаатларини мувофиқлаштиришдан келиб чиқади ва шахс, фуқаролик жамияти ҳамда давлат манфаатларининг мувозанатига риоя қилмасдан эришиб бўлмайди. Ушбу мувозанатга давлатнинг фуқаро устидан ҳокимиятига ҳам, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам баъзи оқилона чекловлар қўйиш орқали эришилади. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда фақат қонунда белгиланган чекловларга бўйсунуши керак.

Шундай қилиб, кўплаб Европа мамлакатларининг қонунчилигида шахс ҳуқуқларини чеклаш бўйича мунайян қоидалар мавжуд. XX асрнинг биринчи ярмида бу Давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва давлатларнинг сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунда ва яқин келажакда замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши, тиббиёт ютуқлари, клонлаш имкониятлари ва маълумот олишнинг турли усуллари шахснинг ҳам, бошқа одамларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун индивидуал ҳуқуқларни изчил чеклашни талаб қилди.

Гайбулла АЛИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, ю.ф.н. доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. - Т.2023. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Авакьян С.А. Конституционное право России. Т. 1.-М. С. 326-330.
3. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации.-М. Изд. НОРМА Москва, 2007 С. 100-153.
4. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России. учебник. — 5-е изд., перераб. и доп. — Москва: Проспект, 2018. — 592 с. С. 98-99.
5. Избранные конституции зарубежных стран. -М.: Изд-во Юрайт, 2011. С. 207-277.
6. Рихтер А.Г. Правовые основы журналистики. Изд. Московского университета 2002.-С. 238, 240.
7. Научно-практический комментарий к Конституции Российской Федерации. Под ред. проф. В.В. Лазарева. -М.: ООО “Новая прав. культура, 2009. URL: <http://constitution.garant.ru/science-work/comment/5366634/chapter/2/#2000>.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т. Адолат, 2023.Б.6.
9. URL: <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2004/36/contents> (дата обращения: 15.12.2015).
10. 1См.: French White Paper on defense and national security (Press kit version). -N.Y.: Odile Jacob Publishing Corp., 2008. P.5.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ВА МАЖБУРЛАШ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ва мажбурлаш тушунчаларини таҳлил қилишда миллий қонунчилигимиздаги асосий жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлиги, жумладан, мажбурлаш ва зўравонлик тушунчаларининг жиноий-ҳуқуқий томонлари ёритилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, зўравонлик, мажбурлаш, БМТ, UNVAC, эркинлик, жинсий дахлсизлик, ижтимоий ёрдам.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунёда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 10 та вояга етмаганлардан 6 нафари ҳар куни жисмоний зўравонликка учрайди. Ҳар 5 дақиқада бир нафар бола зўравонликдан вафот этади. Бу рақамлар мунтазам ўзгариб туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик бўйича тадқиқот ҳисоботининг (UNVAC) маълумотларига кўра, 2006 йилда дунёда 50 000 дан ортиқ вояга етмаганлар ҳалок бўлган бўлса, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 80 000 дан ортиқ вояга етмаганлар зўравонлик қурбони бўлмоқда. Зўравонлик натижасида жароҳатланиб шифохоналарда даволанаётганлар сони 1-2 миллионни ташкил қилади. Жисмоний зўравонликларнинг 55 фоизи эса ота-оналар ва яқин қариндошлар томонидан содир этилган.

Афсуски, Ўзбекистонда ҳалигача бундай тадқиқотлар натижаларини йиғиш, қайта ишлаш ва солиштириш тизими яратилмаган. Шунга қарамай, мавжуд маълумотларга кўра, Ўзбекистонда вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кўпаймоқда.

Ўзбекистонда оилавий зўравонлик жиддий ижтимоий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу муаммо нафақат айрим шахсларнинг ҳаётига, балки жамиятнинг умумий барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатувчи турли ижтимоий ва шахсий муаммоларни юзага келтиради. Зўравонлик ҳолатлари нафақат жабрланувчининг жисмоний ва руҳий ҳолатига зарар етказиши, балки унинг ижтимоий фаолияти ҳамда ҳаётий имкониятларини ҳам чеклайди.

Муаммони ечиш учун нафақат зўравонлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, балки жабрланувчиларни реабилитация қилиш ва уларга руҳий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жабрланувчиларга ёрдам бериш, уларнинг руҳий мувозанатини тиклаш ва ижтимоий муносабатларга қайтишини таъминлаш орқали жамиятда зўравонликнинг ижобий таъсирларини камайтириш мумкин. Шу билан бирга, зўравонлик содир этган шахслар билан мақсадли профилактик ишларни амалга

ошириш орқали бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш зарур.

Хусусан, бу борада олимларнинг ҳам ўзига хос қарашлари бўлиб, Л.Алексеевнинг таъкидлашича, энг кенг тарқалган зўравонлик тури бу – жисмоний куч ишлатишдир. Бутун дунёда мазкур зўравонликнинг асосий қурбонлари вояга етмаганлар ҳисобланади. Жисмоний зўравонлик таҳдидлар (шу жумладан қурол билан) ва шахсий мулкни йўқ қилиш, ёпиқ хонада қамоққа олиш каби билвосита ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, “Вояга етмаганларга оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, уларни хавф остида қолдириш, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган вояга етмаганларга ёрдам кўрсатмаслик ҳамда зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш ёхуд вояга етмаганларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки эркинлигига тажовуз қиладиган жисмоний таъсир ўтказиш вояга етмаганларга нисбатан жисмоний зўравонлик”, деб эътироф этилади.

Ҳуқуқшунос Ю.М.Антонян жиноий зўравонликни жамият учун энг хавфли ҳодисалардан бири сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, “Зўравонлик нафақат шахсга, балки жамиятнинг ахлоқий асосларига, давлатнинг барқарорлигига ва иқтисодий тараққиётга жиддий хавф солади. Зўравонлик шахсни руҳан ва жисмонан емириб юборишга, жамиятда қўрқув муҳитини шакллантиришга олиб келади. Бундай шароитда одамлар ўртасидаги ишонч йўқолади, бу эса бутун жамиятнинг барқарорлигига путур етказиши”.

В.В.Кладько эса, “Зўравонлик айбдор томонидан содир этилган, ҳуқуқ меъёрларига ва жабрланувчининг иродасига зид келувчи, унга жисмоний ва (ёки) психик таъсир кўрсатишга қаратилган ҳаракатлардир. Ушбу ҳаракатлар вояга етмаган шахсга жисмоний оғриқ, ахлоқий ва руҳий азоб етказиши, унинг ривожланишига салбий таъсир қилиши, шунингдек, унинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ёки шундай таъсир кўрсатади” деган фикрни илгари суради.

Маълумотларга кўра, 2024 йилда Болалар омбудсмани номига 2023 йилга нисбатан 2,4 баравар кўпроқ — 1064 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг энг кўпи Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қашқадарё вилоятидан, энг ками эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидан йўлланган. Бунда мурожаатларнинг 43,4% боланинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, 41% унинг ижтимоий ҳуқуқлари, 4,3% иқтисодий ва экологик ҳуқуқлари, 11,3% эса бошқа ҳуқуқларига оид бўлган.

Бироқ, мутахассисларнинг баҳолашича, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг 97% гача бўлган қисми расмий қайд этишдан ташқарида қолмоқда ва статистикада акс этмайди. Бу ҳолат нафақат муаммонинг кенг қамровлигини, балки уни ҳал этиш учун замонавий ва самарали механизмларни яратиш зарурлигини кўрсатади. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг чуқур ижтимоий илдизлари ва унинг қонуний оқибатлари батафсил ўрганилиши зарур, чунки ушбу муаммони ҳал қилиш фақатгина қонунчиликни такомиллаштиришни эмас, балки жамиятнинг умумий онгида ижтимоий масъулиятни шакллантиришни ҳам талаб қилади.

Жиноят қонуни вояга етмаганларнинг эркинлигига қарши қилинган ҳар қандай тажовузни жиноий жазога тортишга асосланган.

Жиноят қонунчилигида мажбурлаш нафақат ижтимоий хавфли қилмиш сифатида, балки унинг турли жиҳатларида намоён бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Масалан, мажбурлаш жиноят содир этиш усули, жиноятнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат ва жазо тури сифатида ҳамда бошқа ҳолатларда кўрилади. Анъанавий ёндашувларга асосланиб, мажбурлаш ва зўравонликнинг икки асосий кўринишлари ажратилади: жисмоний ва руҳий мажбурлаш (зўравонлик).

Фикримизча, амалдаги Жиноят кодексига “Зўрлик”, “Жисмоний зўрлик” ва “Руҳий зўрлик” каби тушунчаларнинг мустақамланиши ҳуқуқни қўлловчи органлар ва амалиёт ходимлари орасида турлича талқин қилинишларга чек қўйиш билан бирга, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни саралаш амалиётини соддалаштиришга имкон беради. Бироқ, Жиноят кодексининг 115-моддаси “Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш”; ЖК 121-моддаси “Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш”; ЖК 1151-моддаси “Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш”; ЖК 136-моддаси “Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш” каби моддалари мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, зўрлик ишлатиш мажбурлов чорасининг бир кўриниши ҳисобланади ва “Мажбурлаш” атамаси “Зўрлик” атамасидан кўра кенгроқ мазмунга эга.

Демак, юқорида таҳлил қилинган қонунчилик, шунингдек соҳа олимларининг доктринал фикрлари ва илмий таҳлилларимизга асосан шаклланган

мулоҳазаларимиз асосида вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ва мажбурлаш тушунчаларини таҳлил қилишда миллий қонунчилигимизнинг қуйидаги асосий жиҳатларига эътибор қаратиш кераклигини маълум қиламиз:

мақсадли йўналтирилганлик. Мажбурлашнинг марказий белгиси бу унинг муайян мақсадга эга эканлигидадир. Бу мақсад шахсни маълум бир хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликка ундашдан иборат бўлиб, унинг иродасига қарши амалга оширилади. Бунда шахснинг эркин танлов қилишига тўсқинлик қилинади;

шахснинг ирода эркинлигига тажовуз. Мажбурлаш жиноят ҳуқуқида шахснинг иродасига таъсир этиш усули сифатида таснифланади. Бу таъсир шахснинг эркин танлов қилиш қобилиятини сусайтириб, унинг иродасини бўйсундиришга қаратилган бўлади;

қасдга асосланган босим. Мажбурлаш жараёнида қўлланиладиган таъсир воситалари, масалан физик, психологик ёки бошқа шаклдаги таъсирларга асосланган бўлиб, улар шахсни маълум бир мажбурий ҳолатга тушириш учун мўлжалланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ва мажбурлаш тушунчаларини таҳлил қилишда миллий қонунчилигимиздаги асосий жиҳатларга эътибор қаратиш муҳимдир. Бунда шахснинг эркин танлов қилиш имконияти чекланади ва зўравонлик ёки мажбурлаш унинг иродасига таъсир этиш усули сифатида қўлланилади. Бу эса, миллий қонунчилигимизда вояга етмаганларни мажбурлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш механизмларини конкретлаштиришда илмий-назарий жиҳатларнинг долзарблигини янада оширади.

Нилуфар АШУРОВА,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети доценти, ю.ф.б.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Juvonen J., Graham, S. “Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims”. *Annual Review of Psychology*. 65:159–85. doi:10.1146. 2014.
2. UN. “International Day of Innocent Children Victims of Aggression 4 June”. *Annual Report of the United Nations Secretary-General on Children and Armed Conflict 2022, 2023* // <https://www.un.org>
3. Gilbert R., Widom C., Browne K., Fergusson D., Webb E. Burden and consequences of child maltreatment in high-income countries. *Lancet* 373: 68, 2009.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрь кундаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/7219502>
5. Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. – М.: Национальный книжный центр, ИФ “Сентябрь”, 2016.
6. Омонов Н.О. “Болаларнинг оилавий тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий муаммолари” // *Синьсатшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали*. Жилд: 02. Нашр: 10. 2023 йил. 76-84.
7. Антонян Ю.М. Насилие. Человек. Общество. – М.: 2001. С. 4.
8. Кладько В.В. Насильственные посягательства в отношении несовершеннолетних: уголовно-правовой и криминологический аспекты: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: Челябинский гос. ун-т. Екатеринбург, 2022. 24 с.
9. Баҳодир А. “2024-йилда болалар омбудсманига мурожаатлар сони 2,4 бараварга кўпайди”. 25.05.2025 йил // <https://www.gazeta.uz>

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИДА СЕНАТ ВАКОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз” дея таъкидлаган эдилар.

Шу нуқтаи назардан янгиланган Конституцияда Сенатнинг ваколатларини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Жумладан, Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги 14 тадан 18 тага ошди. Бунда Президентнинг ижро ва суд ҳокимияти тизимини шакллантириш соҳасидаги амалдаги айрим ваколатлари парламентга берилди.

Ушбу нормалар ҳокимият органлари масъулият чегарасини аниқ белгилашга, ўзаро ҳамкорлик механизмларини оптимallasштиришга, фаолияти самарадорлигини оширишга ҳамда парламентнинг бугунги даврга мос, том маънода халқчил органга айланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик миллий маърузани эшитиш, давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш, парламент текширувини амалга ошириш каби муҳим ваколатлар палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига киритилди.

Таъкидлаш лозимки, парламент текшируви – бу халқ текшируви, мазкур парламент назорати шаклини Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйиш унинг самарадорлигини янада оширади.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталари фаолиятидаги ўзаро такрорланишлар бартараф этилди.

Хусусан, Бош вазир ва Ҳукумат аъзолари ҳисоботларини эшитиш, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатаси раисининг ҳисоботини эшитиш каби муҳим ваколатлар бевосита Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари этиб белгиланди.

Сенат ваколатига эса, коррупцияга қарши курашиш ва монополияга қарши кураш органлари раҳбарларини сайлаш, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси лавозимларига номзодларни маъқуллаш, элчиларимизнинг ҳисоботларини эшитиш каби ваколатларнинг киритилиши Сенатнинг назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилуви органлар устидан назорат ваколатларини сезиларли даражада кучайтирди.

Махсус хизматлар устидан Сенат ваколатини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимига Президент томонидан тавсия этилган номзод бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва шундан сўнг номзодни Президент томонидан тайинлаш тартиби ўрнатилди.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилди.

Ушбу барча таклифлар Қонунчилик палатаси ва Сенат орасида масъул соҳаларни белгилаб олиш, икки палата ўртасида вазифа ва функцияларда такрорланишларга йўл қўймаслик заруриятидан келиб чиқди.

Бундан ташқари, Сенатга Президентнинг вазирликлар ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ваколати берилди. Амалдаги тахрирда мазкур ваколат Қонунчилик палатаси билан бирга амалга оширилар эди.

Сенатнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш каби муҳим ваколати ҳам Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу норма маҳаллий Кенгашларга ҳокимнинг раислик қилишига оид тартиб бекор қилинаётган янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитда улар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифодалайдиган орган сифатида маҳаллий Кенгашлар халқчил бўлиши учун масъулиятини оширади.

Сенатга қонунчиликка оид таклифларни қонунчилик ташаббуси тартибиде Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу ваколат Сенат томонидан қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти ҳамда фуқаролар билан мулоқот натижалари бўйича қонунларда

аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклифларни қўйи палатага киритиш имконини беради. Бу эса, шубҳасиз Сенатнинг халқни қийнаётган муаммолари масалаларнинг қонуний ечимини ҳал этиш бўйича фаолияти натижадорлигини оширади.

Мазкур йўналишдаги яна бир концептуал ўзгаришлардан бири бу – Сенат таркибини ихчамлаштириш орқали унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида сенаторлар сони амалдаги 100 тадан 65 тага ўзгарганлигидир. Бунда Сенатни шакллантиришнинг амалдаги тартиби, шу жумладан, жойлардан тенг вакиллик сақлаб қолинади. Ушбу норма Олий Мажлис Сенати фаолиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар моҳиятига монанд тарзда модернизациялаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис фаолияти тубдан трансформация қилинди.

Янги тахрирдаги Конституция бевосита халқ томонидан қабул қилиниб, тўғридан-тўғри амалга киритилган биринчи ҳужжат бўлди. Бунинг энг аҳамиятли томони, барчанинг овози бир хил мақомга ва кучга эга эканлигида. Яъни, ёшу-қарининг танлови ва фикри аҳамиятли ҳамда ҳал қилувчи бўлди.

Шу ўринда Сенат томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан айрим статистик рақамларни келтириб ўтсак. Хусусан, ислохотларнинг кенг қамрови ва шиддатига мос равишда Сенатнинг қонунчилик фаолияти янада жадаллашди. 2020–2024-йилларда Сенат ялпи мажлисларида 418 та қонун маъқулланди.

Қонунларни кўриб чиқишда танқидий-таҳлилий ёндашув ҳамда ҳудудлар манфаатлари устуворлигига асосий эътибор қаратилди.

2020–2024-йилларда 20 та қонун улардаги айрим нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга зидлиги, такомиллаштирилиши зарурлиги сабаб рад этилди.

Амалдаги қонунларни мониторинг қилиш ва натижаларини Ҳукумат ҳамда унинг таркибидаги тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга бевосита муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Ушбу амалиёт доирасида 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан Ҳукуматга аниқ вазифалар қўйилди. Натижада амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 12 та қонун қабул қилинди, улардан 6 таси янги. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна 8 та қарори қабул қилинган.

Сенат кўмиталари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда Давлат дастурларининг ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида 2020–2024-йилларда 300 дан зиёд назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Сенат Кенгаши мажлисларида долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 81 та масала кўриб чиқилди. Жумладан, 21 маротаба Ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Қонунлар, давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда тегишли давлат органлари ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан 35 та парламент сўрови юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, аввало, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат раванқини янада юксалтиришга, янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш орқали дунё ҳамжамиятидаги ўрнини барқарорлаштиришга хизмат қилиши билан аҳимиятлидир.

Ҳомид ҲОТАМОВ,

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси котибияти мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИ: НАТИЖА ВА САМАРАДОРЛИК

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар орасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Президентимизнинг 2024 йил 10 июндаги "Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам ўтган йиллар мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ислохотлар йўлида муҳим қадам бўлди.

Фармонга мувофиқ, тергов судьялари қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати)нинг амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тинтув ўтказиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, мол-мулкни хатлаш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатга қадар узайтириш ҳамда гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш ва юқоридаги процессуал чеклашларга рухсат бериш каби ваколатларга эга бўлди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг турли босқичларида судларнинг ихтисослашуви амалга оширилган ва бу ишларнинг сифатли кўрилишини таъминлашда ижобий самара берди. Шу маънода, тергов судьяси институти жорий қилиниши ҳам ўз вақтида ва муҳим янгилик бўлди дейиш мумкин.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судлар судьялари жиноят ишлари билан биргаликда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни, шунингдек, судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш ва мажбурлов чораларини қўллаш масаласидаги илтимосномаларни ҳам кўриб чиқади. Ҳар бир иш ортида инсон тақдири туради. Тан олиш керак, жиноят ишларининг ўзи судьянинг асосий вақтини, куч-ғайратини, диққат-эътиборини банд қилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар билан ҳам ишлаш керак. Шунча иш ҳажмига кўшимча равишда санкция бериш ёки мажбурлов чоралари бўйича илтимосномаларни ҳам кўриш керак. Жиноят ишлари бўйича судларда тергов судьяси лавозими жорий этилиши судьялар иш

юкламасини камайтириш ҳамда уларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнларида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши бугунги кунда давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги энг катта муаммо, яъни терговнинг сифати ошишига, далилларнинг тўлиқ ва объектив тўпланишига, терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга, умуман олганда терговни профессионал олиб боришга катта ёрдам беради. Чунки айнан дастлабки терговнинг сифатли ўтказилиши одил судловни амалга оширишда катта ва асосий роль ўйнайди. Жумладан, айрим давлатларда тергов судьяси томонларнинг илтимосига мувофиқ, дастлабки тергов жараёнидаги сўроқларда кузатувчи тариқасида иштирок этиши мумкин.

Аксарият давлатлар қонунчилигига кўра, тергов судьяси ўзи мустақил тарзда жиноят иши кўзғатмайди, аммо у судья ва терговчининг айрим ваколатларини ўзида жамлаган. Баъзи давлатларда тергов судьялари томонларнинг илтимосига мувофиқ тарафларни сўроқ қилиш, уларни юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, экспертизалар тайинлаш каби ваколатларга ҳам эга.

Энг асосийси, тергов судьялари жиноят содир этган шахсларни, айбдорларни ахтармайди, уларнинг жиноятини фош этмайди, улар фақат дастлабки терговда ёки суриштирувда қонунларнинг тўғри қўлланилиши ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилмаслигини назорат қилади ва уни таъминлайди.

Баъзи давлатларда тергов судьялари тез бузилдиган ашёвий далилларнинг тақдирини ҳам ҳал этади, кўрсатувларни илгаридан мустаҳкамлайди (депонироват қилади), тергов ёки суриштирув жараёнларида белгиланган тартибни бузган шахсларни қонунга мувофиқ маъмурий жазога тортади.

Хулоса қилиб айтганда, фармон судьялар корпусини шакллантиришнинг янги механизмларини жорий этиш, суд тизими тузилмасини ислоҳ қилиш, суриштирув ва тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоялаш ва аҳолининг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Данияр МАТНИЯЗОВ,

*жиноят ишлари бўйича Янгибозор тумани
тергов судьяси.*

АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада республикамызда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга бўладиган турли тажовузларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур ҳужжатлар асосида қонунчиликка киритилган ўзгартариш ва қўшимчалар ҳақида сўз юритилган. Зўравонлик ва турли тазйиқларга учраган аёлларни ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижобий натижаси ва келгусида уларнинг амалий аҳамиятига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: профилактика, тазйиқ ва зўравонлик, реабилитация, олдини олиш, ҳимоя ордери, хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари, жабрланган.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик муайян даражада тизимлаштирилди. Бу эса ўз-ўзидан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга ҳам хизмат қилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116-сон қарори² билан Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ташкил этилиб, унинг жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш; оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлашга кўмаклашиш; давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш; низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳулқ-атвори, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш каби вазифалари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4-сон қарори билан ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартиби белгиланган.

Ушбу қарор билан профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида: жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий

реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи жиноятларнинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифалари сифатида “хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши; хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши; хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши; хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши; хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш” каби вазифалари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўради”³.

Г.А.Равшанова бу борада “тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, оилаларда соғлом маънавий муҳит ҳукмрон бўлишига кўмаклашишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятларида амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлган 6 та йўналишни ажратиб кўрсатади: Биринчидан, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан профилактика ишини ташкил этишда мақбул усулларни қўллашга эришишлари лозим. Иккинчидан, ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, ҳулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузардан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллашда тегишли ташкилотлар билан самарали ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишлари лозим. Учунчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бар-тараф этишга доир чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур. Тўртинчидан, ҳар бир маҳалла мамлакатимизда тазйиқ ва зўравонликка қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини юқори савияда ташкил қилиб, ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашлари зарур. Бешинчидан,

тазийк ва зўравонликка қарши курашда хотин-қизларнинг етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишларига кўмаклашиши лозим. Олтинчидан, тарбиявий профилактик чора-тадбирларни самарали амалга оширишлари учун мазкур жараёнда мавжуд доимий комиссиялар: оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси; хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия, секторлар, давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан фаол ижтимоий ҳамкорлик ва таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашлари мақсадга мувофиқ⁴.

Умуман олганда, маҳаллаларда оилалар билан олиб бориладиган тушинтириш ва тарбиявий ишлар, ҳуқуқий маданият ва маънавий тарғибот тадбирларини мунтазам равишда тизимли ташкил қилиш ҳамда мазкур жараёнга ҳар бир хонадонни фаол жалб этиш оилаларда аёлларга қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали натижаларни беради.

Оилавий зўравонлик масаласига коронавирус пандемияси даврида эътибор янада кучайди. Дунё миқёсида кўпчилик олимлар COVID 19 хавфини нафақат соғлиқ, балки барча оила аъзолари уйда бўлган оилавий муҳитда зўравонлик хавфи ошиши нуктаи назаридан ҳам муҳокама қилдилар⁵. А.Тауб ва К.Каукиненлар ҳам "коронавирус пандемияси бутун дунёда жиноятчилик ва зўравонлик суръати ва оқибатларига мисли кўрилмаган даражада таъсир кўрсатади. Бу шу жумладан, оиладаги шериги томонидан зўравонликка дучор бўлган аёллар томонидан қарорлар қабул қилиш хавфи ва оқибатларини ҳам қамраб олади. Коронавирус тарқалишини чеклаш мақсадида жорий этилган ҳаракатланишни чеклаш билан боғлиқ таъсир чоралари оилавий зўравонлик суръатларини оширади, янада шафқатсиз ва хавфли қилади"⁶, деб ёзади.

Кўпчилик тадқиқотларда пандемия даврида эълон қилинган карантин оиладаги зўравонликлар сонининг ортишига сабаб бўлгани қайд этилади. Шу сабабли ҳам бутун дунё бўйича оилавий-маиший зўравонлик ҳолатлари пандемия даврида бир неча бараварга ошди. С.Ахмедов бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: "жабрланувчининг агрессор билан биргалликда 24 соат давомида бирга бўлиши; агрессор томонидан жабрланувчини доимий назорат остида бўлганлиги сабабли, тегишли ташкилот ва идораларга зўрлик ҳолати бўйича хабар бера олмаганлиги; жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларнинг кўпчилиги коронавирус туфайли жабрланувчиларни қабул қилмаганлиги"⁷.

Дунёнинг баъзи давлатларида карантин оқибатида оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги чоралар қўлланилган. Жумладан, Франция ҳукумати томонидан хотин-қизларга зўравонлик ҳолатларида аптекаларга мурожаат этишлари сўралган. Мамлакат бўйича озик-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконларда 20 та зўравонлик ҳолатларида ёрдам кўрсатувчи маслаҳат марказлари очилган. Жабрланувчилар меҳмонхоналарда яшаши учун меҳмонхона харажатлари қоплаб берилишини билдирган. Жабрланганлар томонидан смс хабар юборилиши учун мўлжалланган алоҳида СМС-хизмати ташкил этилган.

Италия ҳукумати томонидан жабрланганларга ёрдам берувчи "YouPol" мобиль дастури жорий этилди. Мазкур дастур жабрланганларга кўнғироқсиз ёрдам беришга мўлжалланган.

Канада парламенти мамлакатдаги барча шелтерлар учун 200 млн. АҚШ доллари ажратган. Пандемия даврида зўрликдан ва бошқа жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун Онтариода 2,7 млн. АҚШ доллари ажратган.

Буюк Британия Ҳукумати жабрланган ва эҳтиёжмандларга 1,6 млрд. фунт стерлинг ажратган. Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги Twitter ижтимоий тармоғида #YouAreNotAlone хештеги билан зўравонликдан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича компания эълон қилган.

Испанияда ҳукумат WhatsApp ижтимоий тармоғида жабрланганларни қўллаб-қувватлаш сервисини ишга туширган. Гендер тенглик ва зирининг маълум қилишича мазкур сервис ишга тушгандан сўнг мурожаатлар сони 270%га ошган.

Канар оролларида Mascariilla-19 компанияси ишга туширилган. Бунда, зўравонликдан жабрланганлар аптекага кириб "маска-19"ни сўрашади. "Маска-19" сўзини эшитган фармацевт зудлик билан полицияга хабар беради. Ушбу тажриба кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, худди шундай тажриба мамлакатимизда ҳам жорий қилинди. Ушбу "Умидани чақиринг" лойиҳаси 2016 йилда Буюк Британияда пайдо бўлган "Ask For Angela" (Анжелани чақиринг) ижтимоий ташаббусининг мослашувидир.

У жинсий зўравонликка қарши кураш хизмати ходими Хейли Чилд томонидан ўз уйида эри томонидан ўлдирилган 34 ёшли дўсти Анжела хотирасига бағишлаб яратилган ва ишга туширилган. Ўшанда маҳаллий барларнинг ҳолатхоналарига аёллар учун хабар ёзилган варақалар жойлаштирилганди: агар бирор киши сизни учрашув вақтида безовта қилса, барменга боринг ва "Анжелани чақиринг". Бу ибора — ёрдам сўраш усулидир. Уни эшитиб, бармен протоколга мувофиқ ҳаракат қилади: у аёлни хавфсиз хонага олиб бориши, фавқуллодда чиқиш жойига кузатиб бориши ёки зарур ҳолатда полицияни чақирishi мумкин⁸. Германияда шунга ўхшаш Ist Luisa hier? (Луиза шу ердами?) лойиҳаси 2016 йилда ишга туширилган. 2020 йилда Россияда — "Галани чақиринг", 2021 йилда Қирғизистонда — "Кантайни чақиринг!", деб номланган мослаштирилган ташаббус пайдо бўлди⁹.

Умуман олганда, аёлларга қарши жиноятлар криминоген омилларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг олдини олишнинг устувор йўналиши сифатида аёлларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояланганлик даражасини оширишга йўналтирилган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда жамиятнинг турли қатламлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун гендер муаммоларнинг тўғри тушунилиши муҳим аҳамиятга эга.

Зулхумор ИБРОҲИМОВА,

*Тошкент шаҳар суди судья катта ёрдамчиси,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Утепов Д.Ш., Асланов Б.Т. Профилактика инспекторларининг таъйик ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш фаолиятига доир фикр ва мулоҳазалар // Iqro jurnali. – 2023. – №3. – Б.66.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2021 йил 18 апрелдаги ПҚ–5116-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 07/21/5116/0471-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ–561-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.
4. Равшанова Г.А. Гендер стереотипларига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни (маҳалла институти мисолида) // Rapid development of multilateral international relations from a pedagogical point of view: international scientific and practical conference. (4 June, 2024). – Тошкент, 2024. – Б.388-389.
5. Suyunova D.J. Genesis of Criminal Liability Formation for Crimes Against Women in Uzbekistan // Journal of Siberian Federal University. – 2022. – №15(8). – П. 1120.
6. Taub A. (2020). New Covid 19 crisis: domestic abuse rises worldwide. In New York Times. available at: <https://www.nytimes.com/2020/04/06/world/coronavirus-domestic-violence.html>; Kaukinen, K. (2020). When stay-at-home orders leave victims unsafe at home: Exploring the risk and consequences of intimate partner violence during the COVID 19 pandemic. In American Journal of Criminal Justice, 45, 668–679.
7. Ахмедов С. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: магистрлик иши. – Тошкент: Бош прокуратура Академияси, 2022. – Б.84.
8. Интернет сайти: www.gazeta.uz/uz/2022/03/05/umidani-chaqirring/
9. Ахмедов С. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: магистрлик иши. – Тошкент: Бош прокуратура Академияси, 2022. – Б.86.

БОЛА БИЛАН КЎРИШИШГА ОИД ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада бола билан кўришиш тартибини белгилашга оид ишларни судда кўриш жараёнида боланинг манфаатларини таъминлаш масаласи ёритилган. Боланинг фикрини эшитиш, психологик экспертиза тайинлаш ва суд қарорларининг ижросини назорат қилиш механизмларидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бола манфаатлари, кўришиш тартиби, суд амалиёти, боланинг фикрини эшитиш, психологик экспертиза.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу – боладан алоҳида яшовчи ота ёки онанинг бола билан кўришиш ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ боланинг шахс сифатидаги ривожланиши, унинг маънавий, жисмоний ва ақлий камолоти учун зарурий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 2 ва 3-қисмларига мувофиқ, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим мажбуриятларидан бири ҳисобланади¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 66-моддасида боланинг отаси, онаси, бобоси, буvisи, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи тўғрисида аниқ норма белгиланган. Бу норма боланинг қариндошлар доираси билан муносабатларини таъминлаш орқали унинг тўлақонли ижтимоий ва ахлоқий ривожланишига кўмаклашишни мақсад қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасида қайд этилганидек, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу норма бола билан кўришиш ҳуқуқига оид низолар юзасидан судга мурожаат қилишда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади².

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 76-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида мазкур тоифадаги ишларни кўриш тартиби ва принциплари белгиланган.

Олий суд Пленумининг юқорида қайд этилган Қарорида ота-она бола билан кўришиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби юзасидан келиша олмаган ҳолатда, ҳар бир тараф судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Суд боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида низони васийлик ва ҳомийлик органи ҳулосаси асосида ва далиллар мажмуасини ҳар томонлама баҳолаб ҳал этади.

Суд амалиётида боланинг жисмоний ёки руҳий саломатлигига зиён етказиш хавфи мавжуд бўлган вазиятларда бола билан кўришиш ҳуқуқини чеклаш ёки ман этиш чораси қўрилади. Боланинг турли шаклларда зўравонликка, бегътиборликка ёки салбий таъсирга учраши эҳтимоли юзага келганда, суд бола билан кўришишни чеклаш ёки унинг шартларини ўзгартириш, зарурат туғилганда эса бутунлай ман этиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Суд ушбу чекловларни қўйишда ҳар бир ҳолатни индивидуал равишда, боланинг аниқ шароити ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб баҳолайди. Бунда боланинг ўз фикри ва унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади³. Шунингдек, суд қарор қабул қилишда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳулосаларини, психологик экспертиза натижаларини ҳам инобатга олиши лозим. Бунда чеклов ёки ман этиш чоралари доимий характерга эга бўлмаслиги, балки муайян давр ёки шартлар билан боғлиқ ҳолда белгиланиши мумкин.

Суд бола билан кўришиш ҳуқуқига оид ишларни кўриб чиқишда, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама ва ҳолисона аниқлаш, шунингдек, боланинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Аввало, суд тарафларнинг тушунтиришларини олади, уларнинг талаб ва эътирозларини эшитади, низо сабаблари, келиб чиқиш манбалари ва тарафларнинг ҳуқуқий позицияла-

рини баҳолайди. Тарафлар ўзларининг даъво ва эътирозларини далиллар билан асослаб бериш имкониятига эга бўлади. Ишни кўриб чиқиш жараёнида боланинг фикрини инобатга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 76-моддасига мувофиқ, боланинг фикри унинг ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиниши шарт. Боланинг фикрини тинглаш жараёнида унинг руҳий ҳолатига зарар етказмаслик ва эркин, босимсиз муҳитда ўз фикрини билдиришини таъминлаш лозим. Бу борада, айниқса, психолог мутахассис иштирокида бола билан индивидуал суҳбат ўтказиш амалиёти қўлланилади, бу эса боланинг аниқ хоҳиш-иродасини белгилашда муҳим восита ҳисобланади.

Суд, боланинг психологик ҳолатини ва унинг бола билан кўришиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнидаги эҳтимолий таъсирларини аниқлаш мақсадида, зарурат туғилганда психологик экспертиза тайинлайди. Экспертиза боланинг эмоционал барқарорлиги, ота-онадан қайси бири билан муносабати устун эканлиги, ота-онанинг тарбия усуллари ва уларнинг болага таъсири ҳақида ҳолис ҳулоса беришга қаратилган бўлади. Боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органи ишда иштирок этади.

Бундан ташқари, ишнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, суд гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Гувоҳларнинг кўрсатмалари боланинг кундалик ҳаёти, ота-онанинг болага нисбатан муносабати, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумотлар тақдим этиши мумкин. Суд мазкур маълумотларни ишнинг барча ҳолатларини ҳолисона баҳолашда инобатга олади.

Суд қарор қабул қилишда ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасида алоқа қилиш тартибини аниқ белгилайди. Шу билан бирга, бола билан бирга яшаётган ота ёки онага боланинг иккинчи ота-онаси билан кўришишига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклатилиши Олий суд Пленуми 23-сонли Қарорининг 9-хатбошисида назарда тутилган. Агар суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаса, боладан алоҳида яшаётган ота ёки она бола манфаатларини ва боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, болани ўз тарбиясига бериш ҳақидаги масалани суд тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Таҳлил қилинган қонунчилик асосларидан кўриниб турибдики, бола билан кўришиш ҳуқуқи нафақат ота-онанинг субъектив ҳуқуқи, балки аввало боланинг ўз шахсий ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Бу ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ва шартлари суд томонидан ҳар бир ҳолатда индивидуал равишда, боланинг ёши, ривожланиш даражаси, психологик ҳолати ва бола учун яратиладиган шарт-шароитларни комплекс баҳолаш орқали белгиланиши зарур.

Шахноза ЗАЙНИЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича

Учтепа туманлараро судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/25/1022/0083-сон; 12.03.2025 й., 03/25/1047/0233-сон. <https://lex.uz/docs/3517337>.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.09.1998 йилдаги 23-сонли “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” Пленум қарори // <https://lex.uz/docs/1447402>.

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг фаоллашуви ўзаро муносабатларда низолар келиб чиқишига олиб келмоқда. Корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган низолар эса ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради ва уларнинг иқтисодий судларда кўрилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг (ИПК) 30-моддасида корпоратив низоларга оид ишларнинг аниқ турлари белгилаб қўйилган. Булар жумласига юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги акциялар, улушлар, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар киради. Шунингдек, юридик шахс иштирокчиларининг юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволари, қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ низолар, қимматли қоғозларни номинал сакловчиларнинг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар, юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар ва юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар ҳам корпоратив низолар тоифасига киради.

Корпоратив низоларни иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқишда бошқа низолардан фарқ қилувчи бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Биринчидан, иқтисодий судга даъво билан нафақат юридик шахслар, балки фуқаролар ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Масалан, акциядорлик жамияти акциядори ўз ҳуқуқлари бузилганлигини тиклаш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Иккинчидан, корпоратив низолар суд буйруғи тартибида эмас, фақат даъво тартибида кўриб чиқилади. Бундай низолар мураккаб ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олганлиги сабабли, суд муҳокамасини талаб этади.

Учинчидан, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) иштирокчисини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган иштирокчилар мурожаат қилишлари мумкин. Бу қоида жамиятда жиддий таъсирга эга бўлган иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Тўртинчидан, корпоратив низоларнинг айрим турлари учун махсус даъво муддатлари белгиланган. Мисол учун, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қонунбузарликлар билан қабул қилинган қарори устидан шикоят қилиш учун икки ойлик муддат белгиланган.

Бешинчидан, корпоратив низолар бўйича ишлар фақат иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Бу ушбу тоифадаги низоларни кўришга ихтисослашган судларнинг мавжудлигини аңлатади.

Олтинчидан, корпоратив низолар билан боғлиқ ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилмайди. Бу ҳам низоларнинг мураккаблиги билан изоҳланади.

Корпоратив низоларни иқтисодий судларда кўришда муайян ҳужжатларнинг тақдим этилиши муҳим аҳамиятга эга. Олий ҳўжалик суди Пленуми "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 4-бандида судлар эътиборга олишлари лозимки, шахс ҳўжалик ширкатининг иштирокчиси (акциядори) эканлигини аниқлаш учун:

- тўлиқ ва командит ширкатларда таъсис шартномасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

- масъулияти чекланган жамиятидан таъсис шартномаси (агар муассислар сони икки ва ундан ортиқ бўлса) ва жамият уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

- акциядорлик жамиятларидан акциядорлар реестридан кўчирма талаб қилиб олиниши лозимлигига эътибор беришимиз кераклиги тушунтирилган.

Шунингдек, юридик шахсни ташкил этиш билан боғлиқ низоларнинг корпоратив низо деб ҳисобланиши учун ташкил этилаётган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган бўлиши лозим. Агар корпорация давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, уни таъсис этаётган шахслар ўртасидаги низо корпоратив низо ҳисобланмайди ва иқтисодий судга тааллуқли бўлмайди.

Корпоратив низолар бўйича даъво аризаларини қабул қилиш, қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш масалалари ИПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ ҳал этилади. Даъво аризасига давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, даъво аризасининг нусхаси жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар, даъвогарнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва агар даъво вакил томонидан имзоланган бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилиниши лозим.

Олий суд Пленуми "Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида" 2020 йилнинг 19 декабрдаги 36-сонли қарорининг 6-бандига кўра, бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган даъво аризадан давлат божи ҳар бир талаб юзасидан, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича алоҳида ундирилиши юзасидан тушунтириш берилган.

Шу сабабли, корпоратив низоларни кўришда давлат божини ундириш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар даъво аризасида бир нечта мустақил талаблар мавжуд бўлса, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади. Масалан, агар даъво аризасида учта иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби қўйилган бўлса ва бу талабларнинг асослари ҳар хил бўлса, давлат божи ҳар бир иштирокчи бўйича алоҳида ундирилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий судларда корпоратив низоларни кўриш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу низоларнинг мураккаблиги, субъектлар таркибининг ўзига хослиги ва қонунчиликдаги алоҳида қоидалар билан белгиланади. Судлар томонидан ушбу хусусиятларга эътибор қаратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини адолатли ҳимоя қилиш имконини беради.

Илёс ТЕШАЕВ,

Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эътироф этиш жоизки, қонунийлик – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг универсал умумҳуқуқий принцип-ларидан биридир ва демократик сиёсий-ҳуқуқий режимнинг зарур элементидир. Ҳуқуқшунос Д.Машарипов таъкидлаганидек: “Қонунийлик принципи ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси, давлат органлари фаолиятини ташкил этишининг асосий негизидир”¹. А.И.Тошпулатовнинг фикрига кўра: “Қонунийлик принципи аввало, давлатнинг ҳуқуқий давлат эканлигини кўрсатадиган белгилардан бири ҳисобланади”².

Мазкур принципни конституциявий белгиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида ўз аксини топган.

Шу ўринда, давлат, унинг барча органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳуқуқий нормалар билан ўзаро боғланган ҳамда уларни амалга ошириш мақсади сари ҳаракатда бўладилар. В.М.Кудрявцевнинг сўзларига кўра: “Қонунийликни ҳуқуқнинг марказий тамойили ва кўпгина бошқа принциплар ва ҳолатларнинг мазмунини ҳал қилувчи омил сифатида кўриш мумкин. Янада кенгроқ маънода қайд этиш мумкинки, қонунийлик – замонавий демократик давлатни барпо этишининг умумий принципи бўлиб у шахс ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, мамлакатда ҳуқуқ тартиботни сақлаб туришининг асосидир”³.

Қонунийликнинг муҳимлик даражаси айниқса конституциявий тузум тизимидаги оммавий ҳокимиятнинг асоси сифатида давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро этувчи органларининг ташкил этилиши ва фаолиятида намоён бўлади. Шунга кўра қонунийлик принципи тушунчасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, қонунийлик тушунчасининг тузилмаси элементлар тизими сифатида қайд этилмоқда ва улар бир-бири билан ҳам назарий жиҳатидан, ҳам уларни амалга ошириш жараёни жиҳатидан ўзаро боғлиқ деб эътироф этилмоқда. Мазкур ҳолатда элементлар таркибига ҳам моддий, (Конституция ва қонунчиликни, норматив актлар иерархиясини), ҳам процессуал талабларни киритишмоқда.

Бу ерда, процессуал талаблар қаторига ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳаракатларида Конституциянинг амалга оширилиши, конституция ва қонунларнинг амал қилиши (шу жумладан процессуал) кафолатлари; давлат томонидан ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини таъминлаш функциясини амалга оширадиган, яъни ҳуқуқ тартиботни шакллантириш ишларини олиб боровчи ихтисослаштирилган тузилмаларнинг ташкил этилиши киритилмоқда⁴.

Бошқача қилиб айтганда, қонунийлик принципи бир вақтда ҳам моддий ҳам процессуал хусусиятга эга бўлган талабларни ўз ичига олади ва унинг мазмуни эса конституциявий процессуал институтларни шаклланишига ўз таъсирини ўтказиши керак бўлади.

Шу нуқтаи назардан вакиллик ҳокимияти органлари, жумладан маҳаллий Кенгашлар томонидан халқ ҳокимиятчилигини конституциявий тузумнинг асоси сифатида амалга оширишларидаги қонунийлик принципининг процессуал жиҳати ўзига хосликларга эга.

Қонунийлик жамиятнинг, маҳаллий Кенгашларнинг умуман қонунга бўлган муносабатини ифодалайди. Шунинг учун унинг мазмуни уч жиҳатдан кўриб чиқиладди: а) жамият ва давлат ҳаётининг “ҳуқуқий” табиати нуқтаи назаридан; б) ҳуқуққа (қонунга) умум эътироф этиш ва уни барча субъектлар томонидан мажбурий ижро этиш талаби нуқтаи назаридан; в) фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ва умуман ҳуқуқ тартиботни зўравонликдан ҳимоя қилишни сўзсиз таъминлаш талаблари⁵.

Мазкур масала юзасидан О.С.Захарованинг фикрига кўра, ҳуқуқ соҳасидаги қонунийлик принципи – бу асос солувчи ҳуқуқий ғоядир, у амалдаги қонунчилик нормаларида ўз ифодасини топган ва мажбурий мустаҳкамланган ҳолда ижтимоий муносабатлар субъектларининг қонунчиликка қатъий (оғишмай) риоя этилишини таъминлайди⁶.

Ф.Х.Отахонов таъкидлайдики: “Қонунийликнинг моҳияти амалдаги қонунларга ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан қатъий ва сўзсиз риоя қилиниши ва уларни ижро этилишида намоён бўлади”⁷.

Қонунийлик принципига риоя этилиши қуйидагиларни талаб қилади: а) давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органларининг барча тизими фақатгина қонунийлик асосида ташкил этилиши; б) ҳокимият ваколатларини амалга оширилиши қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар талабларига мос келиши; в) ҳокимият ваколатларини амалга оширилиши устидан самарли давлат назоратининг йўлга қўйилиши; қонунга бўйсунувчи ҳуқуқий онги ривожланган фуқароларни шакллантиришнинг таъминланиши.

Шу тариқа, қонунийлик принципи давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига нисбатан мустақил талабларни илгари суради. Айнан улар давлат аппарати тизимостини ташкил этади, қонунлари ва қонуности ҳужжатларини қабул қилади ва бу билан мазкур актлар қонунийлик мезонларига айланади, табиий ҳуқуқ нормаларини ижобий қонунчиликка “айлантиради”. Давлатнинг қонунчиликни ўрнатишдаги алоҳида муҳим ролини инобатга олган ҳолда Р.Р. Ҳакимовнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: “Қучсиз давлат ҳокимияти ўз сифатини йўқотади, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга ожизлик қилади”⁸.

Бу ерда шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, сифатли қонунни шакллантириш механизмнинг самарадорлиги унга қатъий риоя қилишга боғлиқ. Шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) органларига, шу жумладан, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига ўз ваколатлари доирасида ўзларига юкланган вазифаларни ҳал қилишнинг энг оқилона йўллари ва аниқ чораларини мустақил равишда топиш имконияти ва ҳуқуқи берилади ва бу фаолият қонун доирасида амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органлари фаолиятида қонунийлик принципи нафақат қонун ижодкорлиги, балки ушбу органларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида, шу жумладан қонун ижодкорлиги ҳатоларининг олдини олиш жараёнида нафақат моддий балки процессуал талабларнинг бирлигини тавсифлайди.

Қонунийлик принципи ҳуқуқий воситаларнинг бир тури бўлган процессуал кафолатларни ҳам талаб қилади.

Конституциявий тузумнинг асоси сифатида демократиянинг қонунийлигини таъминлайдиган ҳуқуқий воситалари – бу давлат ва жамият манфаатлари қондириладиган, ижтимоий фойдали мақсадга, қонунийликка эришиш йўлида таъминланадиган ҳуқуқий муносабат ва ҳаракатлардир.

Қонунийликни таъминлашнинг икки хил ҳуқуқий воситаси мавжуд: 1) ҳуқуқий воситалар-қоидалар - бу тўғридан-тўғри демократиянинг турли шакллари ташкил этиш ва ишлашни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидаларни, шунингдек Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органларини ифодаловчи

қоидалар; 2) ҳуқуқий воситалар-ҳаракатлар - ваколатли шахсларнинг ваколатларни амалга оширишда давлат органлари томонидан қонунларнинг мувофиқлиги, ижро этилиши ва қўлланилишига эришишга қаратилган динамик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш (нормаларни амалга ошириш) бўйича фаолияти⁹.

Воситалар-қоидалар ва воситалар-ҳаракатлар ҳам моддий, ҳам процессуал институтларни ўз ичига олади; процессуал институтлар процессуал иш юритишлар, режимлар, босқичлар ва процессуал қоидаларни шакллантиради.

Ҳуқуқий воситалар-қоидалар (инструментлар) - бу статистик ва ахборот характериға эга бўлган, демократия, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг бевосита ва вакиллик шаклларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар (ҳуқуқлар, мажбуриятлар, тақиқлар, имтиёзлар ва бошқалар).

Воситалар-ҳаракатлар қонунийликни таъминлашга қаратилган процедуралар каби конституциявий жараён шакли орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий воситалар-ҳаракатлар (технологиялар) — бу ваколатли шахсларнинг ваколатларни амалга оширишда ваколатли шахслар ва (ёки) давлат органлари томонидан қонунларнинг мувофиқлиги, ижро этилиши ва қўлланилишига эришишга қаратилган динамик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш (нормаларни амалга ошириш) бўйича фаолияти. Ҳаракат воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро этувчи органлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар (Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, прокуратура, адлия вазирлиги ва бошқалар) амалга оширади.

Қонунийликни процессуал воситалар билан таъминлаш тегишли давлат органлари фаолиятида оммавий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансabdор шахсларининг самарали фаолияти учун талаблар, қоидалар ва шарт-шароитларни яратишга қаратилган процедуралар, иш юритиш ва қоидалар шакллантириш; ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида ва тезкор аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш; уларга сабаб бўлган омиллар ва шартларни аниқлаш, шунингдек, қонун устуворлиги бузилишининг ҳолатлари ва шартларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятидаги қонунийлик принципи уларнинг ўз вазифаларини бажаришлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган доирада амалга оширилиши зарурлигида намоён бўлади. Қонунийлик, агар уни амал қилиши учун тегишли шароит ва воситалар мавжуд бўлса, у ўз мақсадини тўлақонли амалга ошириши мумкин. Бундай воситалар сифатида давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти тартибини белгилайдиган процессуал нормалар хизмат қилади¹⁰.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятидаги тартиб - бу юридик ифодаланган тартиб бўлиб, унинг асосида маҳаллий Кенгаш ўз ваколатлари доирасидаги ҳуқуқларни амалга оширади. Маҳаллий Кенгашнинг процессуал фаолиятининг асосий вазифаси қонун устуворлигига риоя қилишни кўзлаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш асосида мақбул шарт-шароитларни яратишдир. Маҳаллий Кенгашнинг процессуал фаолияти маҳаллий вакиллик органининг ўз вазифаларини самарали ва сифатли тарзда бажаришини таъминлаши керак. Маҳаллий Кенгашнинг ҳар бир ваколати у ёки бу процессуал институтга мос келиши керак. Фаолиятининг умумий тартиб-қоидалари эса қуйидагилардан иборат: маҳаллий Кенгашларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш тартиби; депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш қоидалари.

Маҳаллий Кенгаш фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг махсус тартиб-қоидалари норма ижодкорлигидаги ҳаттоликларни аниқлашдан иборатдир. Бунинг долзарблиги, 3.Исломов таъкидлашича: "Қонунийлик қонун ижодкорлиги жараёнида давлат қонунларида ҳамда қонуности ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқнинг реал ифода этишининг ғояси, талаби ва тизимини (режимини) англатади"¹¹.

Қонун ижодкорлиги хатоси - бу ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ва уни амалга ошириш тартибини бузган ҳолда Конституция, қонунлар ва бошқа кўпроқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлган норматив ҳужжатни қабул қилишда ифодаланган қонун ижодкорлиги жараёни субъектлари фаолиятининг салбий натижасидир.

Норма ижодкорлигидаги ҳаттоларнинг олдини олиш учун экспертиза ўтказётган давлат хизматчиларининг малакаси даражасига алоҳида талаблар қўйиш орқали норматив ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий ва лингвистик экспертизаси сифатини ошириш тавсия этилади.

Юқорида ўтказилган таҳлиллардан келиб чиқиб эътироф этиш мумкинки, қонунийлик принципи ҳуқуқни қўллаш фаолияти жараёнида давлат органлари ва мансabdор шахсларнинг қонунга қатъий ва сўзсиз риоя қилишини англатади. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунга риоя қилиш талаби қўлланилаётган қонуннинг мазмуни ва руҳи билан рағбатланишни назарда тутди; ҳуқуқни қўлловчи органларни ва мансabdор шахсларни ўз ваколатлари доирасида ҳаракатда бўлишлари; белгиланган тартибга қатъий ва сўзсиз риоя қилиш; ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижасида белгиланган шаклдаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш (фармон, буйруқ, қарор ва бошқалар).

Шундай қилиб, қонунийлик принципи умуман ҳуқуқнинг етакчи принципларидан бири бўлиб, турли хил юридик ишларни, хусусан, одил судлов, фуқаролик, жиноий ва бошқа жараёнларни қўриб чиқишда асосий принцип сифатида намоён бўлади¹². Бу шуни англатадики, қонунийлик принципи ҳуқуқий воқеликнинг барча етакчи соҳаларига ва фуқаролик жамияти ҳаётига таъсир қилади. Ушбу принципнинг мазмуни тегишли ҳуқуқ субъектларига қўйилладиган ҳуқуқий талаблардан иборат.

Бозатау БЕКПОЛАТОВ,

Қорақалповистон Республикаси суди судья катта ёрдамчиси, мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Машарипов Д. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатчилик – Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари // <https://jizzax.adliya.uz/horazm/uz/publikatsii/detail.php?ID=30613>
2. Тошпулатов А.И. Қонунийлик жиноят қонунининг конституциявий принципи сифатида. Ўзбекистонда замонавий конституционализмни шакллантириш: ютуклар, муаммолар ва истикбол // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – ТДҚУ, 2022. – Б. 146-151.
3. Кудрявцев В.Н. Законность: содержание и современное состояние // Журнал российского права. – 1998. – № 1-С. 7.
4. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун, 2018 йил 8 январь // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.
5. Малеин Н.С. Законность на современном этапе // Государство и право, 2017, № 6. – Б. 3-4.
6. Захаров О.С. Законность в юрисдикционной правовой сфере // Правовая наука и реформа юридического образования. – Воронеж: ВГУ. 2007. – С. 70-79.
7. Отахонов Ф.Х. Юридический хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2019. – Б.115.
8. Ҳақимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, 2012. – Б.18.
9. Савченко С.А. Принцип законности как основа конституционного процесса осуществления государственной власти // Вестник Тюменского государственного университета, 2011, № 3. – Б. 87-91.
10. Андреева Л.А. Законодательный процесс в представительных органах местного самоуправления // Вопросы современной юриспруденции, 2014. – Б. 21.
11. Исломов З.М. Общество. Государство. Право. Книга вторая. Теория права. – Т.: "Адолат", 1998. – С.238-242.
12. Нерсисянц В. С. Проблемы общей теории права и государства. М., 1999. – Б. 465.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш, муаллиф ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини конституциявий даражада эътироф этмасдан туриб самарали иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаб бўлмайди.

Маълумки, интеллектуал мулк жамият тараққиёти ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари ва ҳуқуқий механизмлари илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда.

Инсон томонидан яратиладиган ижодий – ақлий фаолият маҳсули ҳисобланган интеллектуал мулк аслида иқтисодиёт ривожланишининг таркибий қисмларидан биридир. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилгани сабабли уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшиланган, интеллектуал мулкнинг ички ялпи маҳсулотдаги улуши кескин ортган.

Замонавий дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулк соҳасини янада такомиллаштириш, шу жумладан, тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджини янада яхшилашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда ҳар бир шахс, хоҳ у фуқаро, юридик шахс ёки чет эл резиденти бўлсин, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган бўлиб, мазкур ҳуқуқларни бузганлик учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий ҳуқуқий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Шу ўринда, қонунчиликка мувофиқ ҳар бир манфаатдор шахснинг интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари бўйича фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь куни “Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Пленум қарори интеллектуал мулкка оид ишларни кўришда судлар томонидан қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида муҳим бўлган тушунтиришлар берилган.

Интеллектуал мулкка оид низолар турли хил ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, ушбу ҳуқуқий табиат низоларнинг судларга тааллуқлилиқ масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган меросга доир ишлар ҳамда хизмат вазифалари ёки хизмат топшириғи тартибда яратилган айрим интеллектуал мулк объектлари (асар, ихтиро, фойдали модель ва саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхема топологиялари ва ҳок.) билан боғлиқ низолар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқлидир.

Айрим интеллектуал мулк объектлари (ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи, фирма номи)га нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузган юридик шахсларга нисбатан жарима ундириш тўғрисидаги ваколатли давлат органининг даъво аризаси иқтисодий судларга тааллуқли.

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси деғанда қонунчиликка мувофиқ мазкур объектларнинг тан олиниши ва давлат томонидан муаллиф ва (ёки) ҳуқуқ эгаларига мутлақ ҳуқуқларнинг берилиши ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун тегишли имкониятлар тақдим этилишидир.

Қонунчиликка кўра, индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан ҳуқуқлар интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқлардан фарқ қилиб, ушбу восита эгаларига фақат мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Мулкий ҳуқуқ тўлиқ ҳажмда бошқа шахсларга ўтганда, ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқни ўзидан бегоналаштиради ва объектга бўлган мулкий ҳуқуқ учинчи шахсларда вужудга келади, қисман ўтказилганда эса ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни муайян қисмини ўзида сақлаб қолади.

Қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган айрим интеллектуал мулк объектларига боғлиқ бўлган шартномалар (лицензия шартномаси, ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш) ваколатли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозимлигига қаратилган. Бундай тартиб мавжуд бўлмаганда, интеллектуал мулкка оид шартнома (муаллифлик шартномаси, фирма номидан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси) ни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгаларидан бошқа шахсларга ўтиши бўйича истиснолар мавжудлигини инобатга олиши лозим (масалан, товар келиб чиққан жой номидан, географик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тузишга ёки лицензия асосида фойдаланиш учун рухсат беришга йўл қўйилмайди).

Товар белгиси эгасининг товар белгисига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид талаби ушбу товар белгисига берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилмасдан ёки амал қилиш муддати тугамасдан (тугатилмасдан) иккинчи тарафнинг унинг рўйхатдан ўтказилишининг ноқонунийлигига оид далиллари мазкур талабни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Товар белгисига доир гувоҳномани муддатидан олдин тугатиш ҳақидаги ишларни кўришда даъво талаблари доирасидан келиб чиқиб, синф(лар) ва (ёки) рукн(лар)даги ҳар бир товар ёки хизматдан фойдаланганлик фактини текширган ҳолда низо ҳал қилинади.

Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади. Бунда мутлақ ҳуқуқ товар белгиси товар белгиларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказилишнинг амал қилиш даврида амалга оширилади ҳамда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўша куннинг ўзида расмий веб-сайтга жойлаштирилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмайди.

Сўнгги йилларда судларга интеллектуал мулк ҳимояси билан боғлиқ мурожаатларнинг кун сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Биргина Тошкент вилоят суди мисолида олиб қарайдиган бўлсак, якунига етган йилда интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ даъво талаблари аксарият ҳолларда асосли бўлиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи суд орқали тикланмоқда.

Даъвогар "Red Flower" (Австрия) компанияси (тарафларнинг номлари ўзгартирилган) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "New life" МЧЖга "Cool" товар белгиси остидаги салқин ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаролик муомаласига киритишни тақиқлашни сўраган.

"Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 3-моддаси биринчи қисмига кўра, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 13-бандининг 1-хатбошисига кўра, илгари Ўзбекистон Республикасида

бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Шунингдек, Қонуннинг 26-моддаси биринчи қисмига кўра, товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга.

Судга тақдим қилинган ҳужжатларда кўринишича, "Cool" товар белгиси остидаги салқин ичимликлар даъвогарнинг номига рўйхатдан ўтказилган. Хусусан, даъво талабларида кўрсатилган даъвогарнинг товар белгилари туширилган маҳсулотлар жавобгар томонидан 2023 йил 25 ноябрь куни расмийлаштирилган божхона юк декларациясига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган. Аммо мазкур товарларни даъвогар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаролик муомаласига киритиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги "Интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 19-сонли қарорнинг 41-банди учинчи хатбошига кўра, судларга товар белгисини фуқаролик муомаласидаги товарларнинг этикеткаларида, ўровларида, товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда ҳамда домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкинлиги тушунтирилсин. Ваҳоланки, Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмига кўра, товар белгисининг: рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида, ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим этилаётган, сотилаётган ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ва (ёки) ташилаётган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг этикеткаларида, ўровларида; товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда; домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Суд, даъвогарга тегишли бўлган товар белгиси остидаги салқин ичимликларга жавобгарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаролик муомаласига киритиш ҳуқуқи ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилмаганлиги боис, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши ҳуқуқ эгаларининг қонуний ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди ҳамда судларда низоларнинг қонуний ва адолатли ҳал этилиши мазкур соҳада ривожланиш ва юксалишнинг таъминланиши, жамиятда интеллектуал мулк объектларини яратиш ва фойдаланиш бўйича ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватланишида устувор аҳамият касб этади.

Махсуда ДУСМАТОВА, Низом ЮСУПОВ,

Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьялари.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҚОНУН ВА СУД ҲИМОЯСИДА

Ҳап тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонуний ҳимояси ҳақида борар экан, шу ўринда Президентимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини қонун билан қўриқлайдиган, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган бир қатор Фармон ва Қарорлари муҳим аҳамият касб этади, десак муболага бўлмайди.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашишларга кескин барҳам берилди.

Амалиётда солиқ идоралари томонидан ўтказиладиган режали ва режадан ташқари ҳамда муқобил текширувларга барҳам берилди.

Жумладан, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилдилар.

Ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилдилар.

Уларнинг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо шартномалари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинди.

Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти жорий этилди ва бугунги кунга қадар ўз фаолиятини изчил давом эттириб келмоқда.

Президентимизнинг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли фармонида мувофиқ кiritилган муҳим ўзгаришлардан бири, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд органлари томонидан қўлланилиши бўлди.

Бу дегани, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини маъмурий тартибда, рўйхатга олувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан тўхтатиш ва тугатиш тартибига барҳам берилди.

Бугунги кунда вилоятнинг ўзида кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг деярли барчаси солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қогоз тўлдириш йўли билан эмас, балки электрон шаклда амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, муҳтарам Президентимизнинг бевосита бошчилигида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда бериб борилаётган ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришлар, ҳуқуқ-тарғибот ишларининг жадаллашуви натижасида тадбиркорлар ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбланаётган ва молиявий санкция қўллаш сўра-лаётган тадбиркорлик субъектининг айбини қонуний усуллар билан тўпланган далиллар ёрдамида исботлаб бериш мажбурияти илгари назорат қилувчи идоралар

*Ҳар замоннинг
муаммоси бўла-
ди. Бу замоннинг
муаммоси ахлоқ
муҳофазасидир.*

**Аллома
Абдуллоҳ
бин БАЙЯ**

ва уларнинг мансабдор шахсларига юклатилган бўлса, эндиликда бу ваколат судларга берилди, яъни молиявий санкция қўлланилаётган тадбиркорлик субъекти бевосита очик суд мажлисида, тарафлар иштирокида, одиллик, тенглик ва тортишувчилик тамойиллари асосида қонун доирасида ҳимоя қилинган ҳолда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 24-бандида Экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар бўйича "экспорт", "реэкспорт" ёки кейинги қайта ишлаш учун "эркин омбор" божхона режимига расмийлаштирилган санадан, хизматлар (ишлар) бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда товарларнинг шартнома ижросида акс этиши божхона юк декларациясининг битим хусусияти бандига мувофиқ амалга оширилади.

Энди эътиборингизни амалиётда қўрилган мисолга қаратсак.

Аризачи Хоразм вилоят солиқ бошқармаси Урганч туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар - "ZAKIROV" хусусий корхонасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 27-бандига асосан 535 071 698 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд, ишда иштирок этувчи аризачи вакилларининг тушунтиришларини тинглаб ҳамда ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топган.

Иш ҳужжатларидан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, жавобгар "ZAKIROV" хусусий корхонаси томонидан суд мажлиси кунига қадар ИДН рақами 200833707304559320220200001 бўлган ташқи савдо контракти бўйича муддати ўтган дебиторлик қарздорликлар бартараф этилган.

Низомнинг 28-банди ўнинчи қисмида аризада кўрсатилган ташқи савдо шартномалари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимига расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда, жарима қўллаш масаласи судда кўриб чиқиладиган пайтда — аризани қаноатлантириш қисқартирилиши таъминланган қарздорлик миқдорида мутаносиб равишда рад этилиши белгиланган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтирадиган ҳолатларни исботлаши керак. Юридик шахслар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш (бундан буён матнда ҳуқуқий таъсир чоралари деб юритилади) тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилади.

Шунга асосан, суд аризани қаноатлантиришни рад этишни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи тўловидан тарафлар озод қилинганлигини инобатга олишни, почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни лозим топган.

Суд амалиётида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Урганч туманлараро иқтисодий судига қўрилган молиявий жарималарни қўллаш тоифасидаги ишларни ўтган 2024 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, 2024 йил мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг 283-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари бўйича тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида солиқ органларидан жами 248 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 193 таси қаноатлантирилган, 55 таси рад этилган.

2025 йилнинг 1-чораги мобайнида мазкур тоифадаги молиявий жарима қўллаш юзасидан деярли аризалар келиб тушмаган.

Бундан ташқари, мазкур тоифадаги ишлар асосан тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда очик сайёр суд мажлисларида очиклик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Ишларнинг сайёр суд мажлисларида кўрилиши кенг аҳоли ўртасида, меҳнат жамоаларида, асосан тадбиркорлик субъектлари ўртасида қонунчиликдаги сўнгги янгиликларни кенг тарғиб қилиш имконини яратади.

Бундан ташқари, аҳоли ва ёшлар ҳуқуқий онгининг ўсишига, ҳалқимиз орасида ҳуқуқий маданиятнинг янада юксалишига туртки бўлмоқда.

Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 1-чорагида қўрилган ишларни ўтган йилнинг шу мос даврига нисбатан таққослайдиган бўлсак, ўтган йилнинг шу даврида 13 800 та даъво ариза ва аризалар келиб тушган. Шундан 13 199 та иш кўриб чиқилган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, аввало Олий суд раҳбарлигида олиб бориладиган тинимсиз меҳнат ва тавсиялар ҳамда вилоят суди томонидан белгиланган медиа режалар асосида ҳуқуқ-тарғиботнинг кучайганлиги, ҳалқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ўсиши судларга бўлган ишончининг ошаётганлигидан далолат беради.

Зеро, тадбиркор юрт таянчи, тадбиркорлик эса жамиятимиз равнақи, тараққиётимиз ва турмушимиз фаровонлигининг муҳим омилдир.

Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА,
Урганч туманлараро иқтисодий
судининг судьяси.

КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ: ГЛОБАЛ ТАЖРИБА ВА МАҲАЛЛИЙ МУАММОЛАР

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлатлар учун энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ, ҳар бир мамлакатда бу курашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу мавзу глобал миқёсда ҳам, маҳаллий даражада ҳам чуқур таҳлилни талаб этади.

Аввало, коррупцияга қарши кураш борасида ривожланган хориж мамлакатларининг тажрибасини қўриб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Хусусан, Сингапур давлати коррупция билан курашда ўзининг улкан муваффақиятлари билан танилган. 1960-йилларда мамлакат иқтисодий ва ижтимоий инқирозга юз тутган эди. Аммо, кенг қўламли ислохотлар ва коррупцияга қарши қатъий чора-тадбирлар орқали Сингапур нафақат коррупцияни енгди, балки дунё миқёсида иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига эришди. Ушбу муваффақиятнинг калитлари орасида, давлат хизматида қабул қилишда юқори малака талаблари, шаффофлик ва давлат мулозими фаолиятининг кучли назорати бўлди.

Ушбу соҳадаги ўзининг ижобий ютуқлари билан мақтана оладиган яна бир мамлакат Швеция ҳисобланади. Бу мамлакатда коррупцияга қарши қонунлар ва стандартлар жуда қатъий белгиланган, шу билан бирга жамиятда ижтимоий онг ва таълим даражаси юқори бўлиши коррупция ҳолатларининг камайишига сабаб бўлди. Швеция модели, айниқса, коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш ва жамиятда этик қоидаларга риоя қилишнинг аҳамиятини кўрсатади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳам йилдан йилга коррупцияга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами ошириб бормоқда. Бироқ, тан олиш керакки, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларда коррупция ҳамда унга қарши курашиш, ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, коррупция одатда давлат бошқаруви тизимида илдиш отган бўлиб, кўплаб ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлат идораларининг самарасизлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонда, айниқса, сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш учун қатор қонунлар ва ислохотлар амалга оширилди. Мисол учун, Давлат хизматида киришнинг очиқлиги ва юридик назоратнинг кучайтирилиши каби ташаббуслар илгари суриб борилмоқда.

Ҳозирги даврда коррупция кўпгина давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб бера олди. Унга қарши курашиш мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Шулардан келиб чиқиб, 2017 йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Статистик маълумотларга кўз ташлайдиган бўлсак, Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалди.

Бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитларни инсон омилсиз 5 дақиқа ичида онлайн бераёпти. Натижада олдин бу иш билан шуғулланган минглаб банкирлар энди маҳаллага тушиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, миқозини кўпайтириш билан ишлаётти.

Мақтабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайди.

Олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилди. Аввал тест топшириб, тўплаган баллига қараб, кейин олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилсиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баравар камайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори “боди-камера”да хизмат ўтаётгани, авторақамлар аукционда сотилаётгани, қоғоздаги баённома йўқ бўлгани учун коррупция омиллари кескин камайди.

Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 карра ошиб, 23 мингга яқинлашди.

Электрон давлат хизматлари сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса, 11 миллиондан ошди.

Энг муҳими, булар орқали аҳоли, тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислохотларга ишончи мустаҳкамланди. Сўнгги етти йилда 120 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киргани, иқтисодиётимиз 2 карра ўсиб, ўтган йили 115 миллиард долларга етгани бунинг исботидир.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳаракатларни янги bosқичга олиб чиқиш мақсадида 2025 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди ва унда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, маҳаллий муаммоларга қарши курашишда жамиятда коррупцияга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш жуда муҳим. Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий ислохотлар ва таълим тизимидаги ўзгаришлар, шунингдек, шаффофлик ва коррупцияга қарши таълимни кенгайтириш, узок муддатда самарали бўлиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш учун жамиятдаги барча қатламларни бирлаштирадиган ислохотлар зарур, чунки давлатнинг мустаҳкамлиги, жамиятнинг ички барқарорлиги ва адолатнинг таъминланиши коррупция билан курашишнинг асоси ҳисобланади.

Глобал ва маҳаллий тажрибалар шуни кўрсатадики, самарали кураш учун нафақат қонунлар, балки инсонларнинг онгини ўзгартириш, таълим тизимини мустаҳкамлаш ва ижтимоий маданиятни ривожлантириш муҳимдир. Коррупция билан курашда жаҳоннинг турли мамлакатларида эришилган ютуқлар, шу билан бирга, ҳали ҳал қилинмаган муаммолар ҳам талайгина.

Ўзбекистон ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун энг муҳим вазифа — бу коррупцияни нафақат жазолаш, балки унинг сабабларини бартараф этиш ва ўзгаришларни амалга оширишдир. Шунингдек, халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш, коррупцияга қарши курашишда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, коррупция билан курашишда муваффақиятга эришиш учун ижтимоий маданиятни ривожлантириш, шаффофликни ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар бу йўналишда ижобий натижалар кўрсатмоқда, аммо бу жараёни давом эттириш, давлат ва жамиятни бирлаштириб, барчани коррупцияга қарши курашда фаоллаштириш зарур.

Музаффар БОЛТАЕВ,

Бухоро вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судьяси.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш сингари вазифалар юзасидан прокуратура органлари томонидан назорат остидаги объектларда қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жамиятда қонунийликни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилмақда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш фаолияти белгилаб қўйилган¹. Шу ўринда прокуратура органларининг назорати билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталиш лозим. Тадқиқотчи Б.Исмоилов ўз ишида қуйидагиларга алоҳида урғу берган. Хусусан:

- БМТ (UN), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Жаҳон банки (WB), Transparency International (TI) каби халқаро ташкилотлар тавсияларидан келиб чиқиб, коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш, идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини, жумладан, хусусий секторда коррупцияга қарши комплаенс (anti-corruption compliance control), давлат секторида эса идоравий ҳалолликни (public integrity system) кучайтириш, мансабдор шахслар дискрециявий ваколатларини (discretionary powers) қисқартириш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришда мазкур назоратнинг шакллари, усуллари ва услубиётининг ўрни ва ролини белгилаш муҳимлиги асосланганлиги, қонунчиликка “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат” номи янги боб киритиш;

- коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага туширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертиза қилиш².

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда давлат назоратининг бир неча турлари шаклланган бўлиб, булар ичида прокурор назорати алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда прокуратура органининг ваколатларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлар ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

- коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

- аҳоли ўртасида ва жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади³.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, прокуратура органлари нафақат жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш, балки вазирлик ва идоралар ходимларининг ҳам билим ва малакаларини ошириб бориши лозим.

Достон ХОНИИЁЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси — Прокуратура тўғрисидаги Қонуни. 257-II-сон. 29.08.2001. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/257-II/1064-сон.
2. Б.Исмоилов. “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш” мавзусидаги юрид.фанлари бўйича фалсафа докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Т. 2023 й. Б. 11.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон. // <https://www.lex.uz/acts/3088008>

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш унинг жиноят-процессуал қонунчиликка қай даражада интеграция қилиниши билан боғлиқ.

Ҳар қандай ислохотлар, жиноят ишлари бўйича полиция фаолиятининг қандай номланишидан қатъий назар процессуал ягоналигидан келиб чиқиши зарур. Ривожланган ҳуқуқ тартибда жиноят ишлари бўйича полиция фаолияти “дастлабки тергов”, “суриштирув” ва ТҚФни ўз ичига қамраб оладиган “полиция суриштируви” тушунчаси орқали процессуал шаклга айланади. Тезкор-қидирув фаолиятига келганда, уни автоном қонун даражасида тартибга солиш, ва “нопроцессуал” фаолият сифатида кўриш учун ҳеч қандай асос йўқ ва бўлиши мумкин эмас¹.

В.Г.Даев, жиноят суд ишларини юритишнинг кенгайтирилган тушунчасига жиноят билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни киритган ва ушбу ёндашувдан келиб чиқиб, ТҚФни жиноят процессининг таркибий қисми сифатида қараган².

И.Л.Петрухин эса ТҚФни жиноятларни тергов қилишнинг мустақил шакли сифатида баҳолаган ва келажақда ТҚФни жиноятларни тергов қилишнинг ягона шакли сифатида белгилашни таклиф қилган³.

Фикримизча, тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят процессидаги ўрни доктринал даражада ҳал қилинмаганлиги, унинг устидан суд назоратининг суд ишларини юритишнинг қайси соҳасига тааллуқлилиги масаласида ноаниқликни келтириб чиқарган.

ЖПКнинг 81-моддаси 3-қисми тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларидан далил сифатида фойдаланиш шартлари сифатида натижаларнинг фақат қонун талабларига мувофиқ олинганлиги, ЖПК нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат беришини кўзда тутади.

Бироқ, тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари деганда айнан нима назарда тутилиши ЖПКда тартибга солинмаган, бундан ташқари мазкур норма “Тезкор-қидирув фаолияти” тўғрисида қонун билан мувофиқлаштирилмаган.

Қонуннинг 19-моддаси 2-қисмида тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзга тиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритишда бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкинлиги белгиланганлигидан келиб чиқиб, М.Ниязовнинг тезкор-қидирув фаолияти материаллари деганда, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш натижасида, тегишли тартибда расмийлаштирилган, содир этилган жиноят белгилари ва уни содир этган шахс, шунингдек жиноят содир этиш қуроли ва воситалари ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар ва ахборотни моддий ташувчилар тушунилиши ҳақида фикрини⁴ асосли деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларидан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги эътироф этилгани ҳолда процессуал шаклнинг белгилаб берилмаганлиги натижасида амалиётда ушбу механизм турлича қўлланилишини кузатиш мумкин.

Бунга асосий сабаб, ЖПКнинг 90-моддаси 1-қисми талабига мувофиқ, маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги, яъни ҳар қандай маълумот, шу жумладан тезкор-қи-

дирув фаолияти натижаларини тергов ҳаракати натижасига айлантириш ҳақида талаб мавжудлигидан иборат.

Амалиётда мазкур механизм турли шаклларда амалга оширилади;

Биринчидан, тезкор-қидирув тадбирини расмийлаштириш параллел равишда процессуал тартибда амалга оширилади. Яъни, тезкор тадбир якунига кўра терговчи ёки тезкор ходим томонидан процессуал шаклда баённома тузилади. Бироқ, мазкур усулда тезкор экспертмент ўтказилишида тезкор ходим ёки терговчида тезкор эксперимент ўтказишда қатнашиш учун ҳеч қандай процессуал асос мавжуд бўлмайди, сабаби жабрланувчининг аризаси процессуал тартибда расмийлаштирилмаган бўлади. Бу ўз навбатида у ёки бу шаклда қонуннинг бузилишига олиб келади, кўздан кечириш ва далилий ашёни олиб қўйишнинг ҳуқуқий асослари масаласида турли саволларни пайдо қилади.

Иккинчидан, тезкор-қидирув тадбирини ўтказган тезкор ходимлар сўроқ қилиш йўли билан тезкор-қидирув тадбирида олинган маълумотлар, гувоҳнинг кўрсатувларига айлантирилади. Бироқ, бунда объектив маълумот, субъектив маълумотга айлантирилади, яъни далилнинг сифати ва ҳолислигига салбий таъсир ўтказади.

Учинчидан, қонуннинг ўзида тўғридан-тўғри назарда тутилган шаклда, тезкор-қидирув тадбири натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорга техника воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар қўшилган ҳолда тақдим этилади. Кейинчалик мазкур ҳужжатлар ва предметлар кўздан кечириш баённомаси, экспертиза орқали жиноят ишига қўшилади.

ТҚФ натижаларини текширишнинг бундай усуллари, уларда мавжуд ахборотни ишончлилик нуқтаи назаридан баҳолаш ва уларни олиш чоғида иштирокчиларнинг ҳуқуқлари бузилган ёки бузилмаганлиги ҳақида саволни асосли ҳал қилиш имконини бермайди. Шу сабабдан, ТҚФнинг терговчига берилган ва у томонидан қабул қилинган натижалари ЖПКда далилларга белгиланган талабларга жавоб бермайди ва айбилик ҳақида масалани ҳал қилиш учун фойдаланилиши мумкин эмас⁵.

Бундан ташқари, амалдаги ЖПКда тарафларнинг иштирокисиз, ношкор ўтказиладиган тергов ҳаракатлари мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Жумладан, ЖПКда телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш (21-боб), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (166-модда), шунингдек тергов сири шулар жумласига киради.

Яъни, мазкур тергов ҳаракатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уни ўтказиш ташаббуси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишли, тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида қарорнинг қонунийлигига улар жавоб беради, процессуал қисми улар томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга тергов ҳаракати натижаларига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд баҳо беради. Тергов ҳаракатлари (телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш), ўтказишга жалб қилинган тезкор ходимларнинг фаолияти ЖПК билан эмас, идоравий норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини ўрганиш (Хитой Халқ Республикаси, Грузия, Қирғиз Республикаси, Латвия, Эстония, Арманистон, Қозғистон, Молдова, Украина, Германия) ношкор тергов ҳаракатлари жиноят процессига интеграция қилинганлиги, гарчи турли шаклда

бўлсада тезкор-қидирув тадбирлари ҳисобига ноошкора тергов ҳаракатлари сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Биобарин, бугунги кунда жиноят процесси олдида турган энг муҳим вазибалардан бири жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи нормаларни унификация қилишдан иборат.

Ноошкора тергов ҳаракатларини жиноят процессига интеграция қилишнинг қуйидаги моделлари ажратилади:

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ташаббуси терговни амалга ошираётган шахс томонидан, уларни ўтказиш фақатгина тезкор ва тезкор-қидирув бўлимлари томонидан ўтказилишини тартибга солувчи тезкор-қидирув фаолияти юзасидан қонунчиликни амалда тақдорлаш (Молдова Республикаси), уларни тўлиқ ЖПКга ўтказиш (Эстония), ЖПК нормаларида жиноят-процессуал қонунчиликка йўналтириш (Арманистон Республикаси), принципнол жиҳатдан янги тергов ҳаракатларини (ноошкора, яширин ёки махсус деб номланадиган), тезкор-қидирув ҳаракатдаги билиш усулларини қўллаш орқали тергов ва тезкор-қидирув бўлимлари ходимлари томонидан (Грузия, Хитой, Латвия, ГФР) ёки терговчи томонидан (Украина, Қозоғистон, Қирғизистон) амалга ошириладиган, терговни амалга оширишга ваколатли шахснинг ташаббуси билан бошланадиган процессуал жиҳатдан мустақамлаш⁶.

Албатта, илмий адабиётларда⁷ ноошкора тергов ҳаракатларини жиноят процессига интеграция қилишга шубҳа билан қаровчи фикрлар мавжуд.

Жумладан, Я.М. Мазунин ва П.Я. Мазуниннинг фикрига кўра, ноошкора усулларга процессуал шакл берилса, ТҚФ натижасида олинган маълумотлар мақбулликдан, мазмун эса далилларнинг шаклидан афзалроқ бўлади.

Умуман, тезкор-қидирув тадбирларини жиноят-процессига интеграция қилишга нисбатан олимларнинг эътирозлари қуйидагилардан иборат.

жиноят-процессуал қонунчиликка "махсус тергов ҳаракатлари"нинг киритилиши, жиноят процессининг тизим сифатида бузилишига олиб келиши⁸; терговчида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун зарур малака ва тажриба мавжуд эмаслиги⁹;

ривожланган давлатларда ТҚФ натижалари фақат суд томонидан далил сифатида эътироф этилиши¹⁰.

Бироқ, ноошкора тергов ҳаракатларини жиноят процессига интеграция қилиниши тартиби бир қатор қафолатларни назарда тутати. Жумладан, ноошкора тергов ҳаракатлари фақатгина жиноят ва уни содир этган шахс ҳақида маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаганда ўтказилади (Украина ЖПК 246-моддаси 2-қисми, Молдова ЖПК 231.1-моддаси):

фақат терговчи, прокурор ва тергов судьясининг ташаббусига кўра ўтказилиши мумкин;

- терговчи ноошкора тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақида қабул қилинган қарор ҳақида зудлик билан прокурорга хабар қилиниши талаб қилинади;

- прокурор ўз навбатида ноошкора тергов ҳаракатини ўтказишни таққиллаши ёки тугатишга ваколатли (Украина ЖПК 246-моддаси 3-қисми);

- ноошкора тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида олинган маълумотлардан жиноят ишлари юритувида фойдаланишга фақат прокурор ваколатли;

- фақатгина оғир ва ўта оғир жиноят ишлари юзасидан ўтказишга рухсат берилади (Украина ЖПК 246-моддаси 2-қисми);

- ноошкора тергов ҳаракатини ўтказиш мумкин бўлган жиноят таркиблари аниқ белгиланган (Қирғиз Республикаси ЖПК 212-моддаси, Грузия ЖПК 143.3-моддаси);

- ноошкора тергов ҳаракатлари устидан тўлиқ суд назорати амал қилади;

- ноошкора тергов ҳаракати натижасида олинган, бироқ жиноят ишларига алоқадор бўлмаган маълумотлардан мақсадсиз фойдаланиш таққилланади;

- ноошкора тергов ҳаракати ўтказилган шахснинг ёзма равишда хабардор қилиниши мажбурий (Украина ЖПК 253, 256-моддалари);

- ноошкора тергов ҳаракати ўтказиш муддатлари қатъий чекланиши (2 ой);

- адвокат, нотариус, тиббий ходимлар, диний ходимлар, журналистларни (агар бундай ҳамкорлик профессионал ҳаракатдаги ахборотнинг ошкор қилинишига олиб келса), ноошкора ҳамкорликка жалб қилиш таққиллаши (Қирғиз Республикаси ЖПК 212-моддаси 8-қисми, Грузия ЖПК 143.7-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПК 232-моддаси 8-қисми, Молдова ЖПК 132.4-моддаси 10-қисми).

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2-моддаси белгиланган жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаси ва "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" Қонуннинг 4-моддасида белгиланган тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазибалари умумийлиги яъни жиноятларни тез ва тўла очишдан иборатлигини инобатга олиб, жиноятни очиш ва олдини олишга қаратилган тезкор-қидирув фаолиятининг, қуйидагиларга асосан, жиноят процессига интеграция қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, айна вақтда ЖПКнинг 39¹-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ҳисобланади, яъни жиноятни очиш ва олдини олишга қаратилган тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув билан параллел равишда амалга оширилади, кўпинча бир-бирини тақдорлайди;

2) жиноятни очишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ЖПК нормаларига мувофиқ, текширилади ва баҳоланади;

3) ЖПКнинг 87-моддаси тезкор-қидирув фаолиятини далилларни тўплаш воситаси сифатида белгиланган;

4) тезкор-қидирув фаолияти қисман, ЖПК нормалари билан тартибга солинади. Жумладан тезкор-қидирув тадбири амалда якунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилганига қадар унинг ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади (ЖПКнинг 225-моддаси 5-қисми);

5) тезкор-қидирув тадбирлари суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг топшириғига асосан ўтказилиши мумкин;

6) тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати ЖПКнинг 382-моддаси билан тартибга солинган.

Ганишер ХИДИРОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Головкин Л.В. Перспективы реформирования органов, осуществляющих обеспечение безопасности и борьбу с преступностью в Республике Казахстан. Перспективы развития судебно-правовой реформы в Республике Казахстан – А. 2009. – 139-6.
2. Даев В. Г. Взаимосвязь уголовного права и процесса. Л., 1982. С. 12–13.
3. Петрухин И. Л. Предварительное расследование: каким ему быть? // Законодательство. 2000. № 10. С. 71–76.
4. Ниязов М. (2023). Общие требования допустимости доказательств, полученных при проведении оперативно-розыскных мероприятий на стадии доследственной проверки. Общество и инновации, 4(2/3), 78–91.
5. Пашаева Э.Х. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при принятии процессуальных решений (например уголовных дел о незаконном сбыте наркотических средств, психотропных веществ или их аналогов): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Томск, 2017. 10-б.
6. Колосович М.С. Процессуальные средства обеспечения гласности и тайны в уголовном судопроизводстве: концептуальные основы: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. Волгоград, 2019.
7. Шейфер С.А. Проблемы пополнения познавательного арсенала следователя // Государство и право. 2013. № 6. С. 45 – 51. Зайцева Е.А. С.А. Шейфер о системе следственных действий // Юридический вестник Самарского университета. 2017. Т. 3. № 4. С. 38 – 42.
8. Астафьев Ю.В. "Специальные" следственные действия: к проблеме включения оперативно-розыскных мероприятий в УПК РФ // Вестник Воронеж. гос. ун-та. Серия: Право. 2013. № 1. С. 303.
9. Новикова Е.А., Шумилин С.Ф. Следственная и оперативно-розыскная деятельность: интеграция или взаимодействие? // Судебная власть и уголовный процесс. 2018. № 2. С. 86 – 95.
10. Шейфер С.А. Проблемы пополнения познавательного арсенала следователя // Государство и право. 2013. № 6. С. 45 – 51.



“ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕНГИЛЛАШТИРДИ?

Маъмурий судлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан боғлиқ низоларини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараёнда давлат божини ундириш тартибининг асослари аниқ белгиланиши суд тизимининг самарадорлиги ва фуқароларнинг судга бўлган ишончини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат божни давлат фискал сиёсатининг бир қисми бўлиб, давлат ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида жорий этилади.

Давлат божни ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган мажбурий тўлов бўлиб, унинг тартибга солиниши Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган “Давлат божни тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда ҳам маъмурий судларда давлат божини тақсимлаш тартиби ёритилган.

“Давлат божни тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “Давлат божни юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундирилаётган мажбурий тўловдир”.

Ушбу қонуннинг 10-моддаси “Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш” деб белгиланган. Мазкур модданинг биринчи қисми 2-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб маъмурий судларга берилган аризалар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Мазкур қонун 10-моддасининг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божни шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилиши белгиланган.

Шу каби қонун талаби “Давлат божни тўғрисида”ги қонуннинг 8, 9-моддаларининг иккинчи қисмида ҳам назарда тутилган.

Судлар томонидан айнан 8, 9, 10-моддаларнинг иккинчи қисмида назарда тутилган Савдо-саноат палатасига оид нормаларнинг турлича талқин этилиши икки хил амалиётнинг шаклланишига сабаб бўлган, яъни айрим судларда Савдо-саноат палатаси аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича даъво талаблари қаноатлантиришдан рад этилганда, давлат божни Савдо-саноат палатаси ҳисобидан ундирилган бўлса, айрим судларда эса давлат божни манфаати кўзлаб даъво киритилган палата аъзолари ҳисобидан ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 115-моддаси бешинчи қисмида “Давлат божни тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божни манфаатлари кўзлаб ариза тақдим этилган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади” деб белгиланган.

Шу боисдан, мазкур қонун нормаларининг бир хилда талқин қилиниши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Конституциявий судга мурожаат қилиниб, “Давлат божни тўғрисида”ги қонуннинг 8, 9, 10-моддаларини иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига расмий шарҳ берилиши сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2025 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божни тўғрисида”ги қонуни 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ бериш” ҳақидаги ҚСҚ-2-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари - палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволари (аризалар) бўйича “...кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божни шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади” деган нормани, давлат божни ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, деб тушуниш лозим” лиги ҳақида тушунтириш берилиши натижасида, ушбу ҳолатга ойдинлик киритилди.

Конституциявий суднинг юқоридаги қарори билан расмий шарҳ берилиши судлар томонидан давлат божни масаласини ҳал қилишда бир хил ёндашув ҳамда бир хил суд амалиёти шаклланишига олиб келади.

Судларда ишларни кўриб чиқиш бўйича суд харажатларини ундириш амалиётидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, мазкур масалага доир қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш судлар фаолиятининг асосий, муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади ҳам фуқаро ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Турдибек КИПЧАКОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган “Давлат божни тўғрисида”ги УРҚ-600-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2025 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божни тўғрисида”ги қонуни 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ бериш” ҳақидаги ҚСҚ-2-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аввало, Россия Федерацияси тажрибасини кўрадиган бўлсак, ушбу давлатда фуқаролик процессида прокурорнинг мақоми 1992 йил 17 январдаги 2202-1-сонли "Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида" Федерал қонунда (сўнгги тахрирда) ва Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг буйруқлари билан тартибга солинган.

Хусусан, прокурор Россия Федерацияси процессуал қонунчилигида ва бошқа федерал қонунларда назарда тутилган ҳолларда судлар томонидан ишларни кўриб чиқишда иштирок этади. Прокурор, Россия Федерациясининг процессуал қонунчилигига мувофиқ, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш зарур бўлса, процесснинг исталган босқичида судга ариза билан мурожаат қилиш ёки ишга аралаштириш ҳуқуқига эга. Ишларни судда кўришда иштирок этувчи прокурорнинг ваколатлари Россия Федерацияси процессуал қонунчилиги билан белгиланади.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 45-моддасига биноан, прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, номаълум миқдордаги шахсларни ёки Россия Федерацияси манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Россия Федерациясида фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ариза, агар фуқаро соғлиги, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра ўзи судга мурожаат қила олмаса, прокурор томонидан берилиши мумкин.

Аризани берган прокурор барча процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва даъвогарнинг барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Қилишув битимини тузиш ҳуқуқи ва суд харажатларини тўлаш мажбурияти бундан мустасно. Прокурор бошқа шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб берилган аризани рад этган тақдирда, ишни мохиятан кўриб чиқиш, агар бу шахс ёки унинг қонуний вакили даъводан воз кечганлиги ҳақида маълум қилмаса, давом эттирилади.

Прокурор ўз ваколатларини амалга ошириш учун ишдан бўшади, ишга қайта тиклаш, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ушбу Кодекс ва бошқа федерал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда процессга киришади ва ҳулосалар беради.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси қонунчилиги прокурор фуқаролик ишларининг қуйидаги тоифаларини кўришда иштирок этишини назарда тутди:

- болани қайтариш ёки фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисида;
- болани асраб олиш тўғрисида;
- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисида;
- фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганининг ўз иш ҳақи, стипендия ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш тўғрисида;
- вояга етмагани тўлиқ қобилиятли деб эълон қилиш;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш ва ота-оналик ҳуқуқларини чеклаш тўғрисида.

Россия Федерацияси фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорнинг процессуал мақоми худди Ўзбекистон қонунчилигида ишда иштирок этувчи шахс сифатида кўрсатилган ҳамда прокурор аризаси бўйича даъво ариза киритиш талаблари ҳам ўхшаш ҳисобланади.

МДХга аъзо давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шунини кўрсатади, прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари прокуратура фаолиятини тартибга солишчи махсус қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикасида фуқаролик процессида прокурорнинг ваколатлари кенгрок бўлиб, прокуратура адолатни, қонунийликни таъминлаш учун фуқаролик процесслари устидан назоратни амалга оширади.

Барча даражадаги судлар прокуратура органлари устидан юридик назоратни фаол равишда қўллаб-қувватлайди ва онгли равишда қабул қилади, прокуратура органлари норозилик билдирган фуқаролик ишларини қонун асосида кўриб чиқади ва прокуратура таклифларига тўлиқ эътибор беради.

Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддасида Халқ прокуратураси фуқаролик процесслари устидан ҳуқуқий назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Агар Халқ прокуратураси ўз вазифаларини бажараётганда экологик муҳитга ва ресурсларни муҳофаза қилишга зарар етказадиган ва қўллаб-қувватлаётган истеъмолчиларнинг озиқ-овқат ва гиёҳванд моддалар хавфсизлиги соҳасидаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бузадиган ва бошқа манфаатларга зарар етказадиган ҳаракатларни аниқлаганида, прокурор даъво ишини қўзғатишга ҳақли. Бунда даъво аризаси фуқаролик судларига берилади. Агар тегишли орган ёки ташкилот даъво билан мурожаат қилса Халқ прокуратураси суд ишини қўллаб-қувватлаши мумкин.

Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини 208-моддасига асосан, Олий халқ прокуратураси барча даражадаги халқ судларига протест киритиш ҳуқуқига эга, агар уларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланса албатта. Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 209-моддасида эса қуйидаги ҳолатлардан бирортасида тарафлар прокурор фикри ёки протести учун Халқ прокуратурасига мурожаат қилишлари мумкин:

- 1) Халқ суди қайта кўриб чиқиш аризасини рад этганда;
- 2) Халқ суди қайта кўриб чиқилган ариза бўйича белгиланган муддат ичида ажрим чиқармаган бўлса;
- 3) қайта кўриб чиқилган ҳукм ёки ажримнинг қонунга ҳилофлиги кўриниб турган бўлса.

Халқ прокуратураси уч ой ичида аризани кўриб чиқади ва прокурор фикри ёки протестини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Бугунги кунда Хитойда фуқаролик процесси ва ижро соҳасида жуда кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Ушбу давлатда бугунги кунда прокуратура ролини жамиятда янада ошириш, халқ ишончига сазовор давлатга айлантириш ва шу орқали мамлакатда қонунчиликнинг мустаҳкамланишига эришиш энг асосий мақсади сифатида белгиланган.

Фуқаролик ишларида прокурор иштироки фуқаролик процессининг адолатли ва қонуний тарзда юритилишига кафолат берадиган муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Улугбек САТИБАЛДИЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРДА ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларда қонунийлик тамойилларининг аҳамияти ва ўрни ёритилган. Маъмурий ҳуқуқ тизимида бу нарсанинг амалга оширилиши давлат органларининг ишини соддалаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак. Шунингдек, мақолада "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг жорий этилиши, унинг фуқаролар учун яратган имтиёзлари ва мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Натижалар асосида, қонунийлик принципнинг самарали амалга оширилиши таъминлаш учун қўшимча ислохотлар зарурлиги ҳулосасига келинди.

Калит сўзлар: маъмурий ҳуқуқ, қонунийлик принципи, маъмурий тартиб-таомиллар, ислохотлар, фуқаролар ҳуқуқлари, давлат бошқаруви, қонун устуворлиги.

Маъмурий тартиб-таомиллар деганда давлат органларининг ўз функцияларини бажариш жараёнида фуқаролар ва юридик шахслар билан вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирувчи процессуал ҳаракатлар тушунилади. Бу тартиб-таомиллар орқали давлат органлари ўз ваколатларини белгиланган тартибда, қонун доирасида ва шаффофлик асосида амалга оширади. Шу сабабли уларнинг қонуний асосда олиб борилиши давлат ва фуқаролар ўртасида ишонч муҳитини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни ушбу жараёни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонун орқали маъмурий органларнинг фаолияти аниқ мезонларга бўйсундирилди, уларнинг фуқаролар билан муносабатларидаги процедуралар очик, адолатли ва қонуний бўлиши белгиланди. Бунда асосий эътибор давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор, кўрилаётган ариза, муурожаат ёки эътирознинг қонунчилик асосида ҳал қилинишига қаратилган.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг қонунийлик принципага асосланган ҳолда ташкил этилиши, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу принцип давлат хизматчилари томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилиниши, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олади, тизимда коррупцион хавфларни камайтиради. Ички ишлар органлари мисолида олиб қаралганда, маъмурий тартиб-таомилларнинг айнан қонунийлик асосида ташкил этилиши ҳар бир ходимнинг ҳаракатларини назорат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик билан самарали ҳамкорлик қилиш имконини яратади.

Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамли технологияларни давлат бошқаруви жараёнларига татбиқ этиш орқали маъмурий тартиб-таомилларни автоматлаштириш, фуқароларга қулай хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилмоқда. Электрон ҳукумат тизимининг ривожланиши, "ijro.gov.uz", "ty.gov.uz" каби порталлар орқали давлат хизматларининг тез, шаффоф ва қонуний тарзда кўрсатилиши ҳам бу йўналишдаги илғор ютуқлардандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимияти тизимида қонунийлик тамойилининг асосий ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонун доирасида олиб борилиши зарурлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, маъмурий иш юритиш жараёнида текшириш тамойили муҳим аҳамият касб этади. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида белгиланишича, маъмурий органлар қарор қабул қилишда барча ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шарт. Бу тамойил маъмурий қарорларнинг асосланган ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Бироқ, амалиётда ушбу қонун талабларининг тўлиқ бажарилмаслиги ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Айрим ҳолларда маъмурий органлар томонидан қарорлар қабул қилишда қонунийлик тамойилига риоя қилинмаслиги, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга олиб келмоқда. Шу боис, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда қонунийлик тамойилининг тўлиқ ва самарали қўлланилишини таъминлаш зарур.

Ҳулоса сифатида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамыз.

Қонунийлик тамойилининг мустаҳкамланиши: маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун маъмурий органлар фаолиятида қонунийлик принципни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу тамойил фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Шаффофлик ва очикликнинг таъминланиши: қонунда белгиланган очиклик ва шаффофлик принциплари маъмурий қарорларнинг асосланганлигини таъминлаб, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини оширади.

Бюрократик тўсиқларнинг камайтирилиши: "Бир дарча" тамойили орқали маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилмоқда, бу эса фуқаролар учун қулайликлар яратмоқда.

Амалиётдаги муаммолар: қонун талабларининг тўлиқ бажарилмаслиги ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу маъмурий органлар фаолиятида қонунийлик тамойилининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда қонунийлик принципнинг тўлиқ ва самарали қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, маъмурий органлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозим.

Акбар ХОЛТЎРАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi "Ma'muriy tartib-taomillar to'g'risida"gi Qonuni, 2018-yil 8-yanvar. // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, www.lex.uz
2. Ibragimov Q.X. Ma'muriy huquq asoslari. – Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2021. – 252 b.
3. Karimova D. Raqamli davlat: ma'muriy jarayonlarning avtomatlashtirilishi va qonuniylik masalalari. – "Huquq va taraqqiyot" jurnali, 2023, №2. – B. 50–55.

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Таъкидлаш керакки, илгари судланган шахслар ўртасида профилактик ишларни самарали ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш жиноятлар содир этилишининг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ишларнинг ташкил этилиши маъмурий ҳудудларда криминоген вазиятни яхшилашни таъминлашга хизмат қилади.

Шахс, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг Махсус қисми моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этганлиқда айбдор деб топилиб, айблов ҳукми эълон қилингандан сўнг судланган деб ҳисобланади. Аммо ҳукм қилинишининг ҳар қандай факти ҳам судланганликни келтириб чиқармайди. Ҳукм қилиш айбдорга жазо тайинлашда ҳам, қонунда мавжуд бўлган асосларга кўра, жазодан озод қилишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Судланганлик – бу шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм қилинишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган қонундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексидан назарда тутилган ҳолларда шахс янги жиноят содир этганда аҳамият касб этишини белгилайди. Бунда судланганликнинг фақат жиноий-ҳуқуқий аҳамияти назарда тутилади. Судланганликнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти шахснинг олдинги жиноят учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этганидагина вуқудга келади. Судланганликнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат: биринчидан, шахсда судланганлик ҳолатининг мавжудлиги хавфли ва ўта хавфли рецидивист деб топилишига таъсир этади (ЖКнинг 34-моддаси); иккинчидан, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қилади; учинчидан, қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатади (ЖКнинг 140-моддаси); тўртинчидан, жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади; бешинчидан, судланганлик озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жазони ижро этиш муассасаси туруни аниқлашга таъсир қилади (ЖКнинг 50-моддаси); олтинчидан, алоҳида тартибда жазо тайинланишига сабаб бўлади. Шахснинг судланганлиги суд томонидан, у судланган деб топилган даврда, яъни ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан унинг тутатилиши ёки олиб ташлангунгача бўлган даврдан кейин жиноят содир этган ҳолларда ҳисобга олинади. Судланганлик бошлангунча қадар ёки у тугагандан кейин жиноят содир этиш ҳеч қандай жиноий-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг содир этилишида ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий омиллар ўз ичига жиноятчилигининг сабаб ва шарт-шароитларини, жиноятчи шахснинг демографик маълумотлари, белгиларини қамраб олса, ҳуқуқий омиллар – жиноят қонунчилигига асосан жиноят содир этган жиноятчи шахсга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ёхуд енгиллаштириш ва қилмишни квалификация қилишдаги ёндашувларни қамраб олади.

Жиноятчилик сабаблари – жиноятчилигининг содир этилишини тақозо этадиган, уни озиклантирадиган, кўпайишни таъминлайдиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг йиғиндисидир. Жиноятчилик шароитлари деганда жиноят содир этилишини тақозо этмайдиган уни келтириб чиқармайдиган, бироқ унинг содир этилишига кўмаклашадиган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар мажмуини тушуниш лозим.

Илгари судланган шахслар жиноятчилигининг сабаблари деганда, жиноятчилигининг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиклантирадиган, кўпайишни таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндисидир; илгари судланган шахслар жиноятчилиги шароитлари деганда ушбу турдаги жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Жиноятчиликка оид статистик таҳлиллар, жиноят иши материаллари таҳлиллари асосида илгари судланган шахслар жиноятчилигининг асосий сабаблари қуйидагилар билан боғлиқ:

а) оиладаги носоғлом ижтимоий муҳит шахснинг маънавий-руҳий жиҳатдан шаклланишига ва унда жиноий ҳулқ-атворнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. Зеро, носоғлом ижтимоий-руҳий муҳитдаги шахснинг турмуш тарзи ёки шундай ҳолатда намоён бўлувчи салбий ҳаракатлари муайян жиноятларнинг содир этилишига олиб келади.

б) шахснинг ғиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйганлиги, шахснинг таълим-тарбияси, ҳуқуқий онг ва маданиятининг пастлиги, масъулиятсизлик, оилага бефарқлик, лоқайдлик.

в) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахслар жамиятга зид турмуш кечирувчи ёки жиноят содир этишга мойил шахсларнинг таъсирига тушиб турли кўринишдаги жиноятларни содир этади.

г) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар билан ҳудудий профилактика инспектори ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги.

д) оила, маҳалла, қорхона, ташкилот ва муассасаларда жамиятдаги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, жиноят содир этишга олиб келувчи криминоген омилларнинг таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш борасидаги ишлар етарли даражада эмаслиги.

е) гайриижтимоий салбий ҳулқ-атвор оқибатида шахснинг ахлоққа ва қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни содир этишга мойиллигининг юқорилиги.

ё) ишсизлик, оилада етишмовчилик, моддий муҳтожлик, шахсдаги салбий ҳулқ-атвор, агрессивлик, совуққонлик.

ж) шахсдаги гайриижтимоий салбий ҳулқ-атвори камайтириш, тузатиш, тўғри фикрлашни ўргатиш борасида маҳалла, оила аъзолари ва қўни-қўшниларининг бефарқ бўлганлигини кузатиш мумкин.

Илгари судланган шахслар жиноятчилигининг сабаблари, унинг турли салбий таъсирларга тез берилиши ҳар қандай ривожланган давлатлар ҳаётидаги энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Негаки, илгари содир этган ижтимоий хавфли қилмишдан ўзига тўғри ҳулоа чиқармасдан, содир этган ҳатти-ҳаракатининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмасдан, тўғри йўлга ўтмасдан ёки ижтимоий воқелик таъсирида тақрорий жиноят содир этиши мумкин.

Демак, илгари судланган шахслар жиноятчилигининг сабаб ва шароитларини ўрганишда шахснинг оилавий турмуш тарзи ва жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий жараёнларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Негаки, илгари судланган шахслар жиноятчилигини асосий сабабларини аниқлаш учун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий аҳолини, уни белгилувчи алоқа ва муносабатларни ўрганиш ҳамда уни жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омиллар билан таҳлил қилиш зарур.

Юқорида қайд этилган илгари судланган шахслар томонидан тақрорий жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ушбу турдаги жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илгари судланган шахслар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича тақлиф ва тавсиялар:

илгари судланган шахслар ҳақидаги ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳоли, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғломлиги) ва жиноят-ҳуқуқий (содир этган жиноятининг ижтимоий хавфи, содир этиш усули ва воситалари) маълумотларни ўз ичига олувчи қизил, яшил, сариқ тоифали электрон маълумотлар базасини яратиш;

илгари судланган шахслар жиноятчилигининг олдини олишда фаол ҳамкорлик қиладиган ва доимий иштирок этувчи фуқароларни рағбатлантириш тизимини яратиш;

илгари судланган шахсларнинг ижтимоий меҳнат билан бандлигини мониторинг қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ўзаро интеграция қилувчи ягона маҳаллий электрон маълумотлар базасини яратиш.

Хуршид УМБАРОВ,

Судьялар олий мақтаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/6445145>. (Мурожаат этилган сана 24.02.2025 йил).
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/111453>. (Мурожаат этилган сана 24.02.2025 йил).
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2024.
4. Ўзбек тилининг изохли луғати / 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти // www.ziyouz.com.
5. Криминология: Дарслик / З.С.Зарипов, И.Исмаилов ва бошқ. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – Б. 84.



ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ - ЖИНОЯТ

Дунё давлатлари тарихидан маълумки, турли даврларда турли-туман ҳуқуқий ҳужжатларда ёлғон гувоҳлик бериш жамият учун зарарли, шахс манфаатларига зиён етказувчи қилмиш сифатида баҳоланиб келинган.

“Қуръони Карим”нинг ҳам бир қатор сураларида тўғри гувоҳлик ҳақида баён этилган. Мисол учун, Бақара сураси 282-оятда қарз олинганда ёки берилганда унинг ёзиб қўйилиши ҳамда гувоҳ тариқасида икки эркак (агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёл) бўлиши мандуб (ихтиёр) этилган.

Қуръони Каримдан сўнг шариатнинг муҳим манбаларидан бири Ҳадисларда ҳам ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш қораланиб келинган. Масалан, ал-Бухорий ва Муслим ривоятларига кўра, ҳақ талашиб даъво қилинганда сўзга усталик қилиб, ноҳақлик билан ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олинган нарса дўзахнинг бир чўғидир. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳақидаги фикр Инжилда ҳам учрайди. Унда “ўз яқинингга нисбатан ёлғон гувоҳлик берма”, деб таъкидланган.

Ўзбекистон жиноят қонуни ривожининг деярли барча даврларида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутган. Хусусан, била туриб ёлғон кўрсатув бериш таркиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар” бўлимида “Одил судловга қарши жиноятлар” бобига киритилган. Теглишли нормалар мажмуи миллий қонунчилигимизда 1959-йили қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодексига алоҳида бобга ажратилган эди. Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб борувчи органлар ролининг ошиши, уларга энг қаттиқ мажбурлов чораларини қўллашда қўшимча ҳуқуқлар берилиши, мазкур органлар фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этиш зарурияти одил судловга қарши жиноятларни алоҳида гуруҳга ажратишни тақозо этди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрнини юксалтиришни тақозо этади. Одил судловнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этилишига боғлиқ, балки гувоҳларнинг ҳамда одил судлов фаолиятига жалб этилган бошқа шахсларнинг фуқаролик бурчини бегараз ва ҳолис бажаришига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда гувоҳ кўрсатмаларининг аҳамияти улкан. Чунки, ҳозирги замон жиноят-процессига гувоҳларнинг кўрсатмалари исботлашнинг ўта муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ёлғон гувоҳлик бериш кенг тарқалган, ўсишга мойил, ижтимоий хавфли ҳамда одил судловга қарши латент жиноятлардан ҳисобланади. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашда гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатмалари жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқоридагиларга асосан таъкидлаш лозимки, ёлғон гувоҳлик бериш жиноятига қарши кураш муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу қилмиш нафақат одил судлов манфаатларига ва жиноятчиликка қарши курашга салбий таъсир кўрсатади, балки судлар ва одил судловга кўмаклашувчи бошқа органларнинг обрўйига ҳам путур етказиши.

Ёлғон гувоҳлик бериш жазодан қутулишга бўлган ишонччи кучайтириб жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини бузади. Ёлғон гувоҳлик берувчилар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрўйини туширади, фуқаролар кўз ўнгига қонунга ҳурматсизликни очик-ойдин намоён этади.

Ушбу жиноят жиноят ишининг тўла, ҳар томонлама ва объектив тергов қилиниши ва одил судлов амалга оширилишига тўсқинлик қилибгина қолмай, қонуний ҳукм ёки фуқаролик ва иқтисодий ишлари бўйича қонуний ҳал қилув қарори чиқарилишига ҳам тўсқинлик қилади.

Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги ҳақида сўз борар экан, проф. М. Ҳ. Рустамбоев шундай ёзади: “Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, унинг содир этилиши дастлабки тергов ва суд органларини адашишига сабаб бўлади ҳамда ҳақиқий иш ҳолатларини аниқлашни учун ортқича вақт ва сарф-харажатлар, шунингдек ортқича куч сарфла-нишига олиб келади”.

Н.Говорковнинг фикрича эса, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги нафақат жиноят ишларини тергов қилиш (қўриб чиқиш)ни мураккаблаштиришида, балки ғай-

риқонуний ҳукм чиқаришга олиб келиши мумкинлигида ҳам намоён бўлади. Шу боис ҳам жамоат, ҳам шахс манфаатларига путур етади.

Ёлғон гувоҳлик бериш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, ушбу қилмиш натижасида нафақат, одил судловни амалга оширувчи (суд органлари) ҳамда унга кўмаклашувчи (суриштирув, тергов, прокуратура органлари) органлар фаолиятига путур етказилади, балки, бу қилмишни содир этишга мажбурлашда, гувоҳ, эксперт, таржимоннинг ёхуд уларнинг яқин қариндошларининг соғили-гига ҳам зарар етиши мумкин.

Юридик адабиётларда ёлғон гувоҳлик бериш дейилганда, нафақат гувоҳ ёхуд жабрланувчи кўрсатувлари, балки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ва таржимоннинг нотўғри таржима қилиши каби қилмишлар ҳам ушбу жиноят таркиби доирасида бўли-ши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши лозимлиги қайд этиб ўтилган.

Бошқа яна бир қатор адабиётларда эса, ёлғон гувоҳлик беришга асосан, қариндо-шлар, дўстлар ва айбланувчи, гумонланувчи, судланувчини жавобгарликдан озод бўли-шидан манфаатдор бўлган бошқа тоифа шахсларнинг уриниши, деб таъриф берилган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин МДҲга аъзо давлатлар орасида биринчи бўлиб, Республикамиз Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларнинг яқин қариндошлари гувоҳлик бермаганликлари учун жавобгарликка тортилмасликларининг белгиланиши жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қондага амал қилмаслик XX аср биринчи ярмидаги қатагонлар ҳамда ўтган асрнинг 80-йилларида “пахта иши” юзасидан қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг жавобгар-ликка тортилишига олиб келганлиги маълум.

Кўрсатма бериш – жиноят ёхуд фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган ҳоллар, аниқлашни керак бўлган ҳолатлар ҳақида ахборот бериш. ЖК 238-моддасида иш юзасидан аҳамиятсиз бўлган ҳоллар (масалан, гувоҳнинг жиноят жойида пайдо бўлиш сабабларини ўзгартириши) инобатга олинмайди.

Ёлғон – ҳақиқатга зид, нотўғри, ҳақиқатни қасддан бузиб кўрсатиш; одатда, дарҳол текшириш мумкин бўлмаган ёки мушкул бўлган оғзаки маълумотлар беришда ифодала-нади.

Ўқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёлғон гувоҳлик бериш, одил судлов манфаатларига дахл этар экан, суд муҳокамасининг чўзилишига, қўшимча гувоҳлар чақирилишига, қайта экспертиза тайинланишига, жиноят ишининг қўшимча терговга қайтарилишига, айбдорнинг оқланишига, айбсиз шахснинг жазога ҳукм қи-линишига ҳамда ишни бошқача тарзда ноҳолис ҳал этилишига олиб келади. Бу каби ҳолатлар ушбу жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ифодалайди.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг умумий тавсифи ҳақида фикр юритар эканмиз, ушбу жиноят бир қатор муҳим хусусиятлари билан характерланади, яъни ушбу қилмиш: одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилади; жиноий ҳаракат шаклида содир эти-лиши мумкин; қасддан содир этилади; моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етказиши; формал таркибли жиноят ҳисобланади; қонунчилик, одиллик ҳамда айб учун жавобгарлик принциплари қўпол тарзда бузилади; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса суд органлари обрўйининг пасайишига сабаб бўлади.

Ёлғон инсон ҳаётининг ажралмас қисмидан бири, турли вазиятларда намоён бўлиб, турлича талқин қилинади. Рухий соғлом, ақли расо, эс-ҳуши жойида инсоннинг ёлғон сўзлаши, одатда, реал мотивлар билан белгиланади ҳамда аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлади. Ёлғон гувоҳлик бериш худбинона мотивлар асосида ишлатилиши, бошқа шахслар ҳисобига бойлик орттириш каби ғаразли мақсадларни кўзлаши мумкин.

Ёлғон гувоҳлик беришнинг мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Шухрат ТАШАНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ТУШУНАРЛИЛИК ТАМОЙИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ

МТТмКга кўра маъмурий тартиб-таомиллар очик, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим. Маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомиллар ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт. Мазкур тамойил маъмурий иш юритишдаги муҳим принциплардан бири ҳисобланади. Унинг мазмунига кўра давлат органи маъмурий иш юритиш учун барча маълумотларни ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва улардан эркин фойдаланишни таъминлаши лозим ҳисобланади.

Мазкур принцип ўзида бир қатор муҳим жиҳатларни намоён қилади. Хусусан, маъмурий иш юритиш очик бўлиши ва ишда иштирок этувчи барча шахслар турли тўсиқларсиз маълумот олиши, иш юритишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шунингдек, маъмурий орган манфаатдор шахсларга содда ва тушунарли бўлишини таъминлаши лозим.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг яна бир муҳим принципи мутаносиблик ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, дастлаб маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликка киритилган мутаносиблик принципи янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз аксини топди. Янгиланган Конституциянинг 20-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципи асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Мазкур тамойил МТТқнинг 7-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Мутаносиблик принципи кўра маъмурий орган томонидан хусусий шахсларга нисбатан қабул қилинадиган ҳар бир маъмурий акт ва амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар доирасидаги таъсир чоралари умумий ва соҳавий қонунларда ўрнатилган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Мазкур масалага эътибор қаратган Ж.Нематовнинг фикрича, мутаносиблик принципи маъмурий орган томонидан қўлланиладиган ҳар бир таъсир чораси хусусий шахс ҳатти-ҳаракати ва мавжуд ҳолатларнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инobatта олган ҳолда мос ва етарли бўлиши, ортиқча қийинчилик туғдирмаслиги лозимлигида намоён бўлади. Яъни кам аҳамиятли ҳатти-ҳаракат ва мавжуд ҳолат учун енгилроқ таъсир чораси, оғирроқ ҳатти-ҳаракат ва мавжуд ҳолат учун оғирроқ таъсир чораси қўлланилишини аниқлади¹. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш керакки, судья маъмурий иш юритишда мутаносиблик принципи тўғри қўлланилганлигини аниқлашда ундаги 4 та жиҳатга эътибор қаратиш керак ҳисобланади. Биринчидан, таъсир чорасини қўллашда қонуний мақсаднинг мавжудлиги, иккинчидан, қўлланилаётган таъсир чораси қонуний мақсадга эришиш учун мос бўлиши, учинчидан, қўлланилаётган таъсир чораси қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши, тўртинчидан, таъсир чораси қўлланилаётган манфаатдор шахснинг аҳволига имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Й.Пуделька ўз тадқиқотида мутаносиблик принципини амалда татиқ этишда қуйидаги тўрт жиҳатни инobatта олиш зарурлигини таъкидлайди. Аввало, маъмурий органнинг маълум бир ҳатти-ҳаракати, маъмурий акти легитим мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчидан, ушбу легитим мақсад яроқли бўлиши лозим. Яъни, маъмурий орган амалга ошираётган таъсир чораси орқали легитим мақсадга эришиб бўладими ёки йўқми деган саволга жавоб бериши лозим. Учунчидан, маъмурий орган амалга ошириладиган таъсир чораси зарурий бўлиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, амалга ошириладиган таъсир чорасининг А, Б, В каби вариантлари бўлгани ҳолда ушбу таъсир чораларининг қай бири легитим мақсадга эришишда энг самарали ва ишончли ҳисобланиши ҳамда манфаатдор шахсга энг кам зарар етқа-

зишига эътибор берилиши лозим бўлади. Тўртинчидан, олдини олиш кутилаётган хавф, зарар ёки эришилиши кутилаётган оммавий манфаат ҳамда таъсир чорасини қўллаш орқали манфаатдор шахсга етказиладиган зарар, эришилиши кутилаётган хусусий манфаат таққосланиши лозим бўлади ва шунга қараб ҳаракатланиш талаб этилади. Мана шу тўрт жиҳатни эътиборга олган ҳолда қабул қилинган маъмурий акт ёки ҳатти-ҳаракат қонуний ҳисобланади².

МТТқнинг яна бир муҳим принципи бу ишончлилик принципи ҳисобланади. Ушбу принцип мазмунига кўра маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади.

Ж.Нематов ушбу принципнинг ўзида уч жиҳатни қамраб олишини таъкидлайди. Унинг фикрича, биринчидан, манфаатдор шахс томонидан маъмурий органга иш юзасидан тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар маъмурий орган томонидан қабул қилиниши лозим. Иккинчидан, агар дастлабки текшириш натижасида уларнинг ҳаққонийлигида маъмурий органда қандайдир шубҳалар пайдо бўлса, маъмурий орган ўз ресурс ва имкониятлари асосида ўз ҳисобидан ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш лозим бўлади. Учунчидан, иш юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни текширишда манфаатдор шахслардан турли қўшимча маълумот ва аниқлик киритиш юзасидан қонунда ўрнатилмаган талаблар қўйиши мумкин эмаслигида намоён бўлади.

Бироқ шуни қайд этиш керакки, агар маъмурий орган ўз имконияти доирасида текшириш ўтказгач ишни тўғри ҳал қилиш учун фақат манфаатдор шахсга тақдим эта оладиган ҳужжат ва маълумотлар талаб этилса ва маъмурий орган қонунда кўрсатилган қўшимча ҳужжат ва маълумотларни манфаатдор шахсдан талаб қилса, ушбу принцип бузилиши ҳисобланмайди.

Ишончлилик принципи билан бир қаторда маъмурий иш юритишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган ишончининг ҳимоя қилиниши принципи мавжуд. Қонунга мувофиқ виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланади. Маъмурий органлар манфаатдор шахсларнинг юзага келган маъмурий амалиёт билан боғлиқ қонуний қўрилган натижаларини ҳурмат қилиши шарт. Юзага келган маъмурий амалиётнинг ўзгартирилиши жамоат манфаатлари билан оқланган бўлиши, умумий хусусиятга эга ва барқарор бўлиши керак.

Шаҳноза БУРҲОНОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Нематов. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институти тақомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). монография. - Т. 2018. 178-бет.
2. Й.Пуделька. Понятие усмотрения и разграничение с судебным усмотрением. Ежегодник публичного права 2017. Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. - М. Инфотропик Медиа, 2017. - С. 9-14
3. Ж.Нематов. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институти тақомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). монография. - Т. 2018. 174-бет.



СУДНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАМОЙИЛИ ВА УНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ

Маъмурий судловда суднинг фаоллиги – суднинг ўз ваколатлари доирасида иш юритиш жараёнидаги ташаббускорлик ва фаолликни англатади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс суднинг фаоллигини белгиловчи ва уни чекловчи нормаларни ўз ичига олади. Масалан, ушбу кодекснинг 68-моддасида давлат органлари ва манфаатдор шахслар ўз талаблари ҳамда далилларини тақдим этишга масъул, суд эса уларнинг ваколатларини текшириш ва қарор қабул қилишда ушбу далилларни асос қилиб олади. Суд томонлар тақдим этган ва ўз ташаббуси билан олиб қирилган далилларни ўрғанади, шунингдек, зарур ҳолларда уларни тўплаш бўйича процессуал чораларни амалга оширади. Шу билан бирга, суд ортиқча аралашувга йўл қўймаслиги ва томонларнинг тенглигини таъминлаши шарт.

Шу тариқа, суднинг фаоллиги қонун билан аниқланган ваколатлар доирасида амалга оширилади ва бу фаоллик томонларнинг процессуал ҳуқуқларини бузмаслиги керак.

Президентимизнинг ПҚ-33 сонли қарорида судларнинг вазифалари қаторида адолатли, очиқ ва тезкор судловни таъминлаш, томонларнинг тенглиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган. Суд фаоллиги ушбу мақсадлар билан боғлиқ бўлиб, фақатгина ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган.

Ҳуқуқшунос олимлар Яковлева ва Сапрыкинанинг ёзишларича, суднинг фаоллиги ва унинг чегаралари масаласи фақатгина процессуал ҳуқуқий масала эмас, балки ижтимоий-ҳуқуқий ва этик жиҳатдан ҳам муҳимдир. Суд ортиқча фаоллик кўрсатганда, бу томонларнинг тенглиги ва суднинг бетарафлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, суд томонларнинг манфаатларини назарда тутмасдан ўз ташаббуси билан далилларни излаш ва қабул қилишда иштиёқмандлик қилса, бу одил судловга шубҳа олиб келади.

Шунингдек, суднинг фаоллигини чеклаш учун аниқ ҳуқуқий меъёрларнинг йўқлиги суд ваколатларининг нотўғри талқини ва амалиётда процесснинг тортишувчанлик тамойилига олиб келиши мумкин. Масалан, суднинг фактларни ўз ташаббуси билан тўплаш ёки уларни баҳолашдаги субъективлик эҳтимоли мавжуд.

Ўзбекистон қонунчилигида ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида суднинг фаоллиги доирасидаги ваколатлар ва

чекловларни аниқ белгилаш учун қатор қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Маъмурий судларда суднинг фаоллиги барча томонларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш билан уйғун бўлиши керак. Суд ўз ваколатлари доирасида далилларни тўплаш ва таҳлил қилишда фаол бўлиши билан бирга, томонларнинг ўзларини тинглаш ва ҳимоя қилиш имкониятини чекламаслиги шарт. Бу тенглик принципи суд фаоллиги ва унинг чегаралари ўртасидаги мувозанатни сақлашнинг асосидир.

Агар суд ортиқча фаол бўлса, бу томонларнинг ҳуқуқларини чеклаб, уларнинг дахлсизлигини камситиши мумкин. Бу эса суд қарорининг адолатсиз ва номувофиқ бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун суднинг фаоллигидаги чекловлар — бу нафақат ҳуқуқий, балки этик талаб ҳамдир.

Ҳозирги Ўзбекистонда маъмурий судлар томонидан суднинг фаоллигига оид қатор амалиётлар шаклланимоқда. Масалан, суд томонларнинг тенглигини таъминлаш, томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд томонларни фаол равишда процессда иштирок этишга чақиради, лекин ўз ваколатларини ортиқча кенгайтирмайди.

Шу билан бирга, судларнинг ваколатлари ва фаоллигини аниқ белгилаш, судлар ва томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунчилик ва процессуал қоидаларни такомиллаштириш зарур. Масалан, суднинг далилларни йиғишдаги ташаббуслари ва чекловлари учун аниқ меъёрлар белгиланиши, суд ва томонлар ўртасидаги муносабатлар доирасида аниқ тартиб жорий этилиши керак.

Маъмурий судларда суднинг фаол иштирок этиши ҳақиқатни аниқлаш, адолатли қарор қабул қилиш ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳимдир. Аммо, суднинг фаоллиги чекланмаган бўлмаслиги, суд ваколатлари ва процессуал тенглик принциплари билан уйғун бўлиши лозим.

Ўзбекистон қонунчилиги суднинг фаоллигини аниқ ҳуқуқий доираларда белгиланган ва унинг чегараларини сақлашга қаратилган. Президентимизнинг ПҚ-33-сонли қарори ҳам суднинг ваколатлари доирасида фаол иштирокини таъминлаш ва шу билан бирга суднинг бетарафлик тамойилини мустаҳкамлашни кўзда тутди.

Маъмурий судларда суднинг фаоллигини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, судларнинг амалиётдаги тажрибасини ўрганиш ва унинг илмий асосини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дилноза ЮЛДАШОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

*Бола ўнга
курса, отаси
сонга кирар.*

**Ўзбек халқ
мақоли**

ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Юридик шахслар фаолиятининг белгиланган ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, уларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш мураккаб ва тартибга солинган жараён ҳисобланади. Мазкур жараён фақатгина ташкилотнинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ ҳолларда эмас, балки унинг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари ва ҳуқуқий ворислик масалаларида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш муносабатлари фуқаролик ҳуқуқининг энг долзарб ва назарий-амалий аҳамиятга эга бўлган йўналишларидан бирidir.

Фуқаролик кодексида юридик шахсни тугатиш “ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий ворисларига ўтказилмасдан тугатилиши” сифатида белгиланган (ФК, 53-модда). Бошқача айтганда, тугатиш натижасида субъектнинг ҳуқуқий шахс сифатидаги мавжудлиги якунланади. Бу жараён юридик шахснинг “ҳуқуқий ўлими” сифатида ҳам изоҳланади.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши (реорганизацияси) – унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсларга ўтказиш йўли билан тузатиш жараёнидир. Масалан, Фуқаролик кодексининг 49-моддасига кўра қайта ташкил этишнинг беш шакли белгиланган: кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш.

Юридик шахснинг тугатилиши бу юридик нормаларда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда, унинг ташкилотчилик асосларини йўқотиш жараёнидир. Шу жараёнда шахснинг мол-мулк ҳуқуқлари ва бурчлари якунланади ва улар ўзгаларга ўтмайди. Қайта ташкил этишда шахснинг ўзи ўзгаришга учрайди, тугатишда эса субъектнинг ўзи йўққа чиқади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш – унинг фаолиятидаги ўзига хос трансформация жараёни бўлиб, бу жараёнда шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа шахсга ёки шахсларга ўтади, аммо субъектчилик ҳолати тўлиқ тугамайди.

Амалдаги Фуқаролик кодексида қайта ташкил этишга оид нормалар кўпроқ ташкилий шаклда белгиланган бўлиб, ҳар бир шаклнинг ҳуқуқий оқибатлари алоҳида кўрсатилмаган. Масалан, кўшилиб кетишда – иккита юридик шахснинг битта янги шахсга айланиши; кўшиб олишда – бир шахс бошқасига кўшилади; бўлишда – юридик шахс бир неча янги ташкилотларга ажралади; ажратиб чиқаришда – асосий шахс сақланиб қолади, бир қисми алоҳида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади; қайтадан тузишда – юридик шахснинг ҳуқуқий шакли ўзгартирилади (масалан, МЧЖ → АЖ).

Юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этиш фақат ташкилий ўзгариш эмас, балки ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартирадиган мураккаб юридик жараёндир. Бундай жараённинг ҳуқуқий натижалари, хусусан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ворислик асосида ўтиши, мулкӣ мажбуриятларнинг тақсимланиши, қарздорлик ҳолатларининг қандай ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ.

Фуқаролик кодексида (49-модда) юридик шахсни қайта ташкил этиш шакллари қайд этилган бўлиб, ҳар бир шаклда ҳуқуқий ворислик даражаси турлича бўлади. Кўшилиб кетиш ва кўшиб олишда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги ташкилотга ўтади; бўлиш ва ажратиб чиқаришда – тегишли “тақсимлаш баланси” асосида тақсимланади; қайта тузишда – юридик шахснинг ўзи сақланиб қолган ҳолда, ташкилий шакли ўзгаради.

Қайта ташкил этиш шакллари бўйича ворислик даражасини қуйидагича тавсифлашимиз мумкин:

кўшиб юбориш – 100% универсал ворислик;
кўшиб олиш – фаол ва пасив активларнинг тўлиқ ўтиши;
бўлиш – селектив (танлаб ўтиш) ворислик;
ажратиб чиқариш – фрагментли ворислик (фақат алоҳида мажбуриятлар);

ўзгартириш – ҳуқуқлар сақланади, ворислик эмас.

